

Лев
Толстой

Икронома



ТОШКЕНТ "МАННАВИЯТ" 1998

Инсон умрининг моҳияти нима? Унинг бу дунёга келиб кетишида қандай маънно бор? Жаҳоннинг буюк мутафаккирлари, машҳур файласуфлар ҳамиша ана шу саволлар устида бош қотирганлар.

Буюк адаб Лев Толстой ўзининг «Иқрорнома» асарида инсон умрининг мазмуни ҳақида бош қотирар экан, унинг ҳаётида эътиқодининг, диннинг ўрни ва роли ҳақидаги теран мушоҳадаларни ўртага ташлайди, ўлкан даҳоларни қийнаган маънавий муаммоларга жавоб излайди.

Асар Лев Толстой ҳаёти ва дунёқарапининг янги қирралари ни акс эттирганилиги билан муҳим ва қадрлидир.

Таржимон: *Озод Шарафиддинов*

Адабий-фалсафий нашр

ЛЕВ НИКОЛАЕВИЧ ТОЛСТОЙ

ИҚРОРНОМА

Тошкент «Маънавият» 1998

Муҳаррир С. Содиков

Рассом А. Пономарёв

Тех. муҳаррир Т. Золотилова

Мусаҳдиҳ С. Абдулсаматова

Теришга берилди . 31.07.98. Босишига рухсат этилди 22.09.98. Бичими
84×108½¹/₂. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулда босилди.
Шартли б.т. 4,20. Шартли кр.-отт. 4,41. Нашр т. 4,27. 3000 нусха. Буюртига
№ 107. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти, Тошкент, Шодлик кўчаси, 6. Шартнома 19—98.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент ижтоборни
журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов
кўчаси, 1-йй, 1998.

Т 64

Толстой Л.

Иқрорнома (Тарж.: О. Шарафиддинов—Т.:
«Маънавият», 1998.— 80 б.

ББК 83.3Р1

Т 4702620204—22
М 25(04)—98 23—98

© «Маънавият», 1998

БОСИЛМАГАН АСАРГА МУҚАДДИМА

I

Мен православ христиан дини руҳида чўқинтирилганман ва тарбия топғанман. Болалигимдан бошлаб, кейин эса бутун ўсмирлигим ва ёшлигим мобайнида мени диний руҳда тарбия қилишди. Аммо мен 18 ёшга тўлиб, дорилфунуннинг иккинчи курсини битирганимда менга ўргатган нарсаларининг ҳеч қайсисига ортиқ ишонмай қолгандим.

Баъзи бир хотираларимга қараб ҳукм қилинса, мен ҳеч қачон менга ўргатган нарсаларига ва катталарнинг менинг ҳузуримда қилган иқрономаларига жиддий ишонган эмасман. Уларга фақат ишонқираб қарадим холос, аммо бу ишонқирашнинг замини жуда бўш эди.

Эсимда, мен ўн бир ёшда эдим — аллақачон оламдан кўз юмган Володенька М. деган бир гимназия талабаси якшанба куни бизникига келиб, гимназияда кашф этган бир гапни катта янгилик сифатида гапириб берди. Кашфиёт шундан иборат эдики, Худо йўқ ва бизга ўргатган нарсаларнинг ҳаммаси беҳуда гаплар (бу 1838 йилда бўлган эди). Эсимда, акаларим бу янгиликка қизиқиб қолишиди ва мени маслаҳатга чақиришиди. Яна эсимдаки, биз ҳаммамиз анча ҳаяжонга тушдик ва бу гапларни жуда ғалати ва бўлиши мумкин гаплар тарзида баҳоладик.

Яна эсимда — акам Дмитрий дорилфунунда ўқиб юрган кезларида бирдан унинг табиатига хос жўшқинлик билан динга берилиб қолди ва ҳамма ибодатларга қатнай бошлади, рўза тутди, озода ва покиза ҳаёт кечира бошлади. Шунда биз ҳаммамиз, ҳатто катталар ҳам тинимсиз тарзда унинг устидан кулиб юрдик ва уни негадир Нуҳ деб атадик. Эсимда, ўша кезларда Қозон дорилфунуннинг мутаваллиси бўлган Мусин-Пушкин ҳаммамизни танца тушгани уйига таклиф қилган эди. Акам боришдан бўйин товлади. Шунда у истеҳзо билан Довуд ҳам кема олдида рақс тушган деб, акамни кўндиришга уриниб кўрди. Ўша кезларда катталарнинг бунақа ҳазил-ҳузуллари менга анча маъқул тушган эди. Мен улардан битта хулоса чиқардим — диний китобларни ўқиши

керак, аммо буларнинг барини ҳаддан зиёд жиддий қабул қилмаслик керак. Яна шу нарса хотирамдаки, мен жуда ёшлигимда Вольтерни ўқиганман ва унинг истеҳзоларидан норози бўлиш ўрнига уларни ўқиб, кайфим чоғ бўлар эди.

Менинг диндан қайтишим бизга ўхшаган ўқимишли одамлар ўртасида қандай содир бўлган ва бўлаётган бўлса, худди шундай рўй берди. Менинг назаримда, кўп ҳолларда бу қуидагича содир бўлади шекилли: ҳамма қандай яшаса, айрим-айрим одамлар ҳам шундай яшайди. Ҳамма эса шундай ибтидолар асосида ҳаёт кечиралики, бу ибтидоларнинг диний эътиқодларга алоқаси йўққина эмас, балки кўп ҳолларда уларга буткул зид ҳамдир, диний эътиқодлар тирикчиликда иштирок этмайди, бошқа одамлар билан мулоқотда бўлганингизда ҳеч қачон диний эътиқодларга рўпара келмайсиз ва ўз ҳаётингизда ҳам ҳеч қачон ундан баҳраманд бўлишингизга тўғри келмайди; диний эътиқодларга кундалик ҳаётдан олисда ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда сифинасиз. Агар унга тўқнаш келиб қолсангиз, фақат ҳаёт билан боғлиқ бўлмаган ташки ҳодисадек муомалада бўласиз.

Одамнинг ҳаётига қараб, унинг ишларига қараб, унинг худога ишониш-ишонмаслигини билиб бўлмайди. Авваллари шунақа эди, ҳозир ҳам шундай. Мабодо борди-ю, православ динидаги одам билан уни инкор этувчи кас ўртасида бирон бир тафовут бўлса, бу диндор одамнинг фойдасига бўлмайди. Авваллари бўлгани каби ҳозирги пайтда ҳам православ мазҳабини тан олувчилар ва уни ўзларининг имони деб билганларнинг кўпчилиги ақли ноқис, бағри тош ва виждонсиз одамлардир. Улар ҳаддан зиёд ўзларига бино қўйишган. Донолик, тўғрилик, номус, очиқ кўнгиллилик ва диёнат эса кўпинча ўзларини динга ишонмайдиган деб тан олувчилар ўртасида учрайди.

Мактабларда диний китобларни ўқитадилар ва шогирдларни черковга қатнашга ундейдилар; мансабдорлардан ибодатга қатнашлари ҳақида гувоҳлик талаб қилинади. Аммо ортиқ бирон жойда ўқимайдиган, бирон давлат ишида хизмат қилмайдиган бизнинг тоифамиздаги одам ҳозирги пайтда ҳам, ўтган замонларда эса инчунин, ўнлаб йиллар мобайнида христианлар орасида яшаётганини бирон марта хаёлига келтирмасдан ва ўзи ҳам христиан православ динидаги одам ҳисобланишини эсига олмасдан умр ўтказиши мумкин эди.

Ана шунақа. Ҳозир ҳам худди ўтмишдаги каби ишониб қабул қылганимиз ва ташқи тазийә билан қўллаб-қувватланиб туриладиган диний эътиқод диний таълимотга зид бўлган ҳаётий билим ва тажриба таъсирида камдан-кам эриб битмоқда. Одам эса, кўпинча, болалигидан унга сингдирилган диний таълимот ҳамон унинг онгидаги тўла-тўкис мавжуд деган ўй билан кўп йиллар ўзини-ўзи овутиб юраверади. Ҳолбуки, унинг онгидаги диний эътиқодларнинг изи ҳам қолмаган бўлади.

С. деган жуда доно ва ростгўй одам қандай қилиб динга ишонмай қўйганини менга гапириб берган эди. Йигирма олти ёшга кирганида, ов қилиб юрган чоғида, болаликдан ўрнашиб қолган одатига кўра кечқурун ибодат қила бошлапти. У билан бирга овга келган акаси пичан устида ётиб, уни кузатипти. С. ибодатни тугатиб, ётишга чоғланаётганда, акаси унга «ҳали ҳам шу ишингни қўйганинг йўқми?» депти. Улар бир-бирларига бундан бошқа бир оғиз ҳам гап айтишмапти. Аммо С. шу кундан бошлаб ибодат қилмай қўйипти ва черковга қатнашни ҳам бас қилипти. Шу кўйи ўттиз йилдан бери ибодат қилмаётган ва черковга бормаётган экан. Бундай қилганига сабаб — у акасининг эътиқодларидан ҳабардор бўлгани ва уларга қўшилишга тайёрлиги эмас, ўз қалбида бирор қатъий қарорга келгани ҳам эмас. Бор-йўқ сабаб шуки, акасининг оғзидан чиққан гап ўз оғирлигидан қулай-қулай деб турган деворга турткидай бўлган. Бу гап шунга ишора қилганки, у диний эътиқод бор деб ўйлаган жойда аллақачон ҳеч вақо қолмаган экан. Шунинг учун ҳам ибодат вақтида унинг оғзидан чиққан иборалар, чўқинишлари; саждага кетишлари — бари-бариси маъносиз ҳаракатлардан ўзга нарса эмас экан. Уларнинг маъносизлигини англағач, у ортиқ тоатибодатини давом эттиrolмай қолган.

Мен ўйлайманки, бошқа жуда кўп одам ҳам шу аҳволга тушган ва тушади. Мен бизнинг тоифамизга мансуб ўқимишли одамлар ҳақида, ўз-ўзига рост гапирадиган одамлар тўғрисида сўзлаямман. Диний эътиқодини биронта вақтинчалик, ўткинчи мақсадга эришиш воситаси қилиб олган одамлар бундан мустасно, албатта. (Бундай одамлар, аслида, учига чиққан динсизлардир, негаки бундай одамлар учун дин ҳаётда муайян марраларга эришиш воситаси бўлса, бунақа дин дин бўлмайди.) Бизнинг тоифамизга мансуб ўқимишли одамлар шунақа аҳволдаки, ҳаёт ва билим нури сунъий иморатни

эритиб юборган ва улар ё буни сезиб, жой бўшатишган ёхуд ҳали уни сезишганларича йўқ.

Болалигимдан менга сингдирилган диний эътиқод бошқаларда қандай бўлса, менда ҳам шундай гойиб бўлди. Фақат фарқ шунда эдикни, мен жуда эрта ўқишига ва фикрлашга бошлаганим сабабидан менинг диндан қайтишим илк қадамларданоқ онгли характер касб этди. Мен ўн олти ёшимдан бошлаб ибодат қилмай қўйдим ва ўз ихтиёrim билан черковга қатнашни бас қилдим. Мен болалигимдан бошлаб менга сингдирилган ақидаларга ишонмай қўйдим. Аммо нимагадир ишонар эдим, бироқ нимага ишонишимни сўзлар билан очиқ-равshan ифодалаб беролмас эдим. Мен Худога ҳам ишонганиман, тўғрироғи, Худони инкор этган эмасман, аммо қанақа Худога ишонишимни айтиб беролмас эдим. Мен Исони ҳам, унинг таълимотини ҳам инкор этмадим, бироқ бу таълимотнинг моҳияти нимада эканини билмас эдим.

Эндиликда ўша вақтларни эслар эканман, шу нарса аниқ-равshan аён бўладики, менинг эътиқодим, яъни ҳайвоний инстинктлардан ташқари менинг ҳаётимни ҳаракатга келтирган нарса, менинг ўша кезлардаги якка-ю ягона имоним комил инсон бўлишга ишонч эди. Аммо комилликнинг мазмуни қанақа, унинг қандай мақсадлари бор — буни айтиб беролмасдим. Мен ўзимни ақлий жиҳатдан мукаммаллаштиришга ҳаракат қилдим — қўлимдан келган ҳамма нарсани, ҳаёт мени рўпара қилган нарсаларнинг барини ўрганишга интилдим; мен иродамни мукаммаллаштиришга ҳаракат қилдим — ўз-ўзимга қоидалар яратиб, уларга амал қилишга уриндим; ўзимни жисмонан мукаммаллаштиришга киришдим — ҳар хил машқлар билан кучимни ва чаққонлигими ўстирдим, ҳар хил муҳтожликларни кўриб, ўзимни бардошга ва сабр-тоқатга ўргатдим. Буларнинг барини мен мукаммаллашув деб ҳисобладим. Албаттаки, ҳамма нарсанинг ибтидоси маънавий мукаммаллашувимда эди, аммо орадан кўп ўтмай, унинг ўрнини умуман мукаммаллашув эгаллади, яъни ўз-ўзимнинг наздимда ёхуд Худонинг қаршисида яхшироқ бўлиш истаги эмас, балки бошқа одамлар олдида яхшироқ бўлиш истаги эгаллади. Орадан кўп ўтмай бошқа одамлар қаршисида яхшироқ бўлишга интилиш ўрнини бошқа одамлардан кучлироқ бўлиш, яъни бошқаларга қараганда шуҳратлироқ, донгдорроқ, бадавлатроқ бўлиш истаги эгаллади.

II

Вақт-соати келса, мен ҳаётим тарихини ҳикоя қилиб бераман — ёшлигимдаги ўн йиллик умрим жуда ибратли ва таъсирчан кечган. Ўйлаймәнки, менинг күнглимдан кечган туйғуларнинг кўпи бошқалардан ҳам кечган. Мен бутун қалбим билан яхши бўлишга интилгандим; аммо мен ёш эдим, ҳирсларимга асир эдим, аммо яхши бўлиш йўлларини излаганимда ёлғиз эдим, мутлақо ёлғиз эдим. Ҳар гал қалбимдаги энг яхши майларимни, яъни маънавий жиҳатдан яхши бўлмоқчи эканимни намойиш қиласам, мени мазах қилишар ва менга нафрат билдиришарди; ёмон эҳтиросларга бериладиган бўлсан эса, ҳар гал мени мақташар ва рағбатлантиришар эдилар. Манфаатпарастлик, шуҳратпарастлик, ҳокимииятпарастлик, шаҳвоният, мутакаббирлик, ғазаб, интиқом — буларнинг ҳаммаси ҳурматга сазовор эди. Бу ҳирсларга берилганимда мен катта одамларга ўхшаб қолардим ва мендан мамнун эканликларини ҳис қиласдим. Мен холажоним билан бирга турадим. Қўй оғзидан чўп олмаган бу покиза аёл ҳамиша менга бир тилак билдириб, «эр кўрган аёл билан алоқада бўлишингни истайман, чунки боадаб аёл билан алоқа қилган йигитнинг саводи тез чиқади» дерди. У менга яна бир тоифа баҳт тиларди — менинг адъютант бўлишимни, бўлганга яраша подшонинг адъютанти бўлишимни истарди; унинг менга тилатан энг катта баҳти шу эдики, менинг жуда ҳам бадавлат қизга уйланишимни истар, бу уйланиш оқибатида, менда сон-саноқсиз қуллар бўлишини хоҳлар эди.

Даҳшатсиз, ижирғанмасдан, юрак зил кетмасдан шу йилларни эслай олмайман. Мен урушда одам ўлдирганман, ўлдирмоқ ниятида дуэлга чақирғанман, тасарруғимдаги мужикларни қартага бой берганман, уларнинг меҳнати эвазига яшаганман, уларни қатл этганман, фаҳш ишлар билан шуғулланганман, алдаганман. Ёлончилик, ўғирлик, ҳар хил рангдаги зинокорлик, ичкиликбозлик, зўравонлик, қотиллик... Мен қилмаган жиноят қолган эмас ва бунинг ҳаммаси учун мени мақташган, тенгдошларим мени нисбатан виждонли одам деб ҳисоблашган ва ҳозир ҳам ҳисоблашади.

Шу аҳволда ўн йил яшадим.

Бу давр мобайнода шуҳратпарастлигим, манфаатпарастлигим, мутакаббирлигим важидан ёза бошладим. Ҳаётда нима номаъқулчилик қилган бўлсан, ёзганла-

римда ҳам шуни ёздим. Шуҳратга эришмоқ ва пул топмоқ учун жамики яхши нарсани яшириб, ёмон нарсани ёзмоқ керак эди. Мен шундай қилдим. Мен ёзган нарсаларимда лоқайдлик пардаси остида ва ҳатто, жиндай истеҳзо аралаш яхшиликка интилишларимни неча мартааб яшириб кетганман. Ҳолбуки, яхшиликка интилиш ҳаётимнинг мазмунини ташкил қиласарди. Шу йўл билан шуҳратга эришдим — мени мақтадилар.

Иигирма олти ёшга тўлиб, урушдан кейин Петербургга келдим ва ёзувчилар билан топишдим. Мени ўзларига яқин олиб қарши олишди, менга хушомадлар қилишди. Бир айланиб улгурмасимдан мен топишган одамларнинг ҳаётга мутакаббirona қaraшларини ўзлаштириб олдим ва яхшироқ бўлиш борасида қилган ҳамма аввалги уринишларим таг-туги билан хаёлимдан учди-кетди. Бу қaraшлар бебошлиқ билан кечираётган умримга қўшилиб бу ҳаётни оқлайдиган назарияга айланди.

Ёзувчилик борасидаги бу шерикларимнинг ҳаётга қараши шундан иборат эди: умуман ҳаёт ўз йўлида ривожланиб боради ва унинг бу ривожида биз, яъни фикрловчи одамлар асосий иштирокчилар сифатида кўринализ; фикрловчи одамлар орасида эса биз — санъаткорлар, шоирлар асосий таъсир кучига эгамиз. Зиммамиздаги бурчимиз — одамларни ўргатиш. Аммо бунда ўз-ўзингга бериладиган савол кўндаланг бўлиши мумкинхўш, мен ўзим нимани биламан-у, одамларга нимани ўргатаман? Шу савол кўндаланг бўлмасин учун юқоридаги назариямизда бир гап айтилди — санъаткор бирорга бир нарса ўргатмоғи учун ўзи бирон нарса билиши шарт эмас, санъаткор билан шоир ғайришуурый тарзда ўргатишади. Мен жуда ажойиб санъаткор ва шоир ҳисобланардим, шунинг учун ҳам ғоят табиий бир тарзда бу назарияни ўзлаштириб олдим. Мен — шоирман, санъаткорман, ўзим нимани ўргатаётганимни билмаган ҳолда асар ёзиб, одамларга ўргатаман. Бунинг учун менга қалам ҳақи беришади, еганим олдимда, емаганим кетимда, турар жойим соз, аёллар бисёр, улфатларим жойида. Хуллас, шуҳратим юксак. Бундан келиб чиқадики, мен ўргатган нарса жуда яхши экан.

Поэзиянинг аҳамиятига ва ҳаётнинг ривожланишига бўлган бу ишонч — имон эди ва мен унинг муҳибларидан бири эдим. Бу имоннинг муҳиби бўлиш қулай ва ёқимли эди. Шу аҳволда шу имонга сажда қилиб, унинг чинлигига шак келтирмай мен анча яшадим. Аммо иккичил йил ўтгач ва, айниқса, бундай ҳаётимнинг учинчи йили

бошлангач, мен бу имоннинг бенуқсонлигига шубҳа қила бошладим ва уни тадқиқ қилишга киришдим. Менда шубҳа туғилишига турткі бўлган биринчи омил шу бўлдики, бу имоннинг муҳиблари ҳамма вақт ҳам ўзаро иттифоқ эмас эдилар. Баъзилар дейишарди: биз — энг яхши ва энг фойдали устозлармиз, биз керак нарсани ўргатамиз, бошқалар нотўғри ўргатишади. Бошқалари эса бундай дейишади: йўқ, биз чин устозмиз, сизлар нотўғри ўргатасиз. Шундай деб улар бир-бирлари билан баҳсга киришади, тортишади, сўхишишади, бир-бирларини алдайди, бир-бирларига маккорлик қилишади. Бундан ташқари, уларнинг орасида шунақа одамлар ҳам кўп эдики, улар ким ҳақу, ким ноҳақлигини ўйлаб ҳам ўтиришмасди; балки бизнинг шу фаолиятимиздан фойдаланиб, ўзларининг ғаразли ниятларига осонгина эришардилар-қўярдилар. Буларнинг ҳаммаси мени имонимизнинг чинлигига шак келтиришга мажбур қилди.

Бундан ташқари, ёзувчилик имоннинг чинлигига шубҳа пайдо бўлгандан кейин мен унинг муҳиблари ҳаётини синчилаб кузата бошладим ва амин бўлдимки, бу имоннинг деярли ҳамма муҳиблари — ёзувчилар виждонсиз одамлар экан, уларнинг кўпчилиги ярамас одамлар экан, уларни икки пулга арзимайдиган каслар деса ҳам бўлади; улар аввалги бебош ҳаётимда, ҳарбий ҳаётимда учратган одамларнинг кўпидан тубан туради, лекин улар жуда ҳам ўзларига бино қўйган ва ўз-ўзларидан бениҳоя мамнун одамлар. Фақат авлиёларгина ўз-ўзларидан шунақа мамнун бўлишлари мумкин ёки авлиёлик нималигини билмайдиганларгина шунақа бўлсалар, эҳтимол. Мен одамларни ёмон кўриб қолдим, ўзимдан ҳам кўнглим қолди. Шунда англадимки, бу имон — ёлғон!

Аммо ғалати жойи шундаки, бу имоннинг ёлғонлигини тушуниб, ундан юз ўгирганимдан кейин шу одамлар томонидан менга берилган рутбадан — санъаткор, шоир, устоз рутбасидан юз ўгирамадим. Гўллик билан ўйлабманки, мен шоирман, санъаткорман, бинобарин, ўзим нимани ўргатаётганимни билмаган ҳолда ҳаммага ақл ўргатавераман. Шундай қилдим ҳам.

Бу одамларга яқин бўлиб мен янги бир гуноҳ ортиридим — менда мутакаббирлик жуда авж олиб кетди ва нима ўргатаётганимни билмаган ҳолда одамларга ақл ўргатиш зиммамдаги бурчимдир деган мажнунона ишонч пайдо бўлди.

Эндиликда ўша замонларни эсга олар эканман, ўзим-

нинг ўша пайтдаги кайфиятимни ва ўша одамларнинг (бунақа одамлар ҳозир ҳам беҳисоб) кайфиятини хотирлар эканман, ҳам кулгим келади, ҳам йиғлагим, ҳам раҳмим қўзғалади, ҳам даҳшатга тушаман. Жиннихона-га тушган одамнинг кўнглидан шунақа туйғулар кечса керак.

У пайтларда биз ҳаммамиз астойдил ишонган эдикки, биз кўп гапирмоғимиз, тинмай ёзмоғимиз, ёзганимизни бетўхтов чоп этмоғимиз даркор, буни қанча тез ва қанча кўп қиласак, шунча яхши, чунки буларнинг бари инсоният манфаатлари учун зарур. Ва бизга ўхшаганлардан сон мингтаси бир-бирини инкор этиб, бир-бирини сўкиб, бошқаларга ақл ўргатиб тинмай ёздилар ва ёзганларини чоп этдилар. Шундай қилиб, биз ҳеч нарса билмаслигимизни пайқамаган ҳолда, ҳаётнинг «яхши дегани нима-ю, ёмон дегани нима?» деган энг оддий саволига нима деб жавоб беришни билмаган ҳолда, бир-биrimизнинг гапимизни тингламаган ҳолда ҳаммамиз ёппасига гапира кетдик. Аммо баъзан менга ҳам «бара-калла» десинлар ва мени ҳам жиндай мақтаб қўйсинлар деган мақсадда, бир-биrimизга оғаринлар ёғдирдик ва бир-биrimизни мақтаб, кўкларга кўтардик. Бу олағовур ичиди аҳён-аҳёнда ғазабимиз ҳам қўзиб турага бир-биrimизнинг овозимизни босиб, қичқиришга тушардик. Баайни жиннихонанинг ўзи эмасми?

Минглаб ишчилар туну кун кучдан қолиб, хориб-толиқиб ишлашар, миллионлаб сўзларни теришар ва бошишар, почта эса уларни бутун Россия бўйлаб тарқатар эди, биз эса ҳамон узлуксиз равишда жазавага тушиб ўргатар, ўргатар ва яна ўргатар эдик, бу ўргатишимизнинг кети-охири кўринмас эди ва биз яна зарда ҳам қилиб қўярдик — бизнинг гапимизни кам тинглашяпти.

Кўп ғалати эди бу, лекин энди менга ҳаммаси тушунарли. Ҳақиқий, чин юракдан чиқсан мулоҳазамиз шу эдики, биз имкони борича кўпроқ пул олишни ва мақтov эшитишни истар эдик. Бу мақсадга эришиш йўлида биз китоб ёзиш ва газета чиқаришдан бошқа ҳеч нарса билмас эдик. Биз шу ишларни қилдик ҳам. Аммо шу қадар беҳуда ишларни қилиб туриб, ўзимизни жуда керакли улкан одамлар деб комил ишонч билан ҳисобламоғимиз учун, бизнинг фаолиятимизни оқлайдиган, унга бирон маъно ато этадиган мулоҳаза ҳам керак эди. Шу сабабдан биз қўйидаги гапни тўқиб чиқардик: мавжуд нарсаки бор, уларнинг ҳаммаси ақлга мувофиқдир. Нимаинки мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммаси ривож топади. Ри-

вожланиш эса маърифат воситасида амалга ошади. Маърифат деганимизнинг даражаси китоб ва газеталарнинг қай даражада тарқалиши билан ўлчанади. Биз китоб ёзганимиз ва газета чиқарганимиз учун бизга пул тўлашади, шунинг учун ҳам биз энг фойдали ва яхши одамлармиз. Агар биз ҳаммамиз шу мулоҳазага қўшилсак, ундан яхши мулоҳаза бўлмас эди. Аммо бир одам томонидан айтилган битта фикрга қарши бошқа одам ҳар доим бутунлай унга зид бошқа бир фикр айтарди, бу эса бизни ўйланишга мажбур этарди. Аммо биз буни пайқамас эдик. Бизга пул тўлашарди ва фирмамизга мансуб одамлар бизни мақташарди — шундоқ бўлгандан кейин бизнинг ҳар қайсимиз ўзимизни ҳақ деб ҳисоблардик.

Энди менга аёнки, буларнинг бари жиннихонадаги аҳволдан сира ҳам фарқ қилмайди. У пайтларда эса мен буни фирға-шира англардим, холос ва ҳамма жинниларга ўхшаб ўзимдан бошқа ҳаммани жинни деб атар эдим.

III

Ана шу тентаклик қўйнида мен уйлангунимга қадар яна олти йил умр кечирдим. Бу вақт ичида мен хорижга бориб келдим. Оврўподаги ҳаёт ҳақида Оврўподаги илфор, ўқимишли одамлар билан мулоқот шу пайтгача амал қилиб яшаб келганим мукаммаллашув ҳақидаги эътиқодимни янада мустаҳкамлади, чунки бу ердаги одамлар ҳам айни шу эътиқодга сифинар эканлар. Мендаги эътиқод бизнинг давримиздаги ўқимишли одамларнинг кўпчилигига бўлгани каби одатий бир шаклга кирди. Бу эътиқод «тараққий» деган сўз билан ифодаланаар эди. У пайтларда менга бу сўз аллақандай маъно англатадигандай туюлар эди. У пайтларда ҳали тушунмас эдимки, мен «қандай қилиб яхшироқ яшамоғим керак?» деганга ўхшаш саволлар гирдобида изтироб чекаётган ҳар қандай одам каби «тараққийга мувофиқ яшамоқ керак», деб жавоб берар эканман, тўлқинлар юзида шамол ҳар томонга судраётган қайиққа тушиб қолган одам «йўл бўлсин?» деган унинг учун ягона ва асосий саволга жавоб бериш ўрнига «аллақаёққа елиб кетиб боряпмиз» дегандек бўлган эканман.

У пайтларда мен ҳали буни пайқамаган эдим. Бизнинг давримизда ҳаётни тушуниб етмаган одамлар ана шу умумий хурофот қобиғига бурканиб оладилар. Мен

аҳён-аҳёнда ақлим билан эмас, туйгуларим билан бундан норози бўлиб қўйардим. Масалан, Парижда бўлган вақтимда қатл манзарасини кўрдиму, мендаги тараққийга эътиқоднинг замини бўш эканини сезиб қолдим. Қатл қилинган одамнинг калласи танасидан жудо бўлиб, иккovi ҳам гупиллаб қутига тушгандай бўлганини кўриб, ақлим билан эмас, бутун вужудим билан англадимки, мавжуд нарсанинг ақлга мувофиқлиги ва тараққиёт ҳақидаги ҳеч қандай назария бу ишни сира-сира оқлай олмайди. Агар дунёдаги ҳамма одамлар қандайдир назарияларга амал қилиб, дунё яратилгандан бери шуни зарур деб ҳисоблаб келган эканлар, мен биламанки, бу керак эмас, бу ёмон иш. Шунинг учун нима нарса яхши-ю, нима нарса зарур эканини одамларнинг гап-сўзи-ю. Қилғиликлари эмас, тараққиёт эмас, балки мен юрагимнинг амрига кўра белгилайман. Тараққиёт деган нарсага хурофий эътиқод қўйишнинг ҳаёт учун кифоя эмаслигини англашимга сабабчи бўлган яна бир воқеа катта акамнинг ўлими бўлди. Доно, бағри кенг, жийдий одам эди у. У жуда ёш касалга чалинди, бир йилдан ортиқроқ азоб тортди ва қийналиб, нимага яшаганини тушунмай ва нега вафот этаётганига янада камроқ ақли етиб оламдан кўз юмди. У қийналиб узила-узила жон таслим қилаётган кезларда ҳеч қанақа назария бу саволларга на менга, на унга жавоб бера олди.

Аммо бундай шубҳалар аҳён-аҳёндагина юрагимни чулғаб оларди, аслида эса мен тараққиёт ҳақидаги эътиқодга ихлос қўйиб яшашда давом этардим: «Ҳамма нарса ривожланяпти, мен ҳам ривожланяпман, нима учун ҳамма билан бирга мен ҳам ривожланяпман — кейинчалик кўрармиз».

Ўша пайтлардаги эътиқодимни шундай деб ифодаласам бўлар дейман.

Хориждан қайтганимдан кейин мен қишлоқда истиқомат қила бошладим ва деҳқон болалари ўқийдиган мактабда дарс бердим. Мактабдаги машғулотлар менга жуда манзур бўлди, чунки уларда адабий устозлик фволиятида мен учун аён — ошкор бўлиб қолган, хўб жонимга тегиб улгурган ёлғон йўқ эди. Бу ерда ҳам мен тараққиёт йўлида жонбозлик қилдим, бироқ энди мен тараққиётнинг ўзига танқидий муносабатда бўлиб қолгандим. Мен ўзимга ўзим дедимки, баъзи бир ҳодисаларда тараққиёт нотўғри содир бўлган, эндиликда ибтидоий одамларга, деҳқон болаларга батамом эркин му-

носабатда бўлмоқ керак, уларга ўзлари хоҳлаган тараққиёт йўлини танлаб олишни таклиф қилмоқ лозим.

Ваҳоланки, мен ҳамон ўша-ўша ҳал қилиб бўлмайдиган битта масала атрофида айланадиган эканман. Бу масала — нимага ўргатаётганингни билмай туриб, бирорга ақл ўргатиш эди. Нега десандиз, мен кўрдим — ҳамма ҳар хил нарсани ўргатар экан ва нима ўргатаётганлари ўзлари учун ҳам қоронги эканини ўзларидан яширмоқ учун бир-бирлари билан баҳслашиб ётишар экан. Мен ўйлайманки, шу заҳотиёқ деҳқон болалари билан биргаликда бу қийинчилликни бартараф қилиш мумкин — бунинг учун болаларга ўзлари хоҳлаган нарсани ўргатиш керак. Эндиликда кўнглимга келган ўша номаъқулчиликни амалга оширмоқ учун қанчалик ўлиб-тирилганимни эсласам, кулгим қистайди. Шунинг учун номаъқулчиликни, мен уларга ҳеч қанақа керакли нарсани ўргата олмаслигимни ич-ичимдан яхши билардим, чунки нима кераклигини ўзим ҳам билмас эдим. Мактабда бир йилча дарс берганимдан кейин яна хорижга жўнадим. Бу гал мақсадим — хорижда ўзи ҳеч нарсани билмаган ҳолда бошқаларга қандай таълим беришнинг йўлларини ўрганмоқ эди.

Менга шундай туюлдики, мен хорижда буни ўрганиб олдим ва хорижнинг бу борадаги жамики донолиги билан қуролланган ҳолда деҳқонлар озодликка чиққан йили Россияга қайтдим ва воситачилик ўрнини эгаллаб, мактаблардаги саводсиз одамларни ҳам, ўзим нашр эта бошлаган журнал орқали эса ўқимишли одамларни ҳам ўқита бошладим. Ишлар юришиб кетгандек кўринган эди, лекин кўп ўтмасдан ақлан унча соғлом эмаслигими ни ва бу аҳвол узоқ давом этиши мумкин эканлигйни ҳис қилдим. Балки мен ўшандаёқ кейинчалик — эллик ёшимда бошимга тушадиган чуқур тушкунлик дардига гирифтор бўлган бўлардим. Мени бундан фақат бир нарса қутқариб қолди — менинг ҳаётимнинг яна бир томони бор эдики, мен ҳали уни тотиб кўрганим йўқ эди. Ҳаётимнинг шу томони мени қутқаради деган умидда эдим. Бу — оилавий ҳаёт эди.

Бир йил мобайнида мен воситачилик билан шуғулландим, мактабда дарс бердим, журналда ишладим ва ҳаддан ташқари қийналиб кетдим. Мен учун ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди — воситачилик борасидағи курашлар менга жуда оғирлик қилди, мактабдаги машғулотларимдан ҳам путур кетди, журналдаги мавқеим ўз-ўзимга жуда ёмон кўриниб қолди. Буларнинг

бариға сабаб ҳамон ўша-ўша эди — нима таълим беришни билмаган ҳолда ҳаммага таълим бермоқчи, ақл ўргатмоқчи бўлардим ва буни ҳаммадан яширмоқни истардим. Шу туфайли мен жисмонан эмас, руҳан хасталикка чалиниб қолдим. Шунда ҳамма нарсадан қўл силтадим-да, тоза ҳаводан нафас олиш, тўйиб қимиз ичиш ва ваҳшиёна бир тарзда ҳаёт кечирмоқ учун чўлга, бошқирдлар ҳузурига йўл олдим.

У ердан қайтиб келиб уйландим. Бахтиёр оиласий ҳаётнинг янги шароити мени ҳаётнинг умумий маъноси ни излаш борасидаги ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан бутунлай қайтарди. Бу вақт мобайнида менинг бутун диққат-эътиборим оиласига, хотинимга, болаларимга қаратилди, шунинг учун тирикчилик йўлида тузукроқ маблағ топиш ташвишлари биринчи ўрининг чиқди. Камолотга интилиш ўрнини, аввалроқ, умуман камолотга, тараққиётга интилиш эгаллаган эди. Энди унинг ўрнига тўғридан-тўғри оиласининг аҳволини бақадри имкон яхшилаш иштиёқи пайдо бўлди.

Шу аҳволда яна ўн беш йил ўтди.

Мен ёзувчиликни ҳеч нарсага арзимайдиган беҳуда иш деб ҳисобласам-да, бу ўн беш йил мобайнида ёзишда давом этдим. Мен энди ёзувчиликнинг мазасини тушуниб қолгандим, арзимаган меҳнат учун олинадиган жарақ-жарақ қалам ҳақига, қарсаклару офаринларга мазахўрак бўлиб қолгандим. Шунинг учун дамимни ичимга ютиб, улардан моддий аҳволимни яхшилаш воситаси сифатида фойдаланишда давом этдим ва улар ёрдамида менинг ҳаётим ва умуман ҳаётнинг маъноси тўғрисидаги кўнглимдаги ҳар қанақа саволларнинг уни ни ўчиришга ҳаракат қилдим. Бу кезларда мен учун ягона ҳақиқат бор эди — шундай яшагинки, бунинг оқибатида ўзинг оиласиг билан бирга ҳузур-ҳаловатда ҳаёт кечир, имкони борича фароғатда яша. Ёзган асарларимда ҳам шундай таълим бердим. Шу аҳволда яшашда давом этдим, аммо бундан беш йилча муқаддам мен ғалати ҳолатларни кечира бошладим — аввалларига бир неча дақиқа давомида ҳаётим тўхтаб қолаётгандай, довдираф қолаётгандай бўладиган бўлиб қолдим. Гўёки қандай яшашим кераклигини, нима қилмоғим кераклигини мутлақо билмас эдим. Бундай ҳолларда эсанкираб, тушкунилъика тушиб қолардим. Аммо бу ўтиб кетарди ва мен аввалгидай яшашда давом этаверардим. Кейин бу довдираш дақиқалари тез-тез такрор бўла бошлади. Бу ҳар гал бир хил шаклда содир бўларди. Ҳаётнинг

бундай тұхтаб қолишилари ҳар гал бир хил — нима учун? Хүш, кейин-чи? деган саволларда ифодаланаарди.

Аввалига мен шундай туулдикі, булар мақсадсиз, ноўрин берилған саволлар. Назаримда буларнинг ҳаммаси маълум гаплар әди, агар мен вақт-соати қелиб уларни ҳал қилиш билан шуғулланадиган бўлсан, бу иш мен учун сира-сира қийин бўлмайди, фақат ҳозир бу билан шуғулланишга ортиқча вақтим йўқ, керак бўлганда уларнинг ҳаммасига жавоб топа оламан. Бироқ саволлар устма-уст қалашиб ёғилаверди, борган сари қатъийроқ тарзда уларга жавоб талаб қилинаверди ва устма-уст бир нуқтага тушган каби бу жавобсиз саволлар бирлашиб, каттакон бир қора доғни ташкил қилди.

Одамзод дарди бедаво бир дардга чалинадиган бўлса, одатда шундай бўлади. Аввалига хасталикнинг арзимас белгилари намоён бўлади. Бемор уларга эътибор бермайди. Кейин бу белгилар тақрор-тақрор учрайверади ва бора-бора бўлинмайдиган, битта яхлит дардга айланади. Дард кучайғандан кучаяди ва bemор бирор тадорикни кўриб улгурмай англайдики, у оддий хасталик деб қабул қилган нарса унинг учун дунёдаги энг муҳим нарса экан. Бу — ажал экан!

Мен ҳам худди шуни бошимдан кечирдим. Мен англадимки, бу тасодифий хасталик эмас, балки бошқа жуда муҳим бир нарса. Модомики бир хил саволлар тақрор-тақрор кўндаланг бўлавераётган экан, уларга жавоб бермоқ керак. Шунда мен уларга жавоб беришга уннаб кўрдим. Саволлар жуда жўн, болаларникига ўхшаган, бемаъни саволларга ўхшарди. Аммо мен уларни олиб, ҳал қилишга уннашим биланоқ шунга амин бўлдимки, биринчидан, улар болаларнинг саволи эмас, беҳуда эмас, балки ҳаётдаги энг муҳим ва энг теран саволлар экан. Иккинчидан, мен ҳар қанча бошимни қотирмай, уларни сира ҳам ҳал қилолмайман. Самарадаги мулким билан шуғулланишдан аввал, ўғлимнинг тарбиясига киришмоқдан, қўлга қалам олиб китоб ёзишга ўтиromoқдан аввал буларнинг ҳаммасини нима мақсадда қилмоқчи эканлигимни билмогим керак. Нима мақсадда эканини билмагунимча, мен ҳеч нарса қилолмайман. Уша кезларда хўжалик ҳақидаги фикрлар жуда ҳам фикру зикримни банд этган әди. Бир куни шу ўйлар ичидә бир фикр миямга келди: «Хўп, яхши, Самара губерниясида сенинг 6000 десятина еринг, 300 бош йилкинг бўлсин... Хўш, кейин-чи?..» Менинг жуда ҳам бошим қотиб қолди. Ундан нари нима деб ўйлашни ҳам

білмай қолдим. Ёки болаларни қандай тарбиялаётганим ҳақида ўйлай бошлашим биланоқ, ўзимга: «Нима учун?» — дердим. Ёки халқ қандай қилиб фаровонликка әришмоғи мүмкінліги түғрискідегі мұлоҳаза юритганды, тұсатдан ўз-ўзимга: «Мениң нима ишим бөр-а!» — деб юборардим. Ёки мениң асарларымни қандай шоншұхратлар кутаётгани ҳақида ўйласам, ўзимга-ўзим дердим: «Хұп, яхши, сениң шұхратинг Гоголникидан, Пушкинникидан, Шекспирникидан, Мольерникидан, дунёдағы жамики ёзувчиларникидан ҳам ортиқроқ бўлади. Хўш, нима бўпти? Иннайкейинчи?»

Бу саволга жавоб тополмай, тилимни тишлаб қолардим.

IV

Ҳаётим тұхтаб қолди. Мен нафас олишим, овқат ейишим, сув ичишим, ухлашим мүмкін эди, нафас ол масам ҳам, овқат емасам ҳам, сув ичмасам ҳам, ухла масам ҳам бўлаверар эди. Лекин, барибир, ҳаётим тұхтаб қолган эди. Негаки, менда «қондирсам ақлга мувофиқ иш қилган бўламан» деб ҳисоблайдиган биронта хоҳищ қолмаган эди. Агар мен бирор нарсани хоҳлаб қолсам, аввалданоқ билар әдимки, уни қаноатлантирамани ёки йўқми, барибир, бундан ҳеч нарса чиқмайди.

Агар бирор сеҳргар фаришта келса-ю, менга ҳамма истакларингни бажо келтираман деса, мен унга нима дейишимни билмаган бўлардим. Агар ширакайф вақтларимда кўнглимда истак эмас, йўқ, аввалги кўниклигân истакларнинг қораламаси кўриниб қолса, соғ дақиқаларимда биламанки, буларнинг бари рӯё, истайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳатто ҳақиқатни билишни ҳам истамай қўйгандим, ҳақиқат нимада эканини сезиб турардим.

Ҳақиқат шунда әдикі, яшашда ҳеч қандай маъно йўқ эди.

Мен гўёки яшаб-яшаб, юриб-юриб бир тубсиз жарлик бўйига келиб қолгандай ва олдинда ҳалокатдан бошқа ҳеч нарса йўқдай эди. Тұхташ ҳам мүмкін эмас, орқага қайтиб ҳам бўлмайди, олдинда ёлғон ҳаёт ва ёлғон баҳтдан ўзга, чинакам изтироблар ва чинакам ўлимдан, яъни тұла-тугал маҳв бўлишдан бошқа ҳеч нарса йўқлигини кўрмаслик учун кўзни юміб ҳам бўлмайди.

Ҳаёт кўнглимга урди — аллақандай енгиб бўлмайдиган бир куч мени бир амаллаб ундан халос бўлишга

ундай бошлади. Менда ўз-ўзимни ўлдириш истаги пайдо бўлди деб айтолмайман. Мени ҳаётдан ҳалос бўлишга чорлаётган куч хоҳишдан кўра кучлироқ, тўлароқ, умумийроқ эди. Бу куч авваллари менда жўш урган яаш истагига ўхшарди, фақат унга тескари йўналишга эга эди. Мен бутун кучим билан ҳаётдан мосуво бўлишга интилардим. Авваллари ҳаётни яхшилаш ҳақидаги фикрлар кўнглимга қанчалик табиий келган бўлса, энди ўзимни ўлдириш ҳақидаги фикр ҳам шунаقا ўз-ўзидан келди. Бу фикр шунчалар жозибадор эдики, шошиб-пишиб уни амалга ошириб қўймаслик учун мен ўзимга нисбатан баъзи бир чора-тадбирларни кўрмакка мажбур бўлдим. Мен фақат бир боисдангина шошмасликни ихтиёр этдим — калаванинг учини топмоқ учун ҳамма ҳаракатни қилиб кўрмоқчи бўлдим. Калаванинг учини тополмасам, «бу ишни қилишга ҳамма вақт улгурман» дедим ўз-ўзимга. Мен бахтли одам эканманда — ўшанда ҳар куни оқшомларда ўзим ёлғиз ўтирадиган хонадан тизимчани олиб чиқиб ташладим — ечи наётиб, бехосдан икки жавон ўртасидаги тўсинга ўзими-ўзим осиб қўймай дедим-да. Овга ҳам милтиқ кўтариб бормай қўйдим, чунки тепкини бир босиш билан одам осонгина ҳаётдан маҳрум бўлади-қўяди — шунга лаққа учмай дедим. Нима исташимни ўзим ҳам билмай қолган эдим: бир томондан ҳаётдан безиб бўлган эдим, ундан ҳалос бўлишни истардим ва айни чоқда ундан яна нимадир умидвор эдим.

Бу воқеалар бошимга тушган кезларда мен ҳар жиҳатдан мукаммал бахт эгаси деб ҳисобланишим керак эди, яъни мен ҳали эллик ёшга тўлганим йўқ эди. Менинг олижаноб аёлим бор эди, у мени севарди, мен уни севардим, фарзандларим яхши болалар эди, мулким бор эди — мен сира ҳаракат қилмасам-да, у ўсиб, ғуллабяшнаб ётарди. Яқинларим ва танишларим мени ҳурмат қилишар, бегоналар мени аввалгиға қараганда ўн чандон ортиқроқ мақташар ва ҳеч қандай зўрма-зўракилик-сиз мен ўзимни машҳур одам деб ҳисобласам бўлаверарди. Бунинг устига мен нафақат жисмонан ёки руҳан бирон хасталикка чалинган эдим, балки, аксинча, ҳам жисмонан, ҳам руҳан шунаقا бақувват эдимки, бунаقا қувватни тенгқурларим орасида камдан-кам ҳолларда учратганман: жисмонан олганда, мен пичан ўrimida мужиклар билан тенгма-тенг ишлай олардим, ақлий иш билан эса сурункасига саккиз-ўн соат ишлашим мумкин эди. Ишлаганда ҳам бунаقا зўриқиши оқибатида, ҳеч

қанақа азият чекмасдим. Ана шундай ақволда мен шунга келдимки, яшай олмай қолдим ва ўлимдан құрқа-нимдан жонимга беҳосдан қасд қилиб қўймаслигим учун ўзимга нисбатан баъзи чора-тадбирларни кўриб қўйишга тўғри келди.

Руҳий ҳолатим мен учун шундай ифодаланди: аллаким менга қарши ёмон бир бемаъни ҳазил қилиб, менга шу ҳаётимни ато этган. Мен ўзимнинг «бирор» кимса томонидан яратилганимни тан олмас эдим. Шунга қарамай, бу дунёда мени барпо этатуриб, аллаким устимдан ёмон бир бемаъни ҳазил қилган деган тасаввур мен учун энг табиий тасаввур шакли эди.

Беихтиёр равишда менда шундай тасаввур пайдо бўларди: юқорида аллақаерда қимdir бор. У менинг оз эмас — кўп эмас, 30—40 йил умр кечирганимни, бу йиллар мобайнida ўқиб ўсганимни, жисмонан ва руҳан бақувват тортганимни, энди эса ақлим бутунлай балофатга етганда, мен ҳаётнинг энг баланд чўққисига етиб келганимни, бу чўққидан бутун ҳаётни кафтдагидек кўриб турганимни ва шу ақволда шу чўққи устида ҳаётда ҳеч нарса йўқлигини, ҳеч нарса бўлмаганини ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини аниқ-таниқ англағанимча овсарларча қаққайиб турганимни кўриб устимдан роса ма-заҳ қилиб куляпти. «У яна кулади-я...»

Аммо менинг устимдан кулаётган бу аллаким борми ё йўқми — бунинг менга фарқи йўқ. Мен на бутун ҳаётимга, на ундаги бирон хатти-ҳаракатимга ақл бовар қиласдиган ҳеч қанақа маъно бера олмадим. Мен фақат бир нарсага ҳайрон эдим — қандай қилиб ҳаётимнинг дастлабки фаслларида менинг бунга ақлим етмадийкин? Буларнинг бари кўпдан бери ҳаммага маълум эди-ку? Бугун бўлмаса эртага севган одамларим бошига хасталиклар ёғилиб келади, ажал фиппа бўғади (баъзиларни олиб ҳам кетди). Хасталиклару ажал менинг бошимга ҳам тушади ва улардан кейин қўланса ҳид билан қуртлардан бошқа ҳеч нарса қолмайди. Нимаики ишқилган бўлмай уларнинг ҳаммаси унут бўлади, эртами-кечми ўзимнинг хотирам ҳам буткул учади. Шундоқ бўлгандан кейин бу сарсону оворагарчиликнинг нима кераги бор? Қандай қилиб одамзод буларнинг барини кўрмаслиги ва яшашда давом этавериши мумкин? Ҳаммадан ҳам ҳайрон қоладиган жойи шунда? Фақат сархуш ҳолатдагина яшасанг бўлади, кайфинг тарқаши билан эса, буларнинг ҳаммаси ёлғон, ўта беҳуда ва бемаъни ёлғон эканини кўрмасликнинг иложи йўқ. Ҳа-

шұнақа, бу ишнинг ҳеч қанақа күладиган жойи йўқ, ма-
зах қилишнинг ҳам кераги йўқ, бу ўта шафқатсизлик
ва бемаъниликтан бошқа нарса эмас.

Кўпдан бери бир сайёҳ ҳақида шарқ масалини ай-
тиб юришади. Сайёҳ дашту биёбонда қаҳру ғазабдан
тутаққан йиртқичга рўпара келибди. Ундан халос бў-
лиш ниятида сайёҳ сувсиз қудуққа сакрапти. Аммо кўр-
саки, унинг тубида даҳшатли бир аждаҳо сайёҳни ейман
деб оғзини очиб турипти. Шўрлик сайёҳ нима қилиши-
ни билмай қолипти — қудуқдан қайтиб чиқай деса қон-
сираган йиртқичнинг чангалида ҳалок бўлади, қудуқ-
нинг тубига тушса аждаҳога ем бўлади. Қудуқ девори-
даги ёриқдан бир бута ўсиб чиққан экан — йўловчи шу
бутанинг шохига илиниб, муаллақ осилиб қолади. Бор-
ган сари унинг билакларидан қувват кетади, орадан кўп
ўтмай қисмати тугашини, икки томондан уни кутиб тур-
ган хатарнинг бирига рўпара келишини ҳис қиласи, лекин
шундоқ бўлса ҳам, у, бутани маҳкам чангаллагани-
ча осилиб тураверади. Бир маҳал сайёҳ осилган ҳолида
ўгирилиб қараса, бири қора, бири оқ иккита сичқон у
осилиб турган бутанинг теварагида баравар уймаланиб,
тагидан кемираётган эмиш. Ана, кўп ўтмай, шох ўз-
ўзидан қирсиллаб синади-ю, сайёҳ аждаҳонинг оғзига
тушади. Сайёҳ буни кўриб турипти, у биладики, муқар-
рар ҳалок бўлади. Аммо ҳозирча осилиб турар экан, у
теварак-атрофига алланглайди ва шохнинг баргларида бир
неча томчи асал кўради. Сўнг бир амаллаб, уни тили
билан ялай бошлайди. Мен ҳам худди шу сайёҳга ўх-
шайман: мен ҳам ҳаёт бутоғига зўр-базўр осилиб туриб-
ман, биламан мени парча-парча қилиб ташлашга тайёр
турган ўлим аждаҳоси кутяпти; нима учун мен бу мисл-
сиз қийноқлар чангалига тушиб қолганимни ўзим ту-
шунмайман. Шундай бўлса-да, мен авваллари менга
тасалли берган асални ялашга ҳаракат қиласман, лекин
бу асал энди менга ортиқ ҳузур баҳш этмайди, оқ сичқон
билан қора сичқон, яъни тун билан кун мен ушлаб олган
шохни кемиргандан кемиряпти. Мен аждаҳони аниқ-
равшан кўриб турибман ва энди асал менга ширин туюл-
маяпти. Кўзим фақат бир нарсани — муқаррар аждаҳо-
ни-ю сичқонларни кўряпти, холос. Ва мен улардан ни-
гоҳимни айириб ололмаяпман. Бу эса масал эмас, бу
чинакам, ҳеч қандай шубҳа турдирмайдиган ва ҳамма-
га аён бўлган ҳақиқатдир.

Авваллари ёлғон ҳаёт қувончлари аждаҳодан тара-
ладиган даҳшатни босиб турарди, энди бу мени ортиқ

алдаёлмайди. Менга «сен ҳаётнинг маъносини тушуна олмайсан, бу ҳақда ҳадеб ўйлайверма, яшайвер» деб ҳар қанча уқтиришмасин, мен буни қилолмайман, чунки авваллари буни анча узоқ муддат давомида қилганиман. Эндиликда қаршимда югуриб кетаётган ва мени ўлим сари элтаётган кун билан тунни кўрмаслигимнинг иложи йўқ. Мен фақат шуни кўраман, негаки фақат шугина ҳақиқатдир. Қолган нарсаларнинг ҳаммаси — ёлғон!

Менинг кўзларимни шафқатсиз ҳақиқатдан бошқа нарсалардан кўра узоқроқ вақт мобайнида тўсиб турған анави икки томчи асал эса, яъни оиласа муҳаббат ва мен санъат деб атаган ёзувчиликка иштиёқ, мен учун ортиқ ширасини йўқотди.

«Оила...» — дердим мен ўз-ўзимга, лекин оила дегани — хотин, фарзандлар... улар ҳам одам. Мен қандай шароитда яшасам, улар ҳам шундай шароитда ҳаёт кечиради; улар ҳам ё ёлғонга ботиб яшамоқлари керак, ёки даҳшатли ҳақиқатни кўрмоқлари зарур. Улар нима учун яшамоқлари керак? Нима учун мен уларни севмоғим керак? Уларни авайлаб, уларга ғамхўрлик қилиб, ўстириб нима қиласман? Улар ҳам менга ўхшаш тушкунлик ўтларида қоврилсинми ё ҳамоқат учунми? Уларни яхши кўрадиган бўлсам, мен улардан ҳақиқатни яшира олмайман — билиш бобида қўйилган ҳар бир қадам шу ҳақиқатга олиб боради. Ҳақиқат эса — ўлим!

«Санъат, поэзия?..» Одамларнинг мақтовори таъсирида мен узоқ вақт давомида ўз-ўзимни ишонтириб келдимки, бу ишни бажарса бўлади. Ҳа, қай бир сонияда ўлим келади, у ҳамма нарсани — мени ҳам, ишимни ҳам, улар ҳақидаги хотирани ҳам маҳв этади, аммо шунга қарамай, барибир, у ишни бажариш керак. Бироқ кўп ўтмай кўрдимки, бу ҳам ёлғон экан. Менга шу нарса аён эдики, санъат ҳаётнинг безагидир, китобхонни авраб, ҳаёт қўйнига чорлайди. Аммо ҳаёт мен учун ўзининг жозибасини йўқотиб бўлган, шундай бўлгач, мен қандай қилиб бошқаларни аврашим мумкин? Мен ҳали ўз ҳаётим билан яшай бошламаган кезларда, бегона ҳаёт тўлқинларида сузиб борар эканман, ҳали мен ифодалашчи билмасам-да, «ҳаётда маъно бор» деб ишониб юрган пайтларимда ҳар хил тусдаги ҳаётнинг шеърията ва санъатда акс этиши менга ҳузур бахш этар эди, мен санъат кўзгусидаги ҳаётни томоша қилиб завқланар эдим, аммо мен ҳаётнинг маъносини қидира бошлаганимдан кейин, мен ўзим яшамоғим зарурлигини ҳис қи-

ла бошлагандан сўнг, бу кўзгу мен учун ё ортиқча, ке-
раксиз ва кулгили буюмга айланди ёки менга азоб бера
бошлади. Кўзгуда кўрган нарсаларим, унда акс этган
аҳволимнинг бемаънилиги ва тушкунлиги менга ортиқ
тасалли бермай қўйди. Қалбимнинг ич-ичида менинг
ҳаётимда маъно бор деб ишонган пайтимда мен бажо-
ну дил бу кўзгудаги нарсаларни кўриб хурсанд бўлар-
дим. У кезларда ана шу нур ва соянинг ўйини — ҳаётда-
ги кулгили, фожиона, таъсири, гўзал, даҳшатли нарса-
ларнинг ҳаммаси менга бир эрмакдай эди. Аммо ҳаёт
бемаъни ва даҳшатли нарса эканини билганимдан сўнг
кўзгудаги ўйин мени ортиқ машғул қилмай қўйди. Ме-
нинг таянчимни кемираётган сичқонлар билан аждаҳо-
ни кўрганимдан кейин асалнинг тоти мен учун сира ҳам
тотли бўлмай қолди.

Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас эди. Агар мен ҳаётнинг
маъноси йўқ эканини шунчаки тушуниб қўя қолганимда,
буни билиб хотиржам бўлиб қўя қолишим, «ҳа, энди
қисматим шу экан-да» деб қўниб қўя қолишим мумкин
эди. Аммо мен шунинг ўзи билан хотиржамланиб қўя
қолмас эдим. Агар мен бир ўрмонда истиқомат қилсан-у,
шу ўрмондан чиқиб кетадиган йўл йўқ эканини билсан,
яшайверишим мумкин эди. Бироқ мен ўрмонда адашиб
қолган бир кімса эдим. У адашганини билиб, янада
таҳлиқага тушади, ҳар томонга бош уриб, йўлни топиб
олгиси келади, ҳар бир қадами уни янада чалғитаётга-
нини яхши билади, бироқ шунга қарамай, ўзини ҳар
ёнга уришдан тўхтаёлмайди.

Ана шуниси даҳшатли эди. Бу даҳшатдан халос бўл-
моқ учун мен ўзимни-ўзим ўлдирмоқчи бўлдим. Мен
бошимга тушажак даҳшатни ўйлаб, бениҳоя даҳшатга
тушдим, бу даҳшат юз берадиган ҳолатдан кўра даҳ-
шатлироқ эканини билардим, аммо бу даҳшатни кўнг-
лимдан қувиб чиқаришга ва унинг поёнини бардош би-
лан кутишга мажолим йўқ эди. Зулмат даҳшати ҳаддан
ташқари катта эди ва мен тезроқ, имкони борича тез-
роқ ўқ билан ёки сиртмоқ ёрдамида ундан халос бўлиш-
ни истар эдим. Худди ана шу туйфу мени ўз жонимга
қасд қилишга ҳамма нарсадан кучлироқ ундади.

V

«Йўғе, эҳтимол, мен бирон нарсани кўздан қочир-
гандирман ёки бирон нарсани англай олмагандирман? —
дердим мен қайта-қайта ўз-ўзимга. — Ана шу тутқунлик

ҳолати одамларни доимо чулғаб олган бўлиши сира ҳам мумкин эмас-ку?» Шу важдан мен, мени қийнаган саволларга одамлар жамғарган билимларниң ҳамма соҳаларидан жавоб излай бошладим. Излашларим изтироблар ичида узоқ давом этди, мен шунчаки бекорчи қизиқишимни қондириш учун бўшашибгина излаганим йўқ, балки ҳалок бўлиб бораётган одам нажот излаганидай, туну кун, тиш-тирноғим билан тиришиб, не-не азобларга дош бериб изладим, лекин ҳеч нарса тополмадим.

Мен ҳамма илмлардан жавоб изладим ва жавоб тона олмадимгина эмас, балки амин бўлдимки, менга ўхшаб илмдан жавоб излаган бошқа одамлар ҳам ҳеч нарса тополмаган эканлар. Тополмагангина эмас, балки очиқ-ойдин шуни эътироф қилишганки, мени тушкунликка олиб келган ўша нарса, яъни ҳаётнинг маъносизлиги инсон эришиши мумкин бўлган бирдан бир холосадир.

Мен ҳамма жойда изладим. Менинг олимлар дунёси билан алоқаларим жуда яхши эди. Шунинг учун хилмажил илм соҳаларидағи олимлар билан суҳбатлар қурдим. Улар фақат китоблар орқалигина эмас, жонли суҳбатларида ҳам менинг олдимда ўз билимларини яширмай тўкиб солдилар. Шу туфайли ва яна ҳаётнинг ўзи туфайли мен ҳаёт саволига илм нима деб жавоб беришини батафсил билиб олдим.

Бироқ илм ҳаёт саволига берган жавобидан бошқа ҳеч нарса деб жавоб беролмас экан. Мен бунга анча вақтгача сира ишонмай юрдим. Илм оҳанглари жуда сипо ва-ўта жиддий, унинг кўпгина қонун-қоидаларининг инсон ҳаётига даҳли йўқ — илм уларни тасдиқлаш билан овора. Мен буларни кўриб, «анча вақтгача илм соҳасига тишим ўтмаяпти, ҳеч нарса тушунмаяпман» деб юрдим. Анча вақтгача илм қаршисида юрагим тақапука бўлиб юрдим. Менга шундай туюлардики, мен топган жавоблар саволларимга мос келмаётган экан, бунда илмнинг ҳеч қандай айби йўқ, ҳамма гап ўзимнинг нодонлигимда, илмсизлигимда. Аммо бу иш мен учун шунчаки эрмак ёхуд бекорчиликдан шуғулланаётган иш эмас эди, балки ҳаёт-мамот масаласи эди. Шунинг учун хоҳласам-хоҳламасам шундай эътиқодга келдимики, менинг саволларим ҳар қандай илмнинг негизини ташкил қилувчи бирдан-бир саволлардир, шунинг учун бу саволларни қўйган бўлсан, бунинг учун мён айбор эмас, балки уларга жавоб беролмаган илм айбор, чунки илм шу саволларга жавоб бераман деб даъво қиласи.

Эллик ёшимда мени ўз-ўзимга сунқасад қилишга ун-
даган савол оддий гўдакдан тортиб, донишманд қария-
гача ҳар бир одамнинг қалбидан ўрин олган энг оддий
савол эди. Лекин бу саволга жавоб топмаса, яшаб бўл-
майди, буни мен ўз ҳаётимда синаб кўрдим. Бу савол
қўйидагича туур: «Мен бугун қилаётган ишдан қан-
дай самара чиқади? Эртага қиладиган ишимдан-чи? Ме-
нинг жамики ҳаётимдан нима маъно чиқади?»

Бошқача қилиб ифодаласа, савол бундай бўлади:
«Мен яшаб нима қиласман? Бирон нарсани исташимдан
нима маъно? Бирор иш қилмоғимнинг нима кераги бор?»
Яна бошқачароқ саволни бундай ифодаласа бўлади:
«Ўлим ҳақ, мен, албатта, бу дунёдан ўтаман. Менинг
яшашимда шундай маъно бормики, менинг ўлимим уни
маҳв эта олмаса?»

Ҳар хил тарзда ифодаланган, аслида бир хил бўлган
ана шу саволга мен инсон тўплаган турли билимлардан
жавоб изладим. Оқибатда шундай тўхтамга келдимки,
шу саволга нисбатан олганда бутун инсониятнинг били-
ми, икки бир-бирига зид ярим доираларга ажralар
экан. Бу ярим доираларнинг ниҳояларида бир-бирига
зид икки қутб бўлар экан. Уларнинг бири манфий, ик-
кинчиси мусбат; аммо на у қутбда, на бу қутбда ҳаёт
масаласига жавоб йўқ.

Бир қатор илmlар бу саволни тан олишмайдиган кў-
ринади, лекин улар ўзлари мустақил қўйган саволларга
жуда аниқ ва равshan жавоб беришади. Булар тажри-
бага асосланган илmlар, уларнинг энг чекка нуқтасида
математика туради. Икkinchi қатор илmlар саволни тан
олишади, лекин унга жавоб беришмайди. Уларнинг энг
чекка нуқтасида метафизика туради.

Илк ёшлигимдан бошлабоқ мен илми ақлияга қизи-
қиб келганиман, кейинчалик эса математик илmlар ҳам,
табиий фанлар ҳам эътиборимни тортиди. Мен ўз саво-
лимни олдимга аниқ-равshan қилиб кўндаланг қўйма-
гунимча, бу саволнинг ўзи ич-ичимда пишиб ўтмагунча
ва қатъият билан ҳал қилинишини талаб қilmaguncha,
мен бу илmlар ўша саволга берган соxта жавоблар би-
лан қаноатланиб келдим.

Тажриба соҳасида мен ўз-ўзимга дердим: «Ҳамма
нарса ривожланади, таркибий қисмларга ажralади, му-
ракаблашиш ва мукаммаллашиш сари боради. Бу ҳа-
ракатни белгилаб турувчи қонунлар бор. Сен — бутун-
нинг бир қисмисан. Имкони борича бутунни билсанг,
 rivожланиш қонунини билсанг, шу билан сен шу бутун-

ликдаги ўз ўрнингни ҳам билган бўлласан». Мен учун ҳар қанчада хижолатли бўлса ҳам тан олмоғим керакки, бир замонлар мен шу жавобдан қаноат ҳосил қилгандим. Бу ўша ўзим мураккаблашиб, мукаммаллашиб бораётган кезларимда рўй берган эди. Мускулларим чиниқиб пишиб борар, хотирам бойир, фикрлаш қобилияти ва идроким ортиб борарди. Мен ўсиб-улғаймоқда эдим ва бутун вужудимда шу ўсиш-улғайишни ҳис қилиб турардим. Табиийки, мен «ўз-ўзидан бутун дунёнинг қонуни айни шунинг ўзи бўлса керак ва ҳаётим саволларига жавобни ҳам шундан топсам керак» деб ўйлагандим. Аммо вақти соати келиб мен ўсишдан тўхтадим, энди ортиқ ўсмаётганимни, қуруқшаб бораётганимни ҳис қилдим, мускулларим заифлаша бошлади, тишларим тўкила бошлади — шунда кўрдимки бояги қонун менга ҳеч балони тушунтириб беролмас экан. Қолаверса, ҳеч қачон бунақа қонуннинг ўзи бўлмаган экан ва бўлиши ҳам мумкин эмас экан, ҳаётимнинг муайян бир даврида ўзимда топган нарсани мен қонун деб юрган эканман. Энди мен қонунни белгилашга янада талабчанроқ ёндоша бошладим. Шунда менга аён бўлдики, интиҳосиз ривожланиш қонунларининг бўлиши мумкин эмас экан; яна шу нарса аён бўлдики, «интиҳосиз маконда ва замонда ҳамма нарса ривожланади, таркибий қисмларга ажралади, мураккаблашади, мукаммаллашади» дейиш ҳеч нарса демаслик билан баробар экан. Буларнинг ҳаммаси маъносиз сўзлар, негаки интиҳосиз нарсада на мураккаблик, на соддалик, на орқаси, на олди, на яхши, на ёмони бор.

Энг муҳими эса — менинг шахсий саволим, яъни «хоҳишу истакларим билан бирга мен ўзим нимаман?» деган савол ҳали ҳам мутлақо жавобсиз қолмоқда эди. Шунда англадимки, бу илмлар жуда қизиқарли ва жозибали, аммо бу илмларнинг аниқлиги ва раъшанлиги уларнинг ҳаёт саволларига татбиқ қилинишига тескари мутаносибdir: улар ҳаёт масалаларига қанча кам татбиқ қилинсалар, шунча аниқроқ ва равшанроқ бўладилар, ҳаёт масалаларини ҳал қилишга қанча кўпроқ ҳаракат қилсалар, шунча мукаммалроқ ва жозибасизроқ бўла борадилар. Агар бу илм соҳаларининг ҳаёт масалаларини ҳал қилишга уринганларига, яъни физиология, психология, биология, социология кабиларга мурожаат қилсанг, бунда кишини лол қолдирадиган фикрий қашшоқликни, уччиға чиққан мужмалликни, ҳал қилиб бўлмайдиган масалаларни ҳал қиласман деган беҳуда

дағдағаларни күрасан. Бунда бир мутафаккир бошқаси билан узлуксиз қир-пичноқ бўлиб ётади, ҳатто бир мутафаккирнинг ўзида фикрларида чигал зиддиятлар учрайди. Агар борди-ю ҳаёт масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланмайдиган илм соҳаларига мурожаат қилсанг, улар ўзларининг илмий, маҳсус саволларига берган жавобларини кўриб, инсон тафаккурининг қудратига лол қоласан, лекин олдиндан биласанки, уларда ҳаёт масалаларига жавоб йўқ. Бу илмлар тўғридан-тўғри ҳаёт саволларини четлаб ўтишади. Улар дейди: «Сенинг ким эканинг ва нимага яшаётганинг тўғрисидаги саволга бизда жавоб йўқ. Ва, умуман, биз бу билан шуғулланмаймиз. Аммо борди-ю, сен ёргулик қонунларини, кимёвий бирикмалар қонунларини, организмлар ривожининг қонунларини билмоқчи бўлсанг, мабодо сен жисмлар, уларнинг шаклларининг қонунларини, сонлар ва катталиклар нисбатини билмоқни ихтиёр этсанг ёхуд ўз ақлинг қонунларини билишга зарурият туғилса, буларнинг ҳаммасига бизда аниқ, равshan ва шубҳа туғдирмайдиган жавоблар бор».

Умуман, тажрибага асосланган илмларнинг ҳаёт саволига муносабатини бундай ифодаласа бўлади. Савол: «Мен нима учун яшаяпман?» Жавоб: «Чексиз катта фазода чексиз узоқ вақт давомида чексиз кичкина зарралар чексиз мураккабликда турларини ўзгартирадилар. Агар сен ана шу турлар ўзгаришининг қонунини англасанг, нима учун яшаётганингни ҳам айнаб оласан».

Илми ақлияга тааллуқли илмлар соҳасида ўзимга ўзим шундай дердим: «Бутун инсоният маънавий ибтидолар ва уларга раҳнамолик қилувчи идеаллар асосида яшайди ва ривожланади. Бу идеаллар динларда, фанларда, санъатларда, давлатчилик шаклларида ўз ифодасини топади. Бу идеаллар юксалгандан юксала боради ва инсоният энг олий неъматлар сари боради. Мен инсониятнинг бир бўлагиман, шунинг учун ҳам менинг вазифам инсоният идеалларини англаш ва амалга оширишга кўмаклашишдир». Мен ақлим қодир вақтларимда шу гапларга қаноат қилган эдим, аммо кўнглимда ҳаёт саволи аниқ-таниқ ҳолда кўндаланг бўлиши билан бу назария бир зумда бошдан-оёқ кунпаякун бўлди. Аввало шуни айтиш керакки, бунга ўхшаш илмларда муайян фирромлик бор — улар инсониятнинг кичик бир қисмини ўрганиш оқибатида чиқарган хуросаларини умумий хуросалар ўрнида тақдим этадилар. Бундан ташқари бундай қарашларнинг турфа хил тарафдорлари

Ўртасида «инсоният идеаллари нимадан иборат», деган масала устида бир-бирига зид фикрлар мавжуд. Аммо энг бемаъниси демайлигу, энг ғалатиси шундаки, бу назарияга кўра ҳар бир одам қаршисида кўндаланг бўлувчи «Мен нимаман?» ёхуд «Мен нима учун яшапман?» ёки «Мен нима қилмоғим керак?» деган саволларга жавоб беришдан аввал инсон битта масалага жавоб бермоғи лозим. Бу масала қуйидагича турур: «Бутун бир инсоният бор. Унинг нима экани менга маълум эмас. Мен унинг бир заррасиман, бинобарин, шу зарранинг қисқагина бир муддат мобайнидаги ҳаётини биламан. Шунга қарамай, мен «бутун инсониятнинг ҳаёти нимадир? деган масалани ҳал қилиб беришим керак». Бинобарин, одамзод ўзининг нима эканини англамоқ учун унинг ўзи каби ҳали ўзлигини англаб етмаган айрим-айрим одамлардан ташкил топувчи сирли имкониятнинг нима эканини англаб олмоғи зарур.

Эътироф этмоғим керакки, мен бунга ишонган чоғларим бўлган. У чоғларда мен ўзимнинг севимли идеалларим бор эди, бу идеаллар менинг инжиқликларимни оқлар эди. Ўшанда мен бир назарияни яратиш иштиёқида эдим. Бу назарияга асосланиб, мен ўз инжиқликларимга инсоният қонуни сифатида қарамоғим мумкин бўларди. Аммо менинг кўнглимда ҳаёт саволи бутун равшанлиги билан кўндаланг бўлгани ҳамон, бу жавоб ҳам қоқи гулдай тўзиб кетди. Шунда англадимки, худди тажрибага асосланган илмларда ҳақиқий илмлар билан бир қаторда ўзларига тегишли бўлмаган саволларга жавоб беришга уринадиган чала илмлар бўлгани каби, бу соҳада ҳам ўзларига тегишли бўлмаган масалаларга жавоб беришга ҳаракат қиласиган бир қатор илмлар бўлиб, улар анча кенг тарқалган экан. Бу соҳанинг чала илмлари—ҳуқуқшунослик, ижтимоий илмлар, тарихшунослик — айрим инсон масалаларини ҳал қилишга киришганида у қолиб кетиб, ҳар қайсиси ўзига хос тарзда бутун инсоният ҳаётининг масалаларини ҳал қилишга киришиб кетадилар.

Аммо тажрибага асосланган илмлар соҳасида «қандай яшамоғим керак?» деб чин юракдан сўрайдиган одам «чексиз маконда чексиз замонда чексиз мураккаблик билан содир бўладиган чексиз зарралар ўзгаришини ўрган, шунда сен ўз ҳаётингий англайсан» деган жавобга қаноат ҳосил қилолмайди. Худди шунга ўхшашиб самимий одам «биз инсониятнинг на ибтидосини, на интиҳосини биламиз, биз унинг кичик бир қисмини ҳам била

олмаймиз. Лекин сен ана шу инсониятни яхлит олиб, унинг нималигини англа. Шунда ўзингнинг кимлигингни англаб оласан» деган жавобга ҳам қаноат қила олмайди. Худди тажрибага асосланган чала илмларда бўлгани каби бу чала илмлар ҳам ўз вазифаларидан нечоғли чалғиб кетсалар, улардаги мужмалликлар, чалкашликлар, бемаъниликлар ва зиддиятлар шунчалик кўпайиб бораверади. Тажрибага асосланган илмнинг вазифаси моддий ҳодисалар ўртасидаги сабабий изчиликни ўрганишдир. Аммо бу илм ҳодисалар орасидаги энг сўнгги сабабият масаласини қўйиши билан бемаъни бир ҳол юзага келади. Илми ақлиянинг вазифаси ҳаётнинг бесабабий моҳиятини идрок этишдир. Унда ҳам ҳодисаларни ижтимоий, тарихий деб ажратиб олиб, улар орасидаги сабабий алоқаларни тадқиқ қилишга киришиш билан бемаъни бир вазият юзага келади.

Тажрибага асосланган илм ўз тадқиқоти доирасига энг пировард сабабни киритмаган тақдирдагина ижобий самара беради ва инсон ақлининг улуғворлигини намойиш этади. Ва аксинча, илми ақлия сабабий алоқаларнинг мунтазамлиги ҳақидаги масаладан мутлақо юз ўғириб, инсонни пировард сабабга нисбатан олиб тадқиқ қилгандагина ҳақиқий фан бўлади ва инсон ақлининг улуғворлигини намойиш этади. Бу соҳадаги илм, яъни ярим доиранинг қутбини ташкил қилувчи метафизика ёхуд илми ақлия — фалсафа ана шунаقا. Бу илм битта масалани аниқ-равshan қўяди: «Мен ва бутун дунё нима? Мен нима учун яшайману дунё нима учун мавжуд?» Бу илм вужудга келганидан бери бу саволга бир хил жавоб бериб келади. Файласуф мендаги ва жамики мавжуд нарсадаги ҳаётнинг моҳиятини ғоя дейдими, субстанция деб атайдими ёки руҳ, ирома деб белгилайдими, барибир, битта гапни айтади: «бу моҳият мавжуд ва мен ўша моҳиятни ташкил қиласман». Бироқ у аниқ мутафаккир бўладиган бўлса, бу моҳиятнинг нима учун кераклигини билмайди ва бу саволга жавоб бермайди. Мен сўрайман: «Бу моҳиятнинг борлиги нимадан? Бу моҳият мавжуд бўлса ва келгусида ҳам бўлса, бундан нима келиб чиқади?» Фалсафа нафақат бу саволга жавоб бермайди, балки ўзи ҳам қўшилишиб сўрайди. Агар у чинакамига фалсафа бўладиган бўлса, унинг бутун иши шундан иборат бўлмоғи керакки, у шу масалани аниқ-таниқ қўймоғи керак. Агар у ўз вазифасига қаттиқ риоя қиласиган бўлса, «мен нимаман ва бутун дунё нима?» деган саволга «ҳамма нарса ва ҳеч нарса» деб,

«дунё нечун мавжуд ва мен нимага яшаяпман?» деган саволга «бильмайман» деб жавоб беришдан ўзга иложи бўлмас эди.

Шундай қилиб, фалсафанинг илми ақлия борасидаги жавобларини ҳарчанд айлантириб кўрмайлик, мен улардан жавобга ўхшаган ҳеч нарса тополмайман. Бунинг сабаби нима бўлсайкин? Албатта, тажрибага асосланган фанлардаги каби жавоб саволимга тааллуқли бўлмай қолганидан бўлмаса керак. Йўқ, бу ўринда ҳамма ақлий фаолият менинг саволимга жавоб топишга қаратилган, лекин шунда ҳам жавоб берилемади. Негаки, жавобнинг ўзи йўқ. Шунинг учун жавобнинг ўрнига яна ўша саволнинг ўзи кўндаланг бўлаверади. Фақат ҳар гал янги, мураккаблашган шаклда...

VI

Ҳаёт саволига жавоб излар эканман, мен худди ўрмонда адашиб қолган одамда кечадиган туйғуни ке-чирдим.

Юра-юра ўрмон четидаги ялангликка чиқдим. Бир дараҳт тепасига чиқиб, олис-олислардаги ҳудудсиз мақонни кўрдим, аммо унда биронта ҳам иморат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Қайтиб ўрмон қаърига кирдим, у ерда зулмат ҳукмрон эди, бу ерда ҳам биронта иморат йўқ эди.

Шу аҳволда инсон билимлари ўрмонида тентираб юрдим. Бир томонимда математик билимлар ва тажрибага асосланган билимлар ёфдуси. Улар менинг кўз ўнгимда равshan уфқларни намоён этди, бироқ улар шундай уфқлар эдики, уни мўлжаллаб бориб, биронта ҳам иморатга йўлиқа олмасдинг, чунки иморатнинг ўзи йўқ эди. Иккинчи томонимда, илми ақлияга мансуб илмлар зулмати. Мен бу зулмат қаърига кириб борганим сари зулмат қуюқлашгандан қуюқлаша борарди. Ниҳоят, ишонч ҳосил қилдимки, қутулишнинг иложи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Билимларнинг нурли томонларига маҳлиё бўлиб юриб, англардимки, мен саволдан ўзимни олиб қочяпман, холос. Менинг нигоҳим қаршисида намоён бўлган уфқлар ҳар қанча равshan, ҳар қанча жозибадор бўлмасин, бу интиҳосиз илмлар қўйнига шўнғимоқ ҳар қанча мароқли бўлмасин, мен энди яхши англардимки, улар, яъни бу билимлар менга қанча камроқ керак бўлса, ме-

нинг саволимга жавоб беришдан қанча узоқ бўлса, шунчалик равшанроқ эдилар.

«Ха, илм-фан шу қадар матонат билан нималарни билишни исташи энди менга маълум», — дердим ўзўзимга. Аммо бу йўлда менинг ҳаётимнинг маъноси ҳақидаги саволга жавоб йўқ. Илми ақлия соҳасида эса билардимки, илмнинг мақсади тўғридан-тўғри менинг саволимга жавоб беришга қаратилган бўлишига қарамай, балки айни шу қаратилгани туфайли бўлса ҳам ажаб эмас, мен ўзўзимга берган жавобдан бошқа жавоб йўқ эди: «Менинг ҳаётимнинг қандай маъноси бор?» — «Ҳеч қандай». Ёки: «Менинг ҳаётимдан нима чиқади?» — «Ҳеч нарса». Ёки: «Ҳамма мавжуд нарса нима учун мавжуд ва мен нима учун мавжудман?» — «Мавжудлигинг учун мавжудсан». Инсоният илмининг бир томонини сўроққа тутиб, мен сўрамаган нарсаларим ҳақида беҳисоб миқдорда аниқ жавоблар олдим. Улар юлдузларнинг кимёвий таркиби, қуёшнинг Геркулес юлдузлари туркуми сари ҳаракати, инсон ва унинг турларининг келиб чиқиши, чексиз кичик атомларнинг шакллари, эфирнинг чексиз кичкина вазнсиз зарраларининг тебраниши ҳақидаги жавоблар эди. Аммо «менинг ҳаётимнинг маъноси нимада?» деган саволимга билимларнинг бу соҳаси берадиган жавоб бир хил эди: «Сен—менинг ҳаётим деб атаётган нарсанинг айнан ўзисан, сен—зарраларнинг муваққат тасодифий қўшилувисан. Бу зарраларнинг бир-бирига таъсири, ўзгариши сен «менинг ҳаётим» деб атайдиган нарсани барпо этади. Бу қўшилув бир неча муддат амал қилиб туради, кейин бу зарраларнинг ўзаро алоқаси тўхтайди — шунда сен «ҳаётим» деб атайдиган нарса ҳам тўхтайди. Ана унда сенинг саволларинг ҳам тўхтайди. Сен — тасодифан қорилиб қолган бир тутам алланимасан. Бу бир тутам алланима чирийди. Шу алланиманинг чиришини сен «ўзимнинг ҳаётим» деб атайсан. Алланима шаталоқ отиб югуриб кетади — шу билан чириш ҳам тугайди, ҳамма саволлар ҳам тўхтайди». Илмларнинг аниқ томони шунақа жавоб беради. Агарда у ўз асосларига қатъий амал қилиш ниятида бўлса, бошқа гап айта олмайди ҳам.

Бунақа жавобдан маълум бўладики, жавоб саволга жавоб бермас экан. Мен ҳаётимнинг маъносини билмоғим керак, «сенинг ҳаётинг чексиз бир нарсанинг заррасидир» деган гап нафақат ҳаётимга маъно бахш этмайди, балки бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай маънони маҳв этади.

Тажрибага асосланган аниқ илмларнинг бу томони ақли илмия билан фира-шира тил бириттириб, «ҳаётнинг маъноси тараққий этишда ва бу тараққий этишга кўмаклашувда» дер экан, бу гапни ҳам ўзининг мужмалиги ва хирадигига кўра жавоб қаторида ҳисоблаб бўлмайди.

Билимларнинг бошқа томони, яъни илми ақлия ўз асосларига қатъий амал қилиб, бу саволга бевосита жавоб берар экан, ҳамма асрларда ва ҳамма жойда фақат битта жавобни айтиб келган ва ҳозир ҳам шуни айтади: «Дунё чексиз ва англаб бўлмайдиган бир нарса. Инсон ҳаёти ана шу англаб бўлмайдиган нарсанинг англаб бўлмайдиган бир бўлаги». Мен яна илми ақлия билан тажрибага асосланган илмларнинг тил бириттириши оқибатида пайдо бўладиган ҳуқуқшунослик, сиёсан шунослик, тарихшунослик деганга ўхшаш чала илмларнинг кераксиз, ортиқча юкийи истисно қиласман. Бу илмларга ҳам яна мутлақо хато қилган ҳолда тараққиёт, мукаммаллашув тушунчаларини олиб кирадилар. Фақат фарқи шундаки, аниқ фанларда ҳамма нарсанинг тараққиёти ҳақида гапириларди, бу ерда эса гап одамлар ҳаётининг ривожи ҳақида кетади. Аммо ҳар икковидаги хато бир хил: чексиз нарсанинг тараққиёти, мукаммаллашуви на мақсадга, на йўналишга эга бўлолмайди ва менинг саволимга нисбатан ҳеч нарса деб жавоб беролмайди. Илми ақлияга хос илмлар чинакам фалсафага ўхшаб аниқ иш юритадиган бўлса, фақат мавжуд ҳодисаларни янги фалсафий катакларга жойлаб, уларни янги номлар билан аташга хизмат қилувчи ўша Шопенгауэр айтган профессорона фалсафа бўлмаса, философ энг муҳим масалани назариядан қочирмаса, унинг берадиган жавоби ҳамиша битта бўлади. Бу жавоб, Суқрот, Шопенгауэр, Сулаймон пайғамбар, Будда томонидан берилган жавобдир.

«Биз ҳаётдан қай даражада узоқлашсак, фақат шу даражада ҳақиқатга яқинлашиб борамиз, — деган экан Суқрот ўлимга тайёргарлик кўраётганида. — Ҳақиқатни севгучи бизлар ҳаётда нимага интиламиш? Танимиздан мосуво бўлишга ва тан ҳаётидан келиб чиқувчи жамики ёвузликдан халос бўлишга интиламиш. Шундек экан, ажал эшигимизни қоқиб келганда, биз нечук хурсанд бўлмайлик?»

«Донишманд одам бутун умри давомида ўлимни излайди, шунинг учун ўлим унга қўрқинчли эмас».

«Дунёнинг ички моҳиятини ирода деб англаб, — дей-

ди Шопенгауэр, — ва бу ирода табиатнинг кўр кучларининг онгсиз интилишларидан бошлаб инсоннинг онг тўла фаолиятигача ҳамма ҳодисаларда моддий тарзда намоён бўлишини эътироф этган билан биз бир натижани мутлақо четлаб ўтолмаймиз: иродани эркин инкор этиш билан бирга, унинг ўз-ўзини маҳв этиш билан бирга ҳамма ҳодисалар ғойиб бўлади, моддийликнинг ҳамма босқичларидаги доимий интилишлар ҳамда бемақсад ва беистироҳат рўй берадиган майллар (ҳолбуки бутун олам шу интилишлар ва майлларда ҳамда улар орқали воқе бўлади) йўқ бўлади, хилма-хил мунтазам шакллари йўқолади, шакллар билан бирга унинг ҳамма ҳодисалари ўзининг умумий шакллари билан бирга, макони ва замони билан бирга ғойиб бўлади ва ниҳоят, унинг энг сўнгги асосий шакли — субъект ва объект ҳам йўқ бўлади. Ирода бўлмаса, тасаввур ҳам йўқ, дунё ҳам йўқ. Бизнинг қаршимизда, албатта, ёлғиз ҳеч нарса қолади. Аммо ана шу ҳечликка ўтишга тўскىнлик қиладиган нарса бизнинг табиатимиздир. Табиатимиз эса яшашга иштиёқимиздан, иродамиздан ўзга нарса эмас (Wille zum Leben). Бизнинг дунёмиз каби ўзимиз ҳам таркибан ана шу иродадан иборатмиз. Биз ҳечликдан қўрқиб даҳшатга тушамизми ёхуд айни шундок яшаши истаймизми — бунинг фақат битта маъноси бор: бизнинг ўзимиз турган-битганимиз ана шу яшаш иштиёқидан иборатмиз, ундан ўзга нарса эмасмиз ва ундан бошқа ҳеч нарсани билмаймиз. Шунинг учун ўзимиз иродага тўла бўлсак, биз учун ирода мутлақо маҳв этилгандан кейин нима қолади? Ҳеч нарса. Бироқ аксинча ҳам шунаقا — агар кимлардадир ирода ўзгариб қолган бўлса ва ўз-ўзидан юз ўгириган бўлса, улар учун бизнинг воқеий дунёмиз жамики қуёшлари ва жамики сомон йўллари билан бирга ҳеч нарсадан ўзга эмас».

«Ҳамма нарса беҳудадир, — дейди Сулаймон пайғамбар, — беҳудадан-беҳуда, нимаики бўлса, бари беҳуда! Одамзод қуёш нурлари остида терга пишиб меҳнат қолади. Бундан унга нима наф? Авлодлар кетади, авлодлар келади, ер эса мангур қолади. Нима бўлган бўлса, ўша бўлади, нима рўй берган бўлса, ўша рўй беради. Бу ёруғ дунёда ҳеч қанақа янги нарса йўқ. Баъзан бирон нарса тилга тушади — «қара, бу янгилик» дейишади. Аммо бу биздан аввал неча асрлар муқаддам рўй берган бўлади. Ўтганларни хотирда сақламаймиз, аммо бундан кейин бўладиганларнинг хотирасида сақланиб қолмайди.

Мен — Еклезиаст, Қуддуси шарифда Истроил устидан подшо әдим. Кўнглимда бир ҳоҳиш уйғониб, ер юзида рўй бераетган воқеаларнинг ҳаммасини тадқиқ этмоқчи ва ақл тарозусидан ўтказмоқчи бўлдим. Бани одамга Худо шу оғир машғулотни раво кўради. Бу ёруғ дунёда бўлаётган ишларнинг ҳаммасини кўрдим. Кўрдим — бари беҳуда, бекорга жонни қийнаманг... Юракдан чиқариб ўзимга дедим: мана, сен олий мартабага эришдинг, мендан аввал Қуддуси шарифда мавжуд бўлган жамики доноликдан ортиқроқ доноликка эришдинг. Менинг қалбим ҳам кўп донониклар кўрди, кўп билимларга ошно бўлди. Шунда мен бутун қудратимни доноликни англашга, фаросатсизлик билан аҳмоқликни англашга бахш этдим. Аммо билдимки, буларнинг бари жонга жабр экан. Сабабки, донолик кўп жойда фусса кўп бўлар экан; билимли кўп одамнинг боши қайфудан чиқмас экан.

Шунда мен ўзимга дедим: «Қани, сени бир ҳуррамлик синовидан ўтказай, яхшиликдан лаззатланай». Аммо бу ҳам беҳуда экан. Кулги ҳақида «бу бемаънилик» дедим, ҳуррамлик тўғрисида эса, «у нима қиляпти?» дедим. Кейин ич-ичимдан чиқариб, танамни шароб билан лаззатлантироқчи бўлдим. Яна шуни ихтиёр этдимки, кўнглим доноликни раҳнамо деб билгани ҳолда, ўзим ҳамоқатнинг нималигини ҳам билай, токи бани одам учун нима яхши эканини ўз кўзим билан кўрай, улар бу ёруғ дунёда кечирадиган қисқагина умрларида нима ишларни қилмоқлари кераклигини билай. Мен катта ишларни амалга оширдим: ўзимга иморатлар қурдим, токзорлар барпо этдим. Ўзимга боғлар яратдим ва у ерда ҳар хил мевали дараҳтлар ўтқаздим, боғ-роғларни, у ерда ўсаётган дараҳтларни суфориш учун ҳовузлар қаздирдим, ўзимга мулозимлар ва канизлар олдим, бола-чақаларим ҳам серобгина эди, мендан аввал Қуддуси шарифда ўтганларнинг ҳаммасиникидан кўра мен тўплаган йирик ва майда чорва кўпроқ эди; ҳар хил подшолардан ва вилоятлардан ўзим учун қумушу олтин ҳамда бошқа қимматбаҳо тошлар йиғдим; саройимга хонанда-ю раққосаларни тўпладим, бани одамга завқ-шавқ ато қилувчи ҳар хил мусиқа асбобларини келтирдим. Шунда мен Қуддуси шарифда мендан аввал ўтганларнинг ҳаммасидан ҳам улуғроқ ва бадавлатроқ бўлиб қолдим. Донолигимга ҳам ҳамма тан берган эди. Кўзим нимани кўрса, мен қайтармай ҳаммасини харид қилар, кўнглим қанақа эрмакни тусаса, мен ҳеч қайсисини рад этмас әдим. Ниҳоят, мен ўз қўлларим билан қилган ҳамма

ишлиаримга, пешона тери тўкиб қилган меҳнатимга назар ташладим. Ва кўрдимки, буларнинг бари беҳуда ва бари жонга жабр. Бу ёруғ дунёда улардан наф йўқ. Мен орқамга ўгирилиб, доноликка ҳам, фаросатсизликка ҳам, аҳмоқликка ҳам назар ташладим. Лекин билдимки, уларнинг барининг қисмати бир экан. Шунда ич-ичимдан чиқариб ўзимга дедим: «Ахир, тентак одамнинг қисмати менинг ҳам бошимга тушар экан, нима учун мен жуда ҳам доно бўлиб юрибман?» Шунда ич-ичимдан ўзимга айтдим: «Бу ҳам беҳуда». Негаки, аҳмоқ одамни хотирда сақламаганлариdek, доно одамни ҳам мангу хотирда тутмайдилар, келажак кунларда уларнинг ҳаммаси унут бўлади ва надоматлар бўлсинки, доно одам ҳам аҳмоқ билан баробар дунёдан ўтади! Шунда мен ҳаётни ёмон кўриб кетдим, чунки ёруғ дунёда қилинадиган ишлар кўзимга ёмон кўриниб кетди, чунки ҳаммаси беҳуда ва жонга жабр эди. Ёруғ дунёда қилган жамики меҳнатим кўзимга ёмон кўриниб кетди, чунки мен уни ўзимдан кейин келадиган одамга қолдирмоғим керак. Чунки одамзод бу ёруғ дунёда меҳнат қилиб, бу меҳнатидан, чеккан ташвишларидан нима кўради? Негаки, унинг ҳамма куни қайгули, ҳамма меҳнати — ташвиш. Ҳатто, кечалари ҳам унинг юраги тиним билмайди. Бу ҳам — беҳуда. Еб-ичмоқдай неъмат ҳам, меҳнатдан сўнг роҳату фарогат билан жонини яйратиш ҳам одамнинг ўз ҳукмида эмас.

Ҳамма нарсанинг ва ҳамманинг қисмати бир. Батав-фиқ одамнинг ҳам, бетавфиқнинг ҳам, яхши-ёмоннинг ҳам, покиза ва ифлоснинг ҳам, қурбонлик қилган ва қилмаганнинг ҳам, серсаҳоват ва гуноҳкорнинг ҳам, қасам ичувчи ва қасамхўрнинг ҳам қисмати битта. Ёруғ дунёдаги ҳамма ишларда қисматнинг битта экани ёмон, шу туфайли бани одамнинг юраги ёмонликка тўла, уларнинг юрагидан ақл қочган, ҳаётларидан ҳам ақл кетган. Шундан кейин улар ўтганлар сафидан ўрин олади. Тириклар орасида қолганлар ҳали нималарданdir умидвор бўлса бўлади, негаки, ўлик арслон бўлгандан кўра тирик кучук бўлган яхши. Тириклар вақт-соати етиб, қазо топишларини биладилар, ўликлар эса ҳеч нарсани билмайдилар, улар ортиқ иноят ҳам кўрмайдилар, негаки, уларнинг хотираси ҳам унут бўлган, уларнинг муҳаббати ҳам, уларнинг нафрати ҳам, уларнинг рашки ҳам ғойиб бўлиб бўлган, бу ёруғ дунёда энди улар ҳеч нарса билан шарафланмайдилар».

Сулаймон пайғамбар шундай дейди. Ёхуд шу сўзларни ёзган одам шундай дейди.

Энди ҳинд донишмандлари нима дейишини эшигинг: «Ёш баҳтиёр шаҳзода Сакна-Мунига хасталиклар, қарилек, ўлим бегона эди. Кунлардан бирида у сайлга боради ва тишлир тўкилиб кетган, сўлаклари оқиб ётган, мунқиллаган бир чолни кўради. Шу пайтгача қарилекни кўрмаган шаҳзода аравакашдан бунинг нималигини, нима сабабдан бу одам шу қадар аянчли ва хунук аҳволга тушганини сўрайди. Бундай қисмат ҳамма одамларнинг бошида бор эканини, ёш шаҳзода ҳам вақтсоати келиб, албатта, шу аҳволга тушажагини эшитиб, шаҳзода сайлга боргиси келмай қолади ва бу гапларнинг ҳаммасини ўйлаб кўрмоқ учун орқага қайтиши буюради. Уйга етиб боргач, ичкарига беркиниб олиб, ўйлашга бошлайди. Бир неча муддат ўтгач, шаҳзода бир нарсадан таскин топади. У яна шоду хуррам ва баҳтиёр кайфиятда сайлга ўйл олади. Бу гал унга бемор рўпара келади. Унинг кўз ўнгида ўлгудай җолиқкан, кўкариб кетган, кўзларидан нур кетган, дағ-дағ қалтироқ босган бечораҳол бир одам гавдаланади. Шу пайтгача хасталик нима эканини билмаган шаҳзода тўхтаб, нима гап эканини сўрайди. Шунда бу хасталик эканини, ҳамма одамлар хасталикка учраши мўмкинлигини, унинг ўзи соғлом ва баҳтиёр юрган шаҳзода ҳам, эҳтимол, эртага шунаقا бемор бўлиб қолиши мумкинлигини эшитиб, кайфи бузилади, кайфи чоғлиқ қилишга хуши қолмайди ва уйга қайтишни буюради. У уйда яна ўзича бирор таскин излайди ва уни топади, шекилли. Чунки у яна бир марта сайру томошага отланади. Аммо учинчи марта ҳам йўлда бир воқеага йўлиқади — одамлар нимадир кўтариб кетишаётганини кўради. «Нима бу?» — «Бандаликни бажо келтирган одам». — «Бандаликни бажо келтириш қанақа бўлади?» — деб сўрайди шаҳзода. — «Бандаликни бажо келтириш шу одамга ўхшаб жон таслим қилиш бўлади», — деб жавоб беришади. Шаҳзода тобутнинг олдига боради, пардани кўтариб майитнинг юзига қарайди. — «Бу одам энди нима бўлади?» — деб сўрайди шаҳзода. — «Уни ерга кўмадилар», — деб жавоб беришади шаҳзодага. — «Нега?» — «Негаки, энди у ҳеч қачон бошқа тирилмайди, у чириб-ирийди, кейин тупроққа айланади». — «Ҳамма одамларнинг ҳам қисмати шунақами? Мен ҳам шу кўйга тушаманми? Мени ҳам кўмишадими? Мен ҳам ириб-чириб, қуртларга ем бўлманми?» — «Ҳа». — «Орқага қайт! Мен сайрга бормай-

ман. Бундан кейин ҳеч қачон ҳеч қанақа сайрга бормайман».

Шундай қилиб, Сакна-Муни ҳаётдан таскин топа олмади ва «ҳаётнинг турган-битгани улуғ бир ёвузыликдир» деган тўхтамга келиб, бутун қалб кучини ундан халос бўлишга ва бошқаларни ундан халос этишга сарфлади. «Халос этганида ҳам шундай қилмоқ керакки, одамнинг вафотидан кейин ҳаёт бир амаллаб қайта тикланмасин, уни бутунлай, таг-туги билан, тубдан маҳв этиш керак». Ҳинд дошишмандлари шундай дейди.

Инсоният донолари ҳаёт саволларига берган бевосита жавоблар бундай туур:

«Жисмнинг ҳаёти ёвузылдан ва ёлғондан иборат. Шунинг учун ҳам бу жисм ҳаётини маҳв этиш неъматдир, биз шу неъматни тиламоғимиз даркор», — дейди Суқрот.

«Ҳаёт шунақа нарсаки, унинг боридан йўғи яхшироқ бўларди. Ҳаёт — ёвузылик, ёвузылдан ҳечликка кўчиш ҳаётдаги бирдан-бир неъматдир», — дейди Шопенгауэр.

«Дунёдаги ҳамма нарса — ҳамоқат ҳам, донолик ҳам, бойлик ҳам, қашшоқлик ҳам, шод-хуррамлик ва қайгу-алам ҳам, ҳаммаси беҳуда ва арзимас нарсалардир. Инсон ўлади ва ундан ҳеч нарса қолмайди. Бу бемаънилиқдир», — дейди Сулаймон пайғамбар.

«Азоб-уқубатлар, заифлашиш, қариш ва ўлим муқаррар эканини англаб туриб яшаб бўлмайди, одам ўзини ҳаётдан халос этмоғи, ҳар қандай яшаш имконидан маҳрум этмоғи керак», — дейди Будда.

* Ана шу катта ақл эгалари айтган нарсаларни уларга ўхшаган миллион-миллион одамлар ҳам айтган, ўйлаган, ҳис этган. Мен ҳам шундай ўйлайман ва шундай ҳис қиласман.

Шундай қилиб, менинг билимлар ўрмонида довдираб юришим на фақат мени тушкунлик ботқофидан халос эта олди, аксийнча, уни янада чуқурлаштирди. Бир соҳадаги билимлар ҳаёт саволларига жавоб бермади, бошка соҳадаги билимлар эса жавоб берди-ю, бу жавоби билан тўғридан-тўғри менинг тушкунлигимни тасдиқлади. Бу жавоб яна шуни кўрсатдики, мен чиқарган хулоса адашишларимнинг ҳосиласи эмас, хаста тафаккуримнинг маҳсули эмас, аксийнча, у менинг ўйларим тўғри бўлганини тасдиқлади. Менинг ўйларим инсониятнинг энг бақувват ақл эгаларининг хулосаларига тўғри келди.

Ўзини лақиллатишнинг ҳожати йўқ. Ҳаммаси — бе-

ҳуда. Түғилмаган одам баҳтиёр, ўлим ҳаётдан яхши; шунинг учун ҳаётдан халос бўлмоқ керак.

VII

Саволимга илмлар бобида тузукроқ жавоб тополмагач, мен уни ҳаётдан излай бошладим. Мен бу жавобни теварагимни қуршаган одамлар ҳаётидан топмоққа умид қилдим. Шунинг учун худди ўзимга ўхшаган одамлар ҳаётини кузата бошладим, менинг теварагимдаги одамлар қандай яшаётганини, мени қийноққа солган саволларга муносабати қанақа эканини ўрганишга киришдим.

Шунда маълумот даражаси ва яаш тарзига кўра мен билан бир хил мавқеда бўлган одамлардан топганим шу бўлди: шуни топдимки, менинг доирамга мансуб одамлар учун ҳаммамиз тушиб қолган даҳшатли аҳволдан қутулишнинг тўрт йўли бор экан.

Бу боши берк кўчадан чиқишининг биринчи чораси билмаслик экан. Унинг маъноси шундан иборатки, ҳаёт ёвуз нарса эканини ва яашнинг маъносизлигини билмаслик, англамаслик керак. Бу тоифа одамлар — айниқса, аёлларнинг кўпчилиги, ё ҳали жуда ёш одамлар, ёхуд ўта бефаросат кишилар — Шопенгаузер, Сулаймон пайғамбар, Будда қаршисида кўндаланг бўлган ҳаёт масаласини ҳали тушуниб етмайдилар. Улар на пастда кутиб ётган аждаҳони, на улар ёпишиб олган шохни кемираётган сичқонларни кўришади, улар фақат асал ялаш билан овора. Аммо уларнинг асал ялашлари фурсати қелиб тўхтайди, бирор кимса уларнинг эътиборини аждаҳо билан сичқонларга қаратади-ю, шу билан уларнинг асал ялаши тўхтайди. Мен бу одамлардан ҳеч нарса ўргана олмайман. Билган нарсангни билмай қолишнинг иложи йўқ-да...

Иккинчи чора — эпикурона чора. Унинг маъноси шундан иборатки, ҳаётдан умидвор бўлмоқнинг имкони йўқлигини билатуриб, ҳозирча мавжуд неъматларнинг ҳаммасидан истифода этилади, на аждаҳога, на сичқонларга қарадади, асални эса тўйиб-тўйиб ялайверилади, айниқса, шоҳдаги асал мўл бўлса... Сулаймон пайғамбар бу чорани бундай ифодалайди:

«Ва мен шоду хуррамликни алқадим, негаки ёруғ дунёда одам фарзанди учун еб-ичиш ва шоду хуррамлик қилишдан кўра яхшироқ нарса йўқ: бу ёруғ дунёда Худо унга ато қилган умрнинг кунлари меҳнат билан ўтадиган бўлгач, у еб-ичмоғи ва хуррам бўлмоғи жоиз.

Шундай қилиб, бор, шоду хуррамлик билан нонингни е ва шоду-хуррамлик билан шаробингни ич... Беҳуда кетадиган ҳаётингнинг ҳамма кунларида, жамики беҳуда кунларингда яхши кўрган аёлинг билан турмуш лаззатларини тот... Негаки, буларнинг ҳаммаси сенинг ҳаётдаги қисматинг, ёруғ дунёдаги меҳнатинг эвазига оладиган улушинг... Куч-қувватига қараб қўлинг нима ишни бажаришга қодир бўлса, ҳаммасини бажар, чунки сенинг сўнгги манзилингда — гўрда на иш бор, на мулоҳаза, на билим бор, на донолик».

Менинг доирамга мансуб одамларнинг кўпчилиги ана шу иккинчи йўлни маъқул кўрадилар. Улар яшайдиган шароит шунақаки, бу шароит уларни қуршаган ноз-неъматларни мўл-кўл қилиб қўйган, улар ёмонлика камроқ рўпара келадилар. Бунинг иттиҳасида уларнинг виждони кўр бўлиб қолган. Бу эса уларнинг фаровон шароити тасодиф эканини унтишга имкон беради. Улар ўйламайдиларки, ҳамма ҳам Сулаймон пайғамбарга ўхшаб 1000 хотинга ва 1000 қасрга эга бўлавермайди, ҳар бир 1000 хотинлик одамга 1000 та хотинсиз эркак тўғри келади ва ҳар битта қасрга пешонасининг тери билан бу қасрни қураётган 1000 та одам тўғри келади. Бир тасодиф билан бугун мен Сулаймон бўлиб қолган бўлсам, шу тасодифнинг ўзи эртага мени Сулаймоннинг қулига айлантириб қўяди. Бу одамларнинг хаёлоти ҳам шу қадар саёз ва чекланганки, улар Буддага тинчлик бермаган нарсаларни унтиб юборишга имкон беради. Хасталиклар, қарилик ва ўлим муқаррар эканини улар эсларига келтирмайдилар. Ҳолбуки, хасталик, қарилик, ўлим келади-ю, ҳамма ҳузур-ҳаловат чиппакка чиқади. Бу одамларнинг баъзи бирлари фикрлари ва хаёлотларининг ноҷорлигини фалсафа деб ҳисоблайдилар ва уни позитив фалсафа деб атайдилар. Аммо менинг назаримда, бу уларни саволни кўрмай асал ялаб ётганлар тоифасидан ажратиб олишга имкон бермайди. Мен бу одамларга тақлид қила олмасдим: улардаги хаёлотнинг ноҷорлиги менда йўқ эди ва мен уни ўзимда сунъий равишда бор қилолмасдим. Мен ҳар қандай тирик одам каби бир марта кўзим тушгандан кейин сичқонлар билан аждаҳодан кўзимни узолмасдим.

Учинчи чора — куч ва қувват чорасидир. У шундан иборатки, ҳаёт ёвуз нарса эканини ва унинг маъносизлигини англагач, ҳаётни маҳв этадилар. Камдан-кам одамлар бу ишни қиладилар — улар бақувват ва изчил одамлар бўлади. Унинг устидан қилинган ҳазил нақа-

дар бемаъни эканини англаб ва ўлим неъмати тириклик неъматидан нечоғли афзал эканини ва ундан кўра яшамай қўя қолган маъқул эканини англаб, жонларига қасд қилишади-ю, бу бемаъни майнавозчиликка чек қўйиша қолади. Суиқасд воситалари ҳам анқонийг уруғи эмас — бўйинга солгани сиртмоқ, сув, юракка санчгани пичоқ, темир йўлларда поездлар... Бизнинг даврамизга мансуб кишилар ўртасида бу йўлга қадам қўяётганлари борган сари кўпайиб бормоқда. Бундай қиладиган одамларнинг кўпчилиги ҳаётнинг авжи юксак пайтида, маънавий кучлари гуллаб-яшиаб турган кезларда, инсон тафаккурини таҳқирловчи одатлар ҳали табиатига сингишиб улгурмай, жонларига қасд қиласидар. Мен бу чоранинг энг муносиб чора эканини кўрдим ва ўзим ҳам шундай қилмоқчи бўлдим.

Тўртинчи чора ожизлик чорасидир. У шундан иборатки, ҳаётнинг ёвуз нарса эканини ва маъносизлигини англаб, одам яшашидан ҳеч нарса чиқмаслигини олдиндан билса-да, яшашда давом этаверади. Бу тоифа одамлар ўлим ҳаётдан афзалроқ эканини билишади, аммо оқилона иш қилишга, яъни тезроқ ёлғонга хотима қўйиб, ўзларини ўлдиришга кучлари етмаганидан, гўё бирор нарсани кутаётгандек юраверадилар. Ожизлик чораси ана шудир, негаки, агар мен яхшироқ чорани билсам ва уни амалга ошириш ўзимнинг ҳукмимда бўлса, нега энди шу яхшироқ чорани қилмаслигим керак?.. Мен шу тоифага мансуб эдим.

Шундай қилиб, менинг тоифамдаги одамлар бу даҳшатли зиддиятдан ана шу тўрт чора билан халос бўладилар. Мен ақлимни ишга солиб, ҳар қанча ўйлаб кўрмай, ана шу тўртта чорадан бошқасини тополмадим. Бир чора: ҳаёт маъносиз эканини, ёвуз ва беҳуда нарса эканини, ундан кўра яшамай қўя қолган маъқул эканини англамаслик. Мен буни билмаслигим мумкин эмас эди ва уни билганимдан кейин эса ундан кўз юммоғимнинг иложи ўйқ эди. Иккинчи чора — ҳаёт қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиб, келажакни ўйламай ундан истифода этиш. Мен буни ҳам қилолмасдим. Мен қариллик, изтироб, ўлим борлигини билиб туриб, Сакна-Мунига ўхшаб овга боролмасдим. Менинг хаёлотим ҳаддан зиёд кучли эди. Бундан ташқари мен менинг ҳиссамга бир лаҳзалик ҳузур-ҳаловат ато этадиган бир дақиқалик тасодифдан ҳам мамнун бўлолмасдим. Учинчи чора: ҳаёт ёвуз ва маъносиз нарса эканини англаб, ўз жонига қасд қилмоқдир. Мен буни англаб етгандим,

лекин нима учундир ҳа деганда ўзимга қўл кўтаролмай келяпман. Тўртингчи чора — Сулаймон пайғамбар ва Шопенгауэр ҳолатида яшаш, яъни ҳаёт менга нисбатан қилинган бир бемаъни, таҳқирили ҳазил эканини билиб туриб, яшашда давом этишдир. Ҳеч нарса бўлмагандай яшайверасан, ҳар куни бет-қўлингни ювасан, кийимларингни киясан, тушлик қиласан, гап сотасан ва ҳатто, китоблар ёзасан. Бу мен учун турган-битгани азоб-уқубат эди, ўзим-ўзимдан ижирғанаар эдим, лекин шу аҳволда қолишда давом этардим.

Эндиликда бир нарсани кўриб турибман — агар мен ўзимни ўзим ўлдирмаган бўлсам, бунинг сабаби шундаки, юритган мулоҳазаларимда алланечук адолатсизлик бор эканини гира-шира ҳис қиласдим. Ҳаётнинг маъносизлигини таҳ олишга олиб келган менинг мулоҳазаларимнинг ва донолар мулоҳазаларининг мантиқи ҳар қанча ишончли ва шубҳасиз туюлмасин, менда ўз мулоҳазаларимнинг ибтидоси чинлигига аллақандай шубҳа сақланиб қолган эди.

Бу шубҳа қуйидагича эди: мен ўз ақлим билан ҳаётнинг бемаъни эканини эътироф этдим. Агар олий тафаккур бўлмаса (бундай тафаккур йўқ ва ҳеч нарса унинг борлигини исбот қилиб беролмайди), унда оддий тафаккур мен учун ҳаётнинг ижодкоридир. Агар менинг тафаккурим бўлмаса, мен учун ҳаёт ҳам бўлмас эди. Аммо тафаккурнинг ўзи, ақлнинг ўзи ҳаётнинг ижодкори бўлса, у қандай қилиб, нечук ҳаётни инкор этади. Ёки бошқа томондан олиб кўрайлик: агар ҳаёт бўлмаса эди, менинг тафаккурим, ақлим ҳам бўлмас эди. Бинобарин, ақл — ҳаётнинг фарзанди экан-да! Ҳаёт — ҳамма нарса. Ақл ҳаётнинг самараси ва шу ақл ҳаётнинг ўзини инкор этади. Бу ўринда нимадир жойида эмаслигини, алланечук хатолик борлигини ҳис қиласдим.

«Ҳаёт маъносиз ёвузликдир, бунга шак-шубҳа йўқ», — дердим мен ўзимга ўзим. Аммо мен яшаб келдим, яшапман, бутун инсоният яшаб келди ва яшамоқда. Нечук шундай? Яшамай қўя қолса ҳам бўлаверадиган бир ҳолда у нима учун яшайди?

Нима бало, биз Шопенгауэр билан иккимиз шу қадар дономизки, ҳаётнинг маъносизлигини ва ёвуз нарса эканини фақат икковимиз тушундикми?

Ҳаётнинг ўткинчилиги, беҳудалиги ҳақидаги мулоҳазалар унчалик мураккаб эмас, энг оддий одамлар ҳам кўпдан бери шундай мулоҳаза юритишади ва яшашда давом этишади. Қандоқ бўлди? Улар яшашда давом

этавериб, ҳаётнинг ақлга мувофиқлигига шубҳа қилишни ҳеч қачон хаёлларига келтирмайдими?

Доноларнинг донолари томонидан маъқулланган менинг билимим туфайли кашф қилдимки, бу дунёда ҳамма нарса — органик дунё ҳам, ноорганик дунё ҳам ҳаддан ташқари оқилюна тартибга эга, фақат биргина менинг аҳволим бемаъни, холос. Бу тентаклар эса, яъни оддий одамларнинг кўпчилиги оламда органик ва ноорганик дунё қандай тартибланганидан бутунлай бехабар, лекин шундай яшашадики, гўё уларга ҳаётлари ҳаддан ташқари ақлга мувофиқ тартиблангандай туюлади.

Шунда бирдан миямга бир фикр келди — балки мен бирон нарсадан бехабардирман? Ҳали билиб улгурмаган бирон синоат бордир? Ахир билимсиз одам ҳам шундай қилади-ку? Билимсизлик ҳамма вақт шундай дейди-ку? Агар у бирон нарсани билмаса, билмаган нарсасини бемаъни, аҳмоқона нарса деб атайди. Бундан келиб чиқадики, инсониятни яхлит оладиган бўлсак, у ўз ҳаётнинг маъносини англаб етгандай шу пайтгача яшаб келди ва яшамоқда, агар уни англамаганда, тушуниб етмаганида инсоният яшай олмасди, мен бўлсам, бу ҳаётни бошдан оёқ маъносиз деяпман ва яшаёлмайман деб нола чекяпман.

Ҳаётни инкор этишга Шопенгауэр икковимизга ҳеч ким халақит бермайди. Ундаи бўладиган бўлса, ўзингни ўлдир-қўй, мулоҳаза юритмайсан. Яшашда давом этиб, ҳаётнинг маъносини тушуна олмас экансан, ҳа деб ти-пирчилашни бас қил, ҳаётни англаёлмаяпман деб гап сотишларни, нола чекишлиарни бас қил. Бирор қувноқ даврага тушиб қўлсанг, кўрасанки, ҳамма шоду хуррам, ҳамма нима қилаётганини яхши билади, сенга эса ёқмайди, зерикасан, сиқиласан. Ўрнингдан тур-да, кет.

Ахир чиндан ҳам, кимлармиз биз ўзимиз? Ўз-ўзимизни ўлдиришимиз зарур эканига амин бўлсак-да, уни амалга оширишга қурбимиз етмаса? Энг ожиз, энг бетайн одамлар эмасмизми? Бошқача айтганда, девона тўрвасини ҳаммага пешкаш қилганидай тентаклигимизни ҳаммага кўз-кўз қилувчи уччига чиқсан бемаъни одамлар эмасмизми?

Ахир, донолигимиз ҳар қанчалик чин бўлмасин, биз шу донолигимиз ёрдамида ҳаётимизнинг маъносини била олмадик-ку? Ҳар ҳолда яшаб келаётган инсоният—миллионлаб одамлар ҳаётнинг маъносига шубҳа қилмайди.

Ҳақиқатан ҳам, мен озми-кўпми бирор жиҳатини биладиган ҳаёт пайдо бўлган қадим-қадим замонлардан бери одамлар ҳаётнинг беҳудалиги, ўткинчилиги ҳақидаги мулоҳазадан хабардор ҳолда яшаб келяпти. Бу мулоҳаза менга ҳаётнинг маъносизлигини кўрсатди, ҳолбуки одамлар унда қай бир маъно бор деб биладилар. Одамлар бирон бир тарзда ҳаёт кечира бошлаган замонлардан бери улар ҳаётнинг маъносидан воқиф бўлганлар ва шу воқифлик билан бизнинг кунларимизгача яшаб келдилар. Менда ва менинг теварагимда нишики мавжуд бўлса, буларнинг бари уларнинг ҳаётни билишининг самарасидир. Мен бу ҳаётни муҳокама қилишда ва қоралашда муайян фикр қуролларидан фойдаланаман. Бу қуролларнинг барини мен эмас, улар яратган. Мен ўзим ҳам улар туфайли туғилдим, ўсдим-улгайдим, балоғатга етдим. Улар ер қаъридан темир қазиб чиқаришди, ўрмон кесишни ўрганишди, сигирларни қўлга ўргатишди, отларни ўргатишди, экин экишни ўрганишди, биргаликда яшағни ўрганишди, ҳаётимизни тартибга солишди, мени ўйлашга, гапиришга ўргатишди. Мен бўлсан, улар барпо этган боғнинг меваси бўла туриб, уларнинг тузини еб, сувини ичиб улғайиб, улардан ўрганиб, уларнинг фикрлари ва сўзлари билан фикр қилиб, уларга ҳаёллари маъносиз нарса эканини исботламоқчи бўлиб юрибман! «Бунда алланечук хато бор, — дейман ўз-ўзимга. — Нимададир адашяпман». Аммо бу хато нимада эканини, нимада адашаётганимни сира топа олмасдим.

VIII

Бу шубҳаларимнинг барини мен ҳозирга келибгина бир-бирига боғлаб, маъноликкина қилиб айтиб беряпман. У пайтларда бундай гапириб беролмасдим. У пайтларда менинг ҳаётнинг беҳудалиги ҳақидаги холосаларим мантиқан ҳар қанча муқаррар кўринмасин, энг буюк мутафаккирларнинг мулоҳазалари билан тасдиқланмасин, уларнинг қай бир жиҳатлари менга анча носоздай кўринарди. Бу носозлик мулоҳазаларнинг ўзидами ёхуд масаланинг қўйилишидами — буни билмасдим, фақат ҳис қиласдимки, унинг мантиқий ишонтириш кучи бениҳоя мукаммал, фақат бу кифоя эмас. Бу далилларнинг ҳаммаси мени инонтириб, ҳаракат қилишга мажбур этолмади, яъни мен мулоҳазаларимдан келиб чиқадиган ишни бажармадим — ўзимни ўзим ўлдирмадим. Агар бу ерда мен ақлимни ишга солиб, мантиқий

мулоҳазалар йўли билан шу хулосага келдим ва ўзимни ўзим ўлдирмадим десам ёлғон гапирган бўлар эдим. Тафаккурим ишлаб турганди, лекин у билан бирга яна бошқа нимадир ишлаб турганди. Мен уни фақат биргина йўсинда ҳаёт туйфуси деб атай оламан, холос. Яна шундай бир куч ишлаб турган эдики, бу куч бошқа бир нарсага эмас, балки айни шу нарсага диққатимни жалб қилишга мажбур этди ва мени ночобр тушкунлик аҳволидан олиб, чиқиб, фикрларимни бутунлай бошқа бир йўналишга солиб юборди. Бу куч мени эътибор беришга мажбур қилдики, мен ўзимга ўхшаган юзларча одам билан ҳали жамики инсониятни ташкил қилмаймиз, мен ҳали инсониятнинг ҳаётидан бутунлай бехабарман, уни билмайман.

Менинг теграмни жипс қуршаб олган тенгқурларимга қараб, мен шундай одамларнигина қўрардимки, улар ё масалани тушунмас эдилар, ё масалани тушунар эдилар-у бу тушунгандарини пиёнисталик дудларига кўмишга уринишарди; ё масалани тушуниб, яшашларига чек қўйишарди, ёки масалани англаб, ожизликлари сабабидан ноумидлик ва ночорлик қўйнида кунларини кўришда давом этардилар. Бошқача одамларни кўрганим йўқ. Мен унча кўпчиликни ташкил қилмайдиган ўқимишли, бадавлат ва бекорчихўжа одамлар тоифасига мансуб эдим ва ўйлардимки, ана шу тоифа бутун инсониятни ташкил қилади, қолганлар, миллиард-миллиард яшаб ўтганлар ва яшаётганларга эса шунчаки бир гап, улар одам эмас аллақандай жониворлар...

Хозирда менга жуда ғалати, ақл бовар қилмайдиган даражада тушуниш қийин бўлиб туюлади — қандай қилиб мен ҳаёт ҳақида мулоҳаза юрита туриб, теварак-атрофимни ҳар томондан қуршаб олган инсониятнинг ҳаётини кўрмай қолдимикин? Қандай қилиб мен шу даражада кулгили хато қилдимки, ўзимнинг ҳаётимни, Сулаймон пайғамбар, Шопенгауэрлар ҳаётини чинакам ҳаёт, дуруст ҳаёт деб ўйладим-у, миллиардлаб одамларнинг ҳаётини диққатга арзимайдиган бир нарса деб ҳисобладим. Буларнинг бари бугун менга ҳар қанча ғалати туюлмасин, эътироф этишим керак — ўша пайтда шундай ўйлаган эдим. Мутакаббирлигим ақлимни кўр қилиб қўйган экан ўшанда. Шу сабабдан биз Сулаймон пайғамбару Шопенгауэр билан бирга масалани жуда тўғри ва чинакамига қўйдик, бошқа ҳеч қанақа гап бўлгани йўқ, бунга заррача шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас, яна шуниси шубҳасизки, анави миллиард-мил-

лиард одамлар ҳали масаланинг бутун моҳиятини тушуниб оладиган даражага етиб борган эмас деб ўйлабман. Ва бирор марта ўйлаб кўрмабманки, «дунёда яшаб ўтган ва яшаётган миллиард-миллиард одамлар ўз ҳаётларининг маъносини нимада кўрганлар ва ҳозир нимада кўрадилар?».

Мен шу телбалик қучоғида анча узоқ яшадим. Бу телбалик сўзда эмас, балки амалда. У бизга, яъни энг либерал ва ўқимишли одамларга хос. Аммо менда ҳақиқий ишчи ҳалқига нисбатан аллақандай фалати муҳаббат бор — шу муҳаббат мени ишчиларни англашга ва улар биз ўйлаганчалик аҳмоқ эмаслигини кўришга мажбур қиласди. Билмадим шу сабаб бўлдими ёки ўзимни осмоқдан бошқа нарсага кучим етмаслигига, мен учун энг яхшиси шу эканига астойдил ишонганим сабаб бўлдими— билмадим, ҳар ҳолда, мен агар яшамоқни истасам ва ҳаётнинг маъносини билмоқчи бўлсан, мен ҳаёт маъносини, аллақачон бу маънони йўқотиб қўйиб, ўзини-ўзи ўлдириш қасдида юрганлар орасидан эмас, балки яшаган ва яшашда давом этаётган, яшаганда ҳам ўз емакларида ҳам ўз ҳаётларининг, ҳам бизнинг ҳаётимизнинг юкини кўтариб бораётган миллиард-миллиард ўтган ва ҳаёт одамлардан излашим кераклигини ҳис қилдим. Шунда мен яшаб ўтган ва яшашда давом этаётган одамларнинг, олим эмас, бадавлат эмас, оддий одамларнинг ҳаётига ўгирилиб қарадим ва бутунлай бошқа бир манзарани кўрдим. Шунда ана шу ўтмишда яшаб ўтган ва ҳозир яшаётган миллиард-миллиард одамлар — жуда оз қисмини истисно қилмаганда — менинг таснифимга тўғри келмаслигини, мен уларни масалани тушунмайдиганлар тоифасига киради деб ҳисоблай олмаслигимни кўрдим. Қўша олмаслигимнинг боиси шунда эдики, уларнинг ўзлари масалани қўйишар ва ҳайрон қоладиган даражада равшанлик билан унга жавоб беришарди. Уларни айш-ишратга муккасидан кетган одамлар деб ҳам эътироф эта олмасдим, чунки уларнинг ҳаётида ҳузур-ҳаловатдан кўра муҳтоҷликлар ва азоб-уқубатлар кўпроқ эди; уларни маъносиз ҳаётини файри шуурий тарзда бир амаллаб кечириб турган одамлар сирасига ҳам ҳеч қўша олмасдим, чунки улар ҳар қандай ҳаёт ҳодисасини ва ўлим ҳолларини изоҳлаб беришади. Ўз-ўзини ўлдиришни эса энг катта қабоҳат деб биладилар. Шундай бўлиб чиқардик, бутун инсоният ҳаётнинг маъносини билади, лекин мен бу маънони тан олмайман ва ундан нафрат қиласман. Шундай

бўлиб чиқардики, оқилона билим ҳаётнинг маъносини бермайди, ҳаётни истисно этади, миллардлаб одамлар томонидан, бутун инсоният томонидан ҳаётга бериладиган маъно эса аллақандай сохта, лаънатланган билимга асосланарди.

Оқилона билим олимлар ва донишманлар шахсиятида ҳаётнинг маъносини инкор этади, миллионлаб одамлар, кенг халқ оммаси, бутун инсоният эса ноқилона билимда бу маънени тан олади. Ана шу ноқилона ёхуд ғайри шуурий билим имон бўлиб чиқяптики, мен уни назардан соқит қилолмайман. Бу Худо, унинг ўғли, Муқаддас Рух, дунёнинг олти кунда яралгани, шайтонлар ва фаришталар ва мен ақлдан озгунимга қадар сира қабул қилолмайдиган бошқа ҳамма нарсалар.

Менинг аҳволим жуда ҳам ёмон эди. Мен билардим—мен оқилона билим йўлида ҳаётни инкор этишдан бошқа ҳеч нарса тополмайман, имонда эса ақлни инкор этишдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Ақлни инкор этиш эса ҳаётни инкор этишдан кўра қийинроқ. Оқилона билимга кўра шундай холоса чиқардики, ҳаёт ёвуз нарса, одамлар буни билади, яшаш-яшамаслик одамларга боғлиқ, улар эса яшашда давом этишади, мен ҳам гарчи ҳаётнинг маъноси йўқлигини ва у ёвуз нарсалигини кўпдан бери билсамда, яшашда давом этяпман. Имонга кўра шундай холоса чиқар эдики, агар мен ҳаётнинг маъносини англамоқчи бўлсан, ўзи маънога муҳтоҷ бўлган ақлдан буш тортмоғим даркор эди.

IX

Фалати зиддият. Ундан қутулишнинг фақат икки йўли бор: ё мен ақлга мувофиқ деб билган, оқилона нарса деб ҳисоблаганим мен ўйлаганча оқилона эмас, ёхуд менга ноақлий бўлиб туюлган, ғайри шуурий деб ҳисобланган нарса, менга туюлган даражада ноақлий эмас. Шундан кейин мен оқилона билимим мулоҳазаларининг мантиқини текшира бошладим.

Оқилона билимим мулоҳазаларининг мантиқини текширап эканман улар менга мутлақо тўғри бўлиб кўринди. Ҳаёт ҳеч нарса экани тўғрисидаги холоса муқаррар эди, бироқ мен шу ўринда бир хатони кўрдим. Хато шунда эдики, менинг фикрлашими ўзим қўйган масалага мувофиқ эмас эди. Масала бундай эди: мен яшаб нима қиласман? Яъни менинг ўткинчи, бебақо, маҳв этилажак ҳаётимда қандай чин нарса чиқади? Бу чексиз дунёда

менинг чекланган ҳаётимдан қандай маъно чиқади? Бу саволларга жавоб бериш мақсадида мен ҳаётни ўргандим.

Кўйилиши мумкин бўлган ҳаёт масалаларининг барини ҳал қилсам-да, бу мени қаноатлантирумаслиги мумкин эди, чунки менинг саволим бошда қанчалик жўн кўринмасин, чекланган нарсани чексиз нарса билан ва аксинча изоҳлаб бериш талабини ўз ичига олар эди.

Менинг саволим бундай эди: менинг ҳаётимнинг ғайри замоний, ғайри сабабий ва ғайри фазовий қиммати қандай? Бу саволга эса мен бундай жавоб берардим: менинг ҳаётимнинг замоний, сабабий ва фазовий қиммати қанақа? Шундай бўлиб чиқдики, хўп ақлимни ишлатиб узоқ вақт қийналганимдан қейин мен «ҳеч қанақа» деб жавоб бердим.

Мен мулоҳазаларимда доимий тарзда чекланган нарсани чекланганга, чексиз нарсани чексиз нарсага тенглаштириб қўйардим. Бошқача қилишга иложим ҳам йўқ эди. Шу сабабдан менинг мулоҳазаларимдан чиқиши керак бўлган хулосалар чиқди, холос. Яъни куч кучдир, жисм жисмдир, ирода иродадир, ҳечлик ҳечликдир. Бундан ортиқ бирон нарса чиқиши мумкин эмас эди.

Математикада бўладиганга ўхшашибир воқеа рўй берган эди — унда тенгламани ҳал қиляпман деб ўйлайсану, айниятни ҳал қилган бўлиб чиқасан. Мулоҳазаларинг мантиқан тўғри, лекин жавоб $A=A$, $X=X$ ёки $O=O$ бўлиб чиқади. Ҳаётимнинг қиммати масаласига тааллуқли мулоҳазаларимнинг натижаси ҳам шундай бўлиб чиқди. Ҳамма илмларнинг бу саволга берадиган жавоби айниятдан иборатдир.

Ҳақиқатан ҳам, қатъий оқилона илм шундай илмки, у ҳаёт саволига мен топган жавобдан, яъни мужмал жавобдан бошқа жавоб бера олмайди. Чунки бундай илм худди Декарт қилгани каби ишни ҳамма нарсага шак келтиришдан бошлайди, шунчаки тўғри деб қабул қилинган ҳар қандай тахминий билимларни улоқтириб ташлайди ва ҳамма нарсани бошидан ақл ва тажриба қонунлари асосида қайтадан кўриб чиқади. Аввал бошда менга шундай туюлдики, илм мусбат жавоб берди. Бу Шопенгауэр чиқарган хулоса эди, яъни ҳаёт маъносиз нарса, у ёвуз нарса. Лекин масалани таҳлил қилиб кўрдимки, жавоб мусбат эмас экан. У менга шундай бўлиб туюлган экан, холос. Аслини олганда эса бу жавоб брахманларда, Сулаймон пайғамбарда, Шопенгауэрда ифодалангандек қатъий тарзда ифодаланадиган бўлса,

фақат мужмал жавобдир. О=О деган айнияттир: менга ҳеч нарса бўлиб кўринган ҳаёт ҳеч нарсадир. Шундай қилиб кўринадики, фалсафий билим ҳеч нарсани инкор қилмайди, у фақат бу масалани фалсафа ҳал қила билмайди, мабодо ҳал қилмоқчи бўлса, жавоби мужмал бўлади деб жавоб беради.

Буни тушунгач, яна шуни тушундимки, оқилона илмлардан менинг саволимга жавоб излаб бўлмас эди, оқилона илмлар томонидан бериладиган жавоб масала бошқача қўйилган тарздагина, фақат мулоҳазалар доирасига чексиз нарсага чекланган нарсанинг муносабати ҳақидаги масала жалб қилинган тақдирдагина жавоб олиш мумкинлигига ишора бўларди, холос. Мен яна англадимки, дин томонидан бериладиган жавоблар ҳар қанча ақлга номувофиқ ва хунук бўлмасин, улар бир афзалликка эга: уларда ҳар бир жавобга чекланган нарсанинг чексиз нарсага муносабати киритилган. Ахир, бусиз жавобнинг бўлиши мумкин эмас-да! Мен «Қандай яшамогим керак?» деган саволни қўйишим билан «Худонинг қонунларига амал қилиб» деган жавобни оламан. «Менинг ҳаётимдан қанақа бир чинакам нарса келиб чиқади?» деган сўроққа «Мангу азоб-уқубат ёки мангу роҳат-фароғат» деган жавоб оламан. «Ҳаётимда ўлим маҳв этолмайдиган қандай маъно бор?» «Ҳақнинг жомлиига эришиш, чексиз Худога қўшилиш, жаннат».

Шундай қилиб, авваллари оқилона билимлар менга ягона нарса сифатида туюларди, энди эса муқаррар тарзда шуни эътироф этишга мажбур бўлдимки, ҳозир ҳаёт кечираётган жамики инсониятда яна бошқа алла-қандай билим бор — бу нооқилона билим — имон. Шу имон яшашга имкон беради. Мен ҳозир ҳам худди аввалидай имоннинг бутун нооқилона хислатини кўриб турардим, лекин мен фақат имонгина инсониятга ҳаёт масалаларига жавоб беришини ва шунинг оқибатида яшашга имкон беришини тан олмаслигим мумкин эмасди.

Оқилона билим мени ҳаётнинг маъносизлигини тан олишга олиб келди, менинг ҳаётим тўхтаб қолди ва мен ўзимга суиқасд қилиш йўлига тушиб қолдим. Теварак-атрофимдаги одамларга, бутун инсониятга ўгирилиб қараб турдимки, одамлар яшапти ва ҳаётнинг маъносини биламиз дейишяпти. Ўзимга ўгирилиб қарадим: мен ҳаёт маъносини билганим даражада яшаган эканман. Бошқа одамларга ўхшаб менга ҳам ҳаётнинг маъносини ва яшаш имконини имон берган экан.

Ундан нарига ўгирилиб, бошқа мамлакатларнинг менга замондош ва ўтиб кетган одамларига қараб ҳам яна ўша аҳволнинг ўзини кўрдим. Қаердаки ҳаёт бўлса, ўша жойда инсоният пайдо бўлгандан бери унга яшаш имконини берадиган имон бор. Ва имоннинг асосий белгилари ҳамма жойда ва ҳамиша бир хил.

Ҳар қандай имон кимга бўлмасин ва қандай бўлмасин жавоб берган бўлса, имоннинг ҳар қандай жавоби инсоннинг чекланган ҳаётига чекланмаган нарсанинг маъносини баҳш этади ва бу маънони азоб-уқубатлар, муҳтоҷликлар, ўлим маҳв этолмайди. Бинобарин, фақат имондагина ҳаётнинг маъносини ва яшаш имконини топиш мумкин. Шунда англадимки, сўзнинг энг муҳим маъносида олиб қарасак, имон «кўз илғамас буюмларни» ва ҳоказоларни фош қилишгина эмас, кароматгина эмас (бу имоннинг сифатларидан бирининг тасвири, холос), инсоннинг Худога муносабатигина эмас (Худо орқали имонни белгилаш керак эмас, аввал имонни белгилаб олиб, сўнгра Худони белгилаш лозим), кўпинча имонни мана бундай тушун деб одамга айтилган гапларга қўшилишгина эмас, балки имон инсон ҳаётининг маъносини билишдир ва шу билими важидан инсон ўз-ўзини маҳв этмайди, балки яшайди. Имон ҳаётнинг қудратидир. Инсон яшар экан, у бирор нарсага ишонади, имон келтиради. Агар у «нима учундир яшамоқ керак» деб бирон нарсага ишонмаса, имон келтирмаса, унда у яшамас эди. Агар у чекланган нарсани кўрмаса ва унинг хаёлий бир нарса эканини англамаса, у ана шу чекланган нарсага ишонарди; агар у чекланган нарсанинг ҳаёлий эканини англаса, унда у чексиз нарсага ишонмоғи керак. Имонсиз яшаб бўлмайди.

Шунда мен ичимдан кечганларнинг ҳаммасини эслаб, даҳшатга тушдим. Энди менга бир нарса аён эди — инсон яшай олмоғи учун у ё чексиз нарсани кўрмоғи керак, ёки ҳаёт маъносини шундай тушунмоғи керакки, бунинг натижасида чекланган нарса чексиз нарсага teng деб ҳисобланмоғи шарт. Менда шундай тушунча бор эди, бироқ мен чекланган нарсага ишонар эканман, унинг менга кераги йўқ эди. Шунда мен уни ақл тарозисида текшира бошладим. Ақл тарозисига солиб кўришим билан аввалги изоҳларимнинг ҳаммаси тирқираб кетди. Аммо фурсати етиб, мен чекланган нарсага ишонмай қўйдим. Шунда мен оқилона асосларга таяниб, билгандаримдан шундай изоҳ тузса бошладимки, бу изоҳ ҳаётнинг маъносини уқтироғи керак эди. Аммо ҳеч нарса-

ни тузиб бўлмади. Инсониятнинг энг етук мутафаккирлари билан бирга мен О=О деган хулосага келдим ва бунаقا хулосага келганимни кўриб роса ҳайрон бўлдим. Ҳолбуки, ўшанда бошқа ҳеч қанақа хулосага келиб бўлмас эди.

Тажрибага асосланган билимлардан жавоб излаганимда мен нима қилган эдим? Мен нима учун яшаётганимни билмоқчи бўлган эдим ва бунинг учун ўзимдан ташқаридаги ҳамма нарсани ўрганишга тутингандим. Равшанки, мен жуда кўп нарса билмоғим мумкин эди, аммо ўзимга керак ҳеч нарсани билолмас эдим.

Фалсафий билимлардан жавоб излаганимда нима қилган эдим? Менинг аҳволимга тушиб қолган, менга ўхшаб «нима учун яшаяпман?» деган саволга жавоб то-подмаган одамларнинг фикрларини ўргандим. Равшанки, мен ўзим билган нарсадан, яъни «ҳеч нарсани билиб бўлмайди» деган хулосадан бошқа ҳеч нарсани била олмас эдим.

Мен нимаман ўзи? Чексиз нарсанинг бир қисмиман. Масаланинг бутун моҳияти ана шу икки сўзда ифодаланган. Наҳотки фақат кечаги кундан бошлабгина инсоният бу масалани ўз олдига кўндаланг қўйган бўлса? Наҳотки, менга қадар ҳеч ким ана шу жўн саволни, ҳар бир ақлли болакайнинг тилининг учида турадиган шу саволни ўзига ўзи бермаган бўлса?

Ахир бу масала одамзод бино бўлган замонлардаёқ қўйилган, одамлар бино бўлган замонларданоқ англашилганки, бу масалани ҳал қилмоқ учун чекланган нарсани чекланган нарсага ва чексиз нарсани чексизга тенглаштиromoқ бирдай кифоя эмас ва одамлар бино бўлган замонлардаёқ чекланган нарса билан чексиз нарсанинг муносабатлари топилган ва ифодаланган.

Чекланган нарса чексиз нарсага тенглаштирилган ва бунинг оқибатида ҳаётнинг маъноси келиб чиқадиган тушунчаларни, Худо, эркинлик, яхшилик тушунчаларини биз мантиқан тадқиқ қиласми. Унда бу тушунчалар ақлтанқидига дош беролмайди. Биласизми, бу ҳимага ўхшайди? Биз бола каби ҳаддан ташқари ўзимизга-ўзимиз мағрур бўлиб, ўзимиздан-ўзимиз мамнун бўлиб, соатни оламиз-да, бутун ичак-чавоғини ағдариб кўрамиз, қўғирчоқдек уни хўб ўйнаймиз, кейин эса соат юрмай қолганидан роса ҳайратга тушамиз. Бу аҳвол жуда даҳшатли бўлмаганида ҳаддан зиёд кулгили бўларди.

Чекланган нарса билан чексиз нарса ўртасидаги зиддиятни ҳал қилиш ва ҳаёт саволига яшашга имкон бе-

радиган жавобни топиш керак. Бу жуда қимматга тушади. Масаланинг ягона ечими бор. Бу ечим ҳамма вақт, ҳамма жойда ва ҳамма халқларда бўлган. Бу ечим замонлар қаъридан келиб чиқади, у шу қадар қийин ечими, биз ўзимиз сира ҳам бундай ечимга кела олмаймиз. Ана шу ечимни ўзимиз кунпаякун қиласиз, бундан мақсад ўша ҳаммага хос ва биз учун жавобсиз саволни яна қўйишидир.

Чексиз Худо тушунчаси, руҳнинг илоҳийлиги, одамзод қилмишларининг Худога боғлиқлиги, яхшилик ва ёмонлик, маънавият тушунчалари инсоният ҳаётининг кўзларимиздан яширин олислклари қаърида ишлаб чиқилган тушунчалардир. Бу тушунчаларсиз ҳаётнинг бўлиши ҳам, менинг ўзимнинг бўлишим ҳам мумкин эмас. Мен бўлсан бутун инсоният бажарган бу ишни итқитиб ташлаб, ҳаммасини бошқатдан ўз билганимча қилмоқчи бўлиб юрибман.

У пайларда мен ҳали бунақа деб ўйламас эдим, аммо бу фикрлар миямда уч бера бошлаган эди. Мен, биринчидан, шуни тушунардимки, ҳар қанча донолигимизга қарамай, биз Шопенгауэр ва Сулаймон пайғамбар учовимиз ғоятда бемаъни аҳволга тушиб қолганмиз: биз ҳаётнинг ёвуз нарса эканини биламиз, биламизу яшашда давом этаверамиз. Бу уччига чиқсан бемаънилик эмасми? Мен жамики оқилона нарсани ҳаддан зиёд яхши кўраман, шундоқ бўлгач, ҳаёт бемаъни бўлса, ҳаётни маҳв этиш керак. Ўшанда уни инкор этадиган одам қолмайди. Иккинчидан, мен шуни тушунардимки, бизнинг ҳамма мулоҳазаларимиз беҳуда айланётган фиддиракдай боши берк кўча ичида айланиб қолган. Биз ҳар қанча яхши мулоҳаза юритмайлик, масалага жавоб ола олмаймиз, оладиган жавобимиз ҳамиша $O=O$ бўлади, сабабки, биз танлаган йўл, афтидан, хато бўлса керак. Учинчидан, шуни тушуна бошладимки, имон томонидан бериладиган жавобларда инсониятнинг жуда теран донолиги мавжуд, ақл асосида уларни инкор этишга мен ҳақли эмасман. Энг муҳими эса фақат шу жавоблардагина ҳаёт саволларига жавоб мавжуд.

X

Мен буни тушунардим, лекин бундан ҳеч қанча енгиллик кўрмадим.

Мен энди ҳар қандай имонни қабул қилишга тайёр эдим, фақат бу имон мендан ақлни бевосита инкор этиш-

ни талаб қилмаса бўлди. Негаки, бундай қилинса, ёлғон бўларди. Шу тарзда мен китоблардан буддизмни ҳам, исломни ҳам ўргандим, ҳаммадаң кўра кўпроқ ҳам китоблардан, ҳам атрофимни қуршаб олган одамларнинг ҳаётидан христианликни ўргандим.

Табиийки, мен ҳаммадан аввал ўз даврамга мансуб художўй одамларга, олим одамларга, православ диншуносларга, қари монахларга, янги йўналишдаги православ диншуносларга ва ҳатто тавба-тазарру билан гуноҳлардан покланишни тарғиб қилувчи янги христиан деб аталмиш тоифадаги художўйларга мурожаат қилдим. Мён уларнинг этакларидан маҳкам ушлаб олиб, улардан имонлари қанақа эканини, ҳаётнинг маъносини нимада кўришларини суриштирдим.

Турли-туман масалаларда уларга имкони борича ён берганимга қарамай, ҳар хил баҳсу мунозаралардан ўзимни тийганимга қарамасдан мен бу одамларнинг имонларини қабул қилолмас эдим, чунки кўриб турардимки, улар имон деб атаётган нарса ҳаётнинг маъносини ойдинлаштирадиган эмас, аксинча хиралаштирадиган нарса эди. Уларнинг ўzlари ҳам имонларини қаттиқ тутган бўлсалар, буни мени имонга олиб келган ўша ҳаёт саволига жавоб бериш учун эмас, балки аллақандай бошқа, менга бегона мақсадлар йўлида қилишган эди.

Бу одамлар билан мулоқотга киришганда неча мартааб менинг қалбимда умид чўғлари ялтиллади. Шу умид чўғларидан кейин яна аввалги тушкунлик, иложесизлик ҳолатига қайтиш мен учун жуда ҳам изтиробли бўлди. Улар менга ўз диний эътиқодларини қанча кўпроқ ва батафсилроқ баён қилиб береалар, мен уларнинг хатоларини шунча равшанроқ кўрар ва уларнинг имонларида ҳаёт маъносининг изоҳини топаман деган умидларим чипакка чиқаётганини ҳис қиласдим.

Менинг хафсаламни пир қилган нарса бу одамларнинг ўз диний эътиқодларини баён қилиб беришаётганида мен учун ҳамиша яқин бўлган христиан ҳақиқатларига жуда кераксиз ва ноақлий нарсаларни қўшиб юборганлари бўлмади; йўқ, хафсаламни пир қилган нарса бу эмас; мени бездирган нарса шу бўлди, бу одамларнинг ҳаёти ҳам худди меникига ўхшаш эди. Факат фарқи шундаки, уларнинг ҳаёти ўzlари диний эътиқодларини баён қилиб айтган қоидаларига мос келмасди. Мен аниқ ҳис қиласдимки, улар ўzlарини ўzlари алдаяпти ва улар ҳам ўша мен билган ҳаёт маъносидан

бошқа маънони билишмайди, яъни умринг ўтаётган экан, яшайвер, ҳаёт неъматларидан имконинг етганча истифода қиласкер. Мен буни шунга қараб англадимки, агарда улар азоб-уқубатлар, муҳтоҷликлар ва ўлимдан қўрқиши махв этадиган маънони билганларида, булардан қўрқмаган бўлардилар. Ҳолбуки улар, яъни менинг даврамга мансуб бўлган бу художўйлар худди менга ўхшаб тўқ ва фаровон турмуш кечиришар, шу фаровонликни кўпайтириш ва сақлаб қолиш ғамини ейишар, муҳтоҷлиқдан, изтироблардан, ўлимдан қўрқишар ҳамда динга ишонмайдиган бизларга ўхшаб энг ярамас нафсларининг гапига кириб ҳаёт кечиришарди, биз — динга ишонмайдиганлардан кўра улар кўпроқ гуноҳ ботқоғига ботиб кетишган эди.

Ҳеч қанақа мулоҳазалар мени уларнинг имони чин эканига ишонтиrolmasdi. Мени ишонтириши мумкин бўлган биргина нарса бор эди — уларнинг хатти-ҳаракатлари шундан далолат берсаки, ҳаётнинг маъносини билишади; бу билиш эса уларга мен учун қўрқинчли бўлган қашшоқлик, изтироб ва ўлимдан тап тортмасликка имкон беради. Бизнинг даврамизга мансуб бўлган бу турфа хил художўйлар орасида эса мен бундай хатти-ҳаракатни кўрмадим. Аксинча, бундай хатти-ҳаракатларни мен бизнинг даврамизга мансуб бўлган динга ишонмайдиган одамлар орасида кўрдим, лекин бизнинг даврамизга мансуб художўйлар орасида эса зинҳор-базинҳор кўрмадим.

Шунда мен тушундим — бу одамларнинг имони мен излаган имон эмас, уларнинг имони, умуман, имон эмас, балки ҳаётдаги ишратбозлик таскинларидан бири, холос. Мен яна англадимки, бу имон, балки таскинликка ярамаса ҳам, ўлим тўшагида ётиб, жамики гуноҳлари учун тавба-тазарру қилаётган Сулаймон пайғамбарни жиндай хотиржам қилишга ярап, лекин у кўпчилик одамлар учун сира ярамайди, чунки бу одамларнинг зиммасида бошқаларнинг меҳнатларидан фойдаланиб, вақти чоғлик қилиш эмас, ҳаётни барпо этиш вазифаси ётади. Бутун инсоният яшамоги мумкин бўлсин учун, ҳаётга маъно бахш этиб, яшашни давом эттириш мақсадида яшамоги учун, улар—ана шу миллиардлар бошқа, чинакам имонни билмоқлари керак бўлади. Ахир, имоннинг мавжудлигига мени ишонтирган нарса — Сулаймон пайғамбар билан Шопенгауэр учовимизнинг ўзимизни-ўзимиз ўлдирмаганимиз бўлгани йўқ, балки миллиардлаб одамларнинг ҳаёт кечириб келгани ва ҳамон яшаётгани,

мен билан Сулаймон пайғамбарларни ўз ҳаёт тўлқинла-
рида кўтариб келганлари бўлди.

Шунда мен қашшоқ, өддий, ўқимаган художўйлар билан, турли-туман дарвешлар, монахлар, мужиклар билан топиша бошладим. Халқдан чиққан бу одамлар ҳам худди бизнинг даврага мансуб қалбаки художўйлар каби христиан диний эътиқодига эга эдилар. Уларнинг христиан ҳақиқатларига ҳам жуда кўп хурофот ара-лашган эди, бироқ фарқи шунда эдики, бизнинг даврамизга мансуб художўйларнинг хурофотлари уларнинг ўзига мутлақо керак эмас эди, уларнинг турмушига сира мос тушмасди, фақат ўзига хос бир ишратбозлик эрмаги эди, холос; меҳнаткаш халқдан чиққан художўйларнинг хурофотлари эса уларнинг турмуши билан шу қадар яқиндан боғланганки, бу хурофотларсиз уларнинг ҳа-ётини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бу хурофотлар уларнинг яшашининг зарурий шарти эди. Бизнинг даврага мансуб художўйларнинг бутун ҳаёти уларнинг имони-га бутунлай зид эди, меҳнаткаш халққа мансуб художўйларнинг бутун ҳаёти уларнинг имони берган ҳаёт маъносини тўла тасдиқлар эди. Шунда мен бу одамларнинг ҳаёти ва эътиқодларига синчилаб қарай бошладим ва қараганим сари чуқурроқ амин бўла бордимки, бу одамларнинг имони чин имон, бу имон улар учун жуда зарур ва ёлғиз шу имонгина уларга ҳаётнинг маъносини ва яшаш имконини беради. Бизнинг даврамизда имон-сиз ҳам яшайверадиганлар кўп, уларнинг орасида зўр-базўр мингтадан биттаси ўзини художўй деб тан олиши мумкин. Бунга қарама-қарши ўлароқ, уларнинг муҳити-да мингтадан битта худога ишонмайдиган одам топилиши амри маҳол. Бизнинг даврамиз одамларининг ҳаёти бекорчилик ичida эрмаклар билан ўтади ва яна ҳамма ҳаётдан норози бўлади. Бу одамларнинг бутун ҳаёти эса оғир меҳнат ичida кечади ва улар бадавлат одамларга қараганда ҳаётдан камроқ норози бўлишади. Бизнинг даврамизга мансуб одамлар муҳтоҷликлар ва азоб-уқу-батлар учун тақдирдан кўпроқ нолийдилар ва унга қар-шилик кўрсатадилар. Бунга қарама-қарши ўлароқ, оддий одамлар хасталиклар ва ғам-ғуссаларни ҳеч қандай норозиликсиз, қаршилик кўрсатмасдан, хотиржам қабул қиласидилар. Улар қатъий ишонадиларки, буларнинг ҳаммаси худди шундоқ бўлмоғи керак, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, буларнинг бари — Худо-нинг неъмати. Биз қанча ақлли бўлсак, ҳаётнинг маъ-носини шунча кам тушунамиз, йэтироблар чекишимиз

ва қазомизни алланечук ёвуз бир масхара деб ҳисоблаймиз. Бунга қарама-қарши ўлароқ оддий одамлар осойишта бир тарзда ҳаёт кечирадилар, изтироблар чекадилар ва ўз қазолари сари борадилар. Улар изтироб чекканда ҳам қандайдир хотиржам бўладилар ҳатто, мамнуниятлари сезилиб турди. Бизнинг даврамизда хотиржам жон таслим қилиш, нола-фифонсиз, тушкунликка берилмай вафот этиш камдан-кам учрайдиган воқеа. Бунга қарама-қарши ўлароқ, халқ орасида нола-фифон билан, исён кўтариб, фам-фуссага ботиб жон таслим қилиш ҳаддан ташқари кам учрайди. Бу одамлар биз Сулаймон пайғамбар билан ўзимиз учун ҳаётнинг яка-ю ягона ҳисобланадиган жуда кўп нарсаларидан маҳрум, лекин шунга қарамай улар ўзларини бениҳоя баҳтиёр деб биладилар. Бундай одамлар ҳаддан ташқари кўп. Мен теварак-атрофимга кенгроқ назар ташладим. Мендан аввал ўтган ва мен билан бир замонда яшаётган сон-саноқсиз одамларнинг ҳаётига чуқурроқ назар ташладим. Ва шунда ҳаётнинг маъносини англаган, яшашни ва жон таслим қилишни биладиган иккита, учта, ўнта эмас, юзта, мингта, миллионта одамни кўрдим. Феъли атвори, ақли, маълумоти, мавқеига кўра ҳаддан ташқари ҳилма-хил бўлган бу одамларнинг ҳаммаси менга қарама-қарши ўлароқ ҳаётнинг маъносини баб-баравар даражада мукаммал билишарди, муҳтожликлар ва азоб-уқубатларни бошларидан кечириб, хотиржам меҳнат қилишарди, умргузаронлик қилиб вафот этишарди ва бунда маъносиз, беҳуда нарсани эмас, улуғ бир неъматни кўришарди.

Шундай қилиб, мен бу одамларни яхши кўриб қолдим. Мен тирик одамларнинг ҳаётига қанча чуқур кириб борсам, мен китобларда ўқиган ва эшитган шунга ўхшаш одамларнинг ўтиб кетган ҳаётларига қанча чуқур кириб борсам, уларни шунча кўпроқ яхши кўрдим ва ўзим учун ҳам яшаш шунча енгил бўлиб қолди. Шу аҳволда икки йилча ҳаёт кечирдим ва менда инқилоб содир бўлди. Бу инқилоб менда анчадан бери пишиб этилиб келарди, унинг учқунлари ҳамиша мен билан бирга эди. Менда шундай инқилоб содир бўлди, оқибатда бизнинг даврамизнинг ҳаётини, бадавлат, олим одамларнинг ҳаётини жинимдан баттар ёмон кўриб қолдимгина эмас, бу ҳаёт мен учун буткул маъносини йўқотди. Бизнинг ҳамма хатти-ҳаракатларимиз, фикр юритишларимиз, илм, санъат — буларнинг бари менга бир эрмакдай, тантиқликдай кўриниб қолди. Англадим-

ки, бундан маъно излаб бўлмайди. Ҳаётни ижод қилувчи меҳнаткаш халқнинг хатти-ҳаракати эса менга бирдан-бир арзийдиган ҳақиқий иш бўлиб кўринди. Шунда англадимки, шу ҳаётга ато қилинган маъно ҳақиқатдир. Ва мен бу ҳақиқатни қабул қилдим.

XI

Фалати бир манзара: одамлар диний эътиқодларга сифиниб, уларга зид тарзда ҳаёт кечирганинги кўрганимда шу эътиқодлардан безиб кетгандим. Аммо одамлар худди шу эътиқодларнинг ўзига амал қилиб яшаганларини кўрганимда улар менга ғоятда жозибадор ва оқилона кўринди. Шунда мен нега бир вақтлар бу эътиқодлардан безганимни, нега уларни маъносиз деб ҳисоблаганимни, эндиликда эса нима сабабдан уларни қабул қилганимни ва жуда маънодор деб ҳисоблаётганимни тушундим. Мен адашганимни ва қандай қилиб адашганимни англадим. Мен нотўри фикр юритганим учун адашган эмас эканман, балки гуноҳкорона ҳаёт кечирганим учун адашган эканман. Мен англадим — ҳақиқат юзини мендан яширган нарса фикрларимдаги хатолик бўлмаган экан, балки фавқулодда ишратбозлик шароитида, майшатпастлик шароитида, балои нафсни қондириш йўлида ўтказган ҳаётим бўлган экан. Яна англадим — «менинг ҳаётим нима?» — деган саволим ва «ёвузлик» деб берган жавобим мутлақо тўғри бўлган экан. Хатолик шунда бўлган эканки, фақат менгагина тааллуқли жавобни бутун ҳаётга нисбатан қўллабман. «Менинг ҳаётим нима?» — деб ўз-ўзимдан сўраб, «ёвузлик ва маъносизлик», — деб жавоб олганман. Чиндан ҳам менинг ҳаётим балои нафсни қондиришга қаратилган бўлган ва шунинг учун маъносиз ҳамда ёмон бўлган, шунинг учун ҳам «ҳаёт маъносиз ва ёвуз нарса» деган жавоб, умуман, одамлар ҳаётига эмас, ёлғиз менинг ҳаётимга тааллуқлидир. Мен кейинчалик Инжилда топганим ҳақиқатни англадим — унга кўра одамлар ёруғликдан кўра кўпроқ зулматни яхши кўрганлар, негаки улар ёвуз ишларни кўп қилишган. Сабабки, ёмон иш қиладиган ҳар бир одам ёруғликни жуда ёмон кўради ва ишлари фош бўлишидан кўрқиб, ёруғлик сари бормайди. Мен англадимки, ҳаётнинг маъносини тушунмоқ учун ҳаммадан аввал ҳаётнинг ўзи маъносиз ва ёвуз бўлмаслиги керак, шундан кейингина ақл билан уни тушуниб олса бўлади. Мен ўз-ўзидан кўриниб турган ана

шу ҳақиқат теграсида нима учун бу қадар узоқ ўрадашиб қолганимнинг сабабини тушундим — инсониятнинг ҳаёти тўғрисида гапириб, ўйлайдиган бўлсанг, ҳаётдаги бир нечта текинхўрларнинг эмас, инсониятнинг ҳаёти тўғрисида ўйлаш ва гапириш керак. Бу ҳақиқат $2 \times 2 = 4$ га ўхшаш ҳамиша ҳақиқат бўлиб келган, лекин мен уни тан олган эмасман, чунки $2 \times 2 = 4$ эканини тан олсам, мен ўзимнинг ярамас одам эканимни тан олмоғим керак эди. Ҳолбуки, $2 \times 2 = 4$ лигидан қўра ўзимни яхши одам деб ҳис этиш мен учун муҳимроқ ва зарурроқ эди. Мен яхши одамларни севиб қолдим, ўзимдан-ўзим нафратланиб ётдим. Энди менга ҳамма нарса равшан бўлди.

Мабодо бутун умрини қийноқларда одамларнинг бошини олиш билан ўтказган бир жаллод ёки бутун умрини бир қоронғи хонада ўтказган, бу хонасини нажосатга тўлатиб, ифлос қилиб ташлаган ва «шу хонадан чиқсан муқаррар ҳалок бўламан» деган фикрни сингдириб олган бирор уччига чиққан пиёниста ёхуд жинни ўз-ўзига «ҳаёт нима?» деб савол берса нима бўларди? Ўз-ўзидан аёнки, «ҳаёт нима?» деган саволга улар «ҳаёт энг катта ёвузликдир» деган жавобдан бошқа жавоб ола билмас эдилар. Бунда жиннининг жавоби мутлақо тўғри бўларди, бироқ фақат унинг ўзи учун тўғри бўларди. Унда қандоқ бўлади — мен ҳам ўшанга ўхшаган бир телбамани? Наҳотки, бизнинг ҳаммамиз — бадавлат, ўқимишли одамлар шунга ўхшаш телба бўлсак?

Шунда англадим — ҳа, биз чиндан ҳам ана шунаقا телбалармиз. Ҳар ҳолда, мен муқаррар тарзда ана шунақа телбаман. Дарҳақиқат, қуш шундай ҳаёт кечирадики, у учмоғи, овқат жамғармоғи, ин қурмоғи керак. Қуш шундай қилаётганини кўрсам қушдан хурсанд бўламан. Эчки, қуён, бўри шундай ҳаёт кечиришадики, улар қоринларини тўйғазиши, урчишлари, оиласларини боқишлари керак. Уларнинг шундай қилаётганларини кўрсам мен қатъян ишонаманки, улар баҳтиёр ва уларнинг ҳаёти оқилона. Хўш, инсон нима қилмоғи керак? У ҳам худди жониворлар қилган ишларни қилиб ҳаёт кечирмоғи керак, фақат фарқ шундаки, бу ишларни инсон ёлғиз ўзи қилса, у муқаррар тарзда ҳалок бўлади, у фақат ўзи учун эмас, ҳамма учун қилмоғи зарур. У ҳамма учун бу ишларни қилаётганини кўрсам, мен қатъян ишонаманки, у баҳтиёр ва унинг ҳаёти оқилона. Хўш, мен ўзимнинг ўттиз йиллик онгли ҳаётимда нима қилдим? Мен нафақат ҳамма учун ҳаётни барпо этганим ўйқ, мен лоақал ўзим учун ҳам тирикчилик арконларини

яратганим йўқ. Мен бир текинхўр тарзида ҳаёт кечирдим ва ўз-ўзимдан «нимага яшайпман?» деб сўрадим-да, «ҳеч нарсага» деб жавоб олдим. Агар инсон ҳаётининг маъноси тирикчилик арконларини барпо этишда бўлса, мен ўттиз йил мобайнида бу арконларни барпо этиш ўрнига ўзимда ҳам, бошқаларда ҳам уларни йўқ қилиш билан шуғулланган бўлсан, қандай қилиб «ҳаётим бемаъни ва ёвуз нарса» дегандан бошқа жавоб олишим мумкин? У ҳақиқатан ҳам bem'aъni va ёvuz bўlganda...

Дунёning ҳаёти кимнингдир иродаси билан содир бўлади — мана шу дунёning ҳаёти ва бизнинг ҳаётимиз орқали кимдир ўзининг аллақандай ишини рўёбга чиқарди. Бу ироданинг маъносини англашга умидвор бўлмоқ учун даставвал уни бажармоқ керак, яъни биздан истаётган ишларини қилмоғимиз керак. Агар мен мендан истаётган ишларини қилмасам, мендан нима исташларини ҳам ҳеч қачон билолмайман, бизнинг ҳаммамиздан ва бутун дунёдан нима исташларини эса инчунун билолмайман.

Чорраҳадаги оч, яланғоч бир тиланчини бир иморат ичидаги ажойиб бир муассасага олиб келишса, қорнини тўйдирив, ичириб, аллақандай бир дастани гоҳ юқорига кўтаришга, гоҳ пастга туширишга мажбур этишса, ўз-ўзидан аёнки, тиланчини нега олиб келишганини, дастани нега кўтариб тушириш кераклигини, бутун муассасанинг қурилиши ақлга мувофиқми-йўқми эканини таҳлил қилишдан аввал тиланчи дастани ҳаракатга келтирмоғи зарур. Агар у дастани ҳаракатга келтиурса, бу даста насосни ҳаракатга келтираётганини, насос сув ҳайдоётганини, сув эса жўякларга таралаётганини фаҳмлаб олади. Шундан кейин уни усти ёпиқ қудуқдан олиб чиқиб, бошқа ишга ўтказадилар — у меваларни тера бошлайди ва хўжайнини мамнун қиласи. Жўн ишлардан юқорироқ ишларга ўтар экан, у бу масаланинг тузилишини борган сари чуқурроқ англай боради ва унинг йишида иштирок этар экан, у ҳеч қачон ўзининг бу ерда нима қилиб юрганини сўрамайди. Ҳар ҳолда, зинҳор-базинҳор хўжайнинг таъна қилмайди. Худди шунга ўхшаб, хўжайнининг иродасини бажо келтирувчи ўқимаган, оддий, меҳнаткаш одамлар ҳам хўжайнларига таъна қилмайдилар. Ҳолбуки, биз уларни ҳайвон ўрнида кўрамиз-да, ўзимизни доно ҳисоблаймиз, хўжайнининг тузини еймиз-у, хўжайнин биздан истаган ишни бажо келтиришни хоҳламаймиз, унинг ўрнига давра олиб ўтириб оламиз-да, «дастани кўтариб туширишнинг нима кераги бор? Жуда

бемаъни иш-ку бу!» деб сафсата сотамиз. Шу тарзда бўладиганимиз бўлиб қолган. Бўладиганимиз бўлгани шуки, хўжайинни тентак ҳисоблаймиз, бўлмагани ҳам тузук эди деб биламиз, ўзимизни доно деб биламиз, лекин ҳеч нарсага ярамаслигимизни ҳис қиласмиз ва бир амаллаб ўзимизни ўзимиздан халос этиш пайдада юрамиз.

XII

Оқилона билимлар хатолигини англаш беҳуда мулоҳазабозлик власвасасидан халос бўлишимга ёрдам берди. Ҳақиқат ҳақидаги билимни фақат ҳаёт орқалигина топиш мумкинлигига қатъий ишонч мени ўз ҳаётимнинг тўғрилигига шубҳа қилишга унади. Бироқ мен ўзимнинг фавқулодда одамлигим ҳақидаги тасаввур чангалидан қутулиб қолишга улгурдим ва оддий меҳнаткаш халқнинг чинакам ҳаётини кўриб, ҳақиқий ҳаёт фақат ана шу ҳаёт эканига имон келтирдим. Шу нарса мени қутқариб қолди. Англадимки, агар мен ҳаётни ва унинг маъносини англамоқчи бўлсан, мен текинхўрга хос ҳаёт кечирмоғим керак эмас, балки чинакам ҳаёт қўйнида яшамоғим зарур, ҳақиқий инсоният бу ҳаётга қандай маъно бераётган бўлса, шу маънони қабул қилиб, шу ҳаётга сингиб кетмоғим ва уни текшириб кўрмоғим шарт.

Худди шу вақтларда мен яна бир нарсани кечирдим. Бутун бир йил мобайнода мен деярлик ҳар дақиқада ўз-ўзимдан «бўйнимга сиртмоқ солсаммикан ё бир ўқ билан бир ёқли қилсаммикан?» деб сўраб юрган кезларимда мен айтган шундай ўйлар ва кўнглимдан кечган кузатувлар билан ёнма-ён юрагим алланечук бир ҳисдан изтиробда эди. Бу ҳисни мен «Худо излаш» деган иборадан бошқа бирон ибора билан атай олмайман.

Гапимга эътибор беринг: мен Худо излашни ҳис деяпман, мулоҳаза деяётганим йўқ. Сабабки, бу излашлар менинг мулоҳазаларим оқибатида келиб чиққани йўқ, қолаверса, у, ҳатто, мулоҳазаларимга буткул зид эди, бу излаш тўғридан-тўғри юракдан чиқиб келғанди. Бу туйғу жамики ёт, бегона нарсалар ўртасида қўрқув, ёлғизлиқ, кимсасизлик туйғуси ва кимнингдир ёрдамидан умидворлик туйғуси эди.

Худонинг мавжудлигини исбот қилиш мумкин эмаслигига тўлалигича имоним комил эди. Кант буни менга исбот қилиб берганди ва мен Худонинг мавжудлигини исбот қилиб бўлмаслигини аниқ анлаган эдим. Лекин

шунга қарамасдан, мен Худони изладим, уни топишга умид боғладим ва эски одатимга кўра ўзим излаётган нарсага илтижолар қилдим, лекин тополмадим. Гоҳ мен дилимда Кант билан Шопенгауэрнинг Худонинг мавжудлигини исбот қилиш мумкин эмаслиги ҳақидаги далилларини тафтишдан ўтказардим, гоҳ уларни рад этишга киришардим. Мен ўз-ўзимга дердим: сабабият макон ва замон каби тафаккур категориялари эмас. Агар мен мавжуд эканман, демак бунинг сабаби бор ва сабабининг сабаби бор. Ана шу ҳамма нарсанинг сабаби, сабабларнинг сабаби — Худо деб аталмиш нарсадир; мен шу фикр устида тўхтаб, бутун вужудим билан шу сабабнинг мавжудлигини англашга ҳаракат қилдим. Оламда бир куч бор эканини ва мен шу кучнинг ҳукмида эканимни англай бошлашим биланоқ мен шу ондаёқ яшаш мумкин эканини англай бошладим. Бироқ мен ўзимга-ўзим савол бердим: «Нимадир, ахир, бу сабаб, бу қудрат? Мен унинг тўғрисида қандай ўйламоғим керак? Худо деб атаганимга қандай муносабатда бўлмоғим керак?» Бу саволларга фақат менга таниш жавобларгина кўндаланг бўларди: «У — яратувчи, барпо этувчи». Бу жавоблар мени қаноатлантирумас эди ва мен қўнглимда яшашим учун зарур нарса ғойиб бўлаётганини ҳис қиласр әдим. Мен даҳшатга тушиб, излаганимга сифиниб, ибодат қилиб, менга ёрдам беришини сўраб тавалло қиласрдим. Аммо ҳарчанд ибодат қилганим сари, у менинг таваллоларимни эшиштаётгани менга кўпроқ аён бўлар ва мен тавалло қилиш мумкин бўлган бирон зот йўқлигига амин бўлардим. Ва мен юрагимда Худо йўқлигини сезиб, умидсизликка тушсам-да, «Эй Худо! Узинг раҳм қил! Узинг нажот бер! Эй Худо! Узинг мени тўғри йўлга сол!» дея тавалло қилишда давом этардим. Аммо ҳеч ким раҳм қўлинин узатмас ва мен ҳаётим тўхтаб қолаётганини ҳис қиласрдим.

Аммо яна ва яна бошқа ҳар хил томонлардан ўша тўхтамга келаверар әдим — ахир, мен ҳеч қандай баҳона-ю сабабсиз, бирон-бир маъносиз дунёга келган бўлишим мумкин эмас-ку? Ахир, мен инидан тушиб кетган бир полапон эмасман-ку! Майли, шунақа полапон ҳам бўла қолай, майли, баланд майсалар орасида чалқанча ётганимча чийиллаб ётибман дейлик. Аммо чийиллашимнинг боиси шуки, мен биламан — мени очиб чиққан онам бор, — мени иситган, боққан, севган. Қани ўша онам? Агар мени ташлаб кетишган бўлсалар, ким ташлаб кетди? Кимдир мени яхши кўриб дунёга келтирганини мен

ўз-ўзимдан яшира олмайман. Хүш, ана шу «кимдир» ким? — Яна Худо!

«У менинг изланишларимни, тушкунликларимни, курашимни кўриб турипти. У — бор», — дейман ўзимга ўзим. Бир лаҳзага буни эътироф этишим биланоқ менда ҳаёт жўш ура бошлайди ва мен яаш имкони борлигини кўраман, яаш қувончини ҳис қиласман. Аммо Худонинг мавжудлигини эътироф этгандан кейин мен яна унга муносабатни излай бошлайман ва менга яна ўша Худо, яратганимиз, уч қиёфадаги халоскор Ўғлини юборган Худо намоён бўлади. Яна ўша дунёдан ташқаридаги, мендан ташқаридаги Худо кўз ўнгимда муз парчасидек эриб битарди ва ундан ҳеч нарса қолмасди, яна ҳаёт булоғи қуриб қоларди ва мен қайтадан тушкунликка тушиб, ўзимни ўлдиришдан бошқа иложим қолмаганини ҳис қиласдим. Энг ёмони шу эдик, мен буни ҳам қиломаслигимга кўзим етиб турарди.

Икки марта эмас, уч марта эмас, мен ўнлаб, юзлаб марталаб, шу аҳволга тушдим — гоҳ шоду хуррам бўлиб қолар ва жон киргандай бўлардим, гоҳи яна яаш имкони йўқлигини англаб, тушкунликка берилардим.

Эсимда бор — навбаҳор кезлари эди. Ёлғиз ўзим ўрмонда сайр қилиб юриб, ўрмон товушларини тинглардим. Ўрмон товушларини тинглардиму, калламда ҳамон ўша ўй — сўнгги уч йил мобайнида доимий равишда миямни банд қилиб келган ўй чарх уради. Мен яна Худони излардим.

«Яхши, ҳеч қанақа Худо йўқ бўла қолсин, — дердим ўз-ўзимга. — Менинг тасаввуримдан ташқаридаги Худо йўқ дейлик, аммо воқелик худди менинг ҳаётим каби. Ҳеч нарса, ҳеч қанақа мўъжиза бунақа нарсани исбот қилиб беролмайди, чунки мўъжизалар менинг тасаввурим доирасида, яна бунинг устига ақл бовар қилмайдиган нарса бўлади».

«Аммо менинг тасаввурим Худо ҳақидами? Ўша ўзим излаетган Худо ҳақидами? — деб сўрайман ўзимдан ўзим. — Бу тасаввурнинг ўзи қаердан келиб қолди?» Бу фикр кўнглимга келиши билан яна менинг вужудимда ҳаётнинг хуррам тўлқинлари қўзғолди. Теварагимдаги ҳамма нарса жонланди, ҳамма нарса маъно касб этди. Аммо менинг шодлигим унча узоқ давом этгани йўқ. Ақл ўз ишини давом эттиради. «Худо тушунчаси Худо эмас, — дердим ўз-ўзимга. — Тушунча менинг дилимда содир бўладиган нарса. Худо ҳақидаги тушунчани мен дилимда ҳосил қилишим ҳам мумкин, ҳосил қилмасли-

тим ҳам мумкин. Бу мен излаётган нарса эмас. Мен шундай нарсаны изляпманки, усиз ҳаётнинг бўлиши мумкин эмас». Шундан кейин теварагимдаги ва дилимдаги ҳамма нарса яна ўла бошлади ва мен яна ўз-ўзимни ўлдиргим келиб қолди.

Бироқ шу ерга келганда мен ўзимга ўзим ўгирилиб қарадим, дилимда содир бўлаётган нарсаларга назар солдим, дилимда юзлаб марта содир бўлган ўлиб-тирилишларни эсладим. Мен фақат Худога ишонган кезларимдагина яшаганимни эсладим. «Авваллари бўлгани каби ҳозир ҳам, — дердим ўзимга ўзим, — Худони тан олишим билан менга жон киради, яшай бошлайман, уни унутсам, унга ишонмай қўйсам, дарҳол ўла бошлайман. Бу тирилиш ва ўлишлар нима бўлсайкин? Ахир, Худонинг мавжудлигига ишончимни йўқотган кезларимдаги ҳаётимни ҳаёт-деб бўлмайди, Худони топишимга ғирашира умидим бўлмаганида эди, аллақачон ўзимни ўзим ўлдириб қўя қолган бўлардим. Мен фақат уни ҳис қилган чоғларимда, уни излаган чоғларимдагина чиндан ҳам яшайман. «Хўш, мен яна нимани изляпман? — деб садо беради дилимдаги овоз. — Мана у. Усиз яшаб бўлмайди. Худони танимоқ ва яшамоқ — айнаң бир нарса. Худо — ҳаётдир».

«Яша, Худони излаб топ, шунда ҳаётнинг Худосиз бўлмайди». Шунда дилимдаги ва атрофимдаги нарсаларнинг ҳаммаси ҳар қачонгидан кучлироқ нурланиб кетди ва бу нур мени ортиқ тарк этмади.

Шу тарзда мен жонимга суиқасд қилишдан қутулиб қолдим. Мендаги бу инқилоб қачон ва қандай содир бўлганини айтиб беролмайман. Мендаги ҳаёт қудрати нечоғлик аста-секин, билинار-билинмас тарзда маҳв қилина борган бўлса ва мен яшашнинг иложи йўқлигига, ҳаётимнинг тўхтаб қолишига, ўз-ўзимни ўлдириш эҳтиёжига келган бўлсам, худди шу тарзда аста-секин, билинар-билинмас тарзда менга ҳаёт қуввати қайтиб келди. Ғалати жойи шунда эдики, менга қайтган ҳаёт қуввати янги эмас, жуда эски ҳаётимнинг илк паллала-рида мени ўзига жалб этган ўша қувват эди. Мен ҳамма нарсада аввалгиларига, болалигим ва ёшлигимдагига қайтдим. Мен мени барпо этган ва мендан нимадир истайдиган ифодага эътиқод қўйишга қайтдим; мен ҳаётимнинг бирдан-бир мақсади — асосий мақсади яхшироқ бўлмоқдир деган эътиқодга, яъни ўша ирода билан рози-ризоликда яшашга қайтдим; мен кўзимдан пинҳон бўлган олис тарихда бутун инсоният ўзига раҳнамо қи-

либ олиш учун бу иродани ишлаб чиққан деган тұхтамга қайтдим. Бошқача айтганда, мен Худога эътиқодға, маңнавий камолот сари интилишга ва ҳаёт маңносини ўзида әлтувчи ривоятга қайтдим. Фақат фарқи шунда әдіки, бир замонлар буларнинг ҳаммаси онгсиз тарзда қабұл қилинганды, энди эса мен бусиз яшай олмаслигімни билар әдім.

Гүё мен бошимдан бундай воқеани кечиргандай әдім: әсимда йўқ — қачондир мени қайиққа ўтқаздилар, менга номаълум бўлган аллақандай соҳилдан мени йўлга равона қилдилар, бошқа соҳилга томон йўналишни кўрсатишиди, менинг тажрибасиз қўлларимга эшкакни тутқазишиди-да, мени ёлғиз қолдиришиди. Мен билганимча эшкак эшиб, сузид кетдим. Аммо ўртага етганим сари оқим тезлаша борди; оқим мени манзилдан бошқа томонга судрарди. Йўлда эса оқим ихтиёрига тушиб менга ўхшаб сар-сари сузаётган йўловчилар борган сари кўпроқ учрай бошлади. Эшкак эшишда давом этаётган ёлғиз йўловчилар ҳам бор эди. Эшкаклари қўлидан тушган йўлчилар ҳам бор эди. Одам лиқ тўла катта қайиқлар, зўр кемалар ҳам бор эди — уларнинг баъзилари оқимга қарши курашар, баъзилари эса ихтиёрларини бутунлай оқимга топшириб қўйишган эди. Мен сузид борганим сари йўналиш бўйлаб қўйига, барча сузид бораётганлар оқимига қарап эканман, менга берилган йўналишни кўпроқ унутардим. Оқимнинг қоқ ўртасида, қуий томонга кетаётган кемалар ва қайиқлар қаторида мен йўналишни бутунлай йўқотиб қўйдим ва эшкакларни ташладим. Менинг теварагимда ҳар томонимдан елканли ва эшкакли қайиқларда йўлчилар шоду хуррамлик билан қийқиришиб қуий томонга елиб боришар ва мени ҳам, бир-бирларини ҳам бошқа йўналишнинг бўлиши мумкин эмаслигига ишонтиришмоқчи бўлишарди. Мен уларга ишондим ва улар билан сузид кетдим. Сузид кетаверибман, кетаверибман. Жуда олислаб кетиб қолибман. Шу қадар олиски, шовваларнинг овозини эшидим. Мен бу шовваларда тошларга урилиб нобуд бўлишим муқаррар эди. Шовваларда дабдаласи чиққан қайиқларни кўрдим. Бирдан ҳушим жойига келди. Анча вақтгача менга нима бўлганини, қанақа аҳволга тушиб қолганимни аниқлаёлмай турдим. Мен қаршимда ҳалокатдан бошқа нарсани кўрмас әдім. Мен шу ҳалокат сари елиб-югурибман, ундан жуда қўрқар әдім ва ҳеч қаерда ундан қутулиш чорасини кўрмасдим, нима қилишимни билмай қолган әдім. Аммо орқамга ўгирилиб

қараб, хормай-толмай оқимни ёриб келаётган сон-саноқ-сиз қайиқларни кўрдим, соҳил эсимга тушди, эшкакларни, йўналишни эсладим ва орқага — оқимга қарши соҳил томонга суза бошладим.

Соҳил — Худо эди, йўналиш — ривоят эди, эшкаклар — менга берилган эрк эди. Мен уларнинг ёрдамида соҳилга — Худонинг жамолига эришмоққа сузмоғим керак эди. Шундай қилиб, менда ҳаёт қурдати қайта тирилди ва мен яна яшай бошладим.

XIII

Мен давримизнинг ҳаёти зоҳиран ҳаётга ўхшаса-да, аслида ҳаёт эмаслигини тан олиб, ундан юз ўғирдим. Биз яшаётган фаровонлик шароити бизни ҳаётни англаш имконидан маҳрум қиласи эди. Ҳаётни англамоқ учун мен истиинолар ҳаётини, ўзимизнинг, яъни ҳаёт дараҳтига ёпишиб олган текинхўрлар ҳаётини эмас, оддий меҳнаткаш халқ ҳаётини ёнгламоғим, шу халқ ҳаётга берадиган маънони тушунмоғим лозим эди. Менинг теварагимдаги оддий халқ рус халқи эди. Мен унга мурожаат қилдим, шу халқ ҳаётга берадиган маънога мурожаат қилдим. Бу маънони ифодалаш мумкин бўлса, у қуидагича эди: ҳар бир одам бу дунёга Худонинг иродаси билан келади. Худо одамзодни шундай яратганки, ҳар бир одам ўзининг жонини нобуд қилиши ёки асрар қолиши мумкин. Одамнинг ҳаётдаги вазифаси — ўз жонини сақлаб қолишдир. Ўз жонини сақлаб қолиш учун Худонинг буюрганларига амал қилиб яшамоқ лозим. Худонинг буйруқларига амал қилиб яшаш учун эса ҳаётнинг ҳамма шароитидан воз кечиш шарт, меҳнат қилиб, мутелик билан, сабр-қаноат билан, саховатлик бўлиб яшамоқ керак. Бу маънони халқ ўзи сифинадиган диний эътиқоддан топади; бу эътиқодларни эса уларга руҳоний бузруклар етказиб келган ва ҳозир ҳам етказиб турадилар. Шунингдек, бу эътиқодлар халқ ичida яшайдиган ривоятларда, афсоналарда, мақолларда ва ҳикояларда ифодаланади. Бу маъно менга жуда аён эди ва юрагимга яқин эди. Аммо халқ имонининг ана шу маъносин билан халқимизда жуда кўп шунаقا нарсалар боғланиб кетадики, улар мени ўзидан узоқлаштиради. Мен уларга изоҳ тополмайман: турли-туман сеҳру жодулар, черков маросимлари, рўза тутишлари, авлиёларнинг суюкларига ва сувратларига сажда қилишлар шулар жумласидан. Халқ уларни бир-биридан ажратади, мен ҳам

ажрата олмайман. Аммо ҳалқ әътиқод қўйган нарсаларнинг кўпчилиги менга ҳар қанча ғалати туюлмасин, мен уларнинг ҳаммасини қабул қилдим, черковга қатнадим, эрталаб ва кечқурунлари ибодат қилдим, рўза тутдим, дастлабки пайтларда ақлим ҳеч нарсага қаршилик қилмади. Авваллари назаримда сира қилишининг иложи бўлмаган нарсалар эндиликда менда ҳеч қанақа қаршилик уйғотмади.

Менинг имонга аввалги муносабатим билан ҳозирги-си бир-биридан мутлақо фарқ қиласарди. Авваллари менга ҳаётнинг ўзи маънога тўладай туюларди ва имон менга мутлақо лузумсиз бўлган, ақл бовар қилмайдиган ва ҳаёт билан боғланмаган қоидаларнинг кўнгил тусаган бир тарздаги тасдиғидай кўринарди. Ўша пайтларда мен ўзим ўзимдан бу қоидалар қанақа маънога эга эканини сўраб ва уларнинг маъноси эканига ишонч ҳосил қилиб, улардан юз ўғирганман. Энди эса бутунлай бунинг акси—мен қатъий биламанки, менинг ҳаётим ҳеч қанақа маънога эга эмас ва эга бўлолмайди ҳам, шунинг учун имон қоидалари менга нафақат лузумсиз кўринганлари йўқ, балки мен чинакам тажриба орқали шундай тўхтамга келган эдимки, фақат имоннинг ана шу қоидаларигина ҳаётга маъно беради. Авваллари мен уларга тишим ўтмайдиган мутлақо кераксиз ёзувларга қарагандек қарардим, энди эса, мабодо уларни тушунмасам, билардимики, уларнинг маъноси бор ва мен ўз-ўзимга уларни англамоқни ўрганиш керак дердим.

Мен қуйидагича мулоҳаза юритардим. Мен ўзимга дердим: имонни билиш ҳам бутун инсоният ва унинг ақли каби сирли бир ибтидодан келиб чиқади. Бу ибтидо Худодир, бу — инсон жисмининг ҳам, ақлининг ҳам ибтидоси. Менинг жисмим менга Худодан ворислик йўли билан қандай етиб келган бўлса, менинг ақлим ва менинг ҳаётни танишим ҳам менга шундай етиб келган. Шунинг учун ҳаётни танишимнинг ҳамма ривожланиш босқичлари ёлғон бўлиши мумкин эмас. Одамлар чинакамига ишонган нимаики бўлса, у ҳақиқат бўлмоғи керак; у ҳар хил йўсинда ифодаланмоғи мумкин, бироқ у ёлғон бўлмоғи мумкин эмас, шунинг учун ҳам мабодо у менга ёлғон бўлиб туюлса, бунинг маъноси шундан иборатки, уни мен англамабман. Бундан ташқари яна ўзимга дедим: ҳар қандай имоннинг моҳияти шундан иборатки, у ҳаётга ўлим маҳв этолмайдиган маъно беради. Табиийки, ҳашамат қўйнида жон таслим қилаётган подшонинг, меҳнат азобида ўлаётган қари қулнинг, норасида гўдак-

нинг, донишманд кексанинг, девонасифат кампирнинг, баҳтиёр жувоннинг, эҳтирослар қуюнида ўртанаётган йигитнинг саволига жавоб бермоқ учун, яъни турфа хил шароитдаги ҳар хил маълумот даражасига эга бўлган одамларнинг саволига жавоб бермоқ учун — албаттаки, ҳаётнинг «Мен нима учун яшайпман? Менинг ҳаётимдан нима чиқади?» деган ўша ягона мангу саволига бериладиган жавоб битта бўлса, — имон берадиган жавоб мөҳиятига кўра бир хил бўлса-да, ўзининг кўринишларида чексиз хилма-хил бўлмоғи керак. Албаттаки, бу жавоб нақадар бир хилроқ, теранроқ, чинроқ бўладиган бўлса, ҳар битта одамнинг маълумоти ва мавқеига мос тарзда ифода қилишга уринилиши жиҳатидан шунчалик ғалати ва бадбашара кўринмоғи лозим. Аммо мен учун имоннинг маросимиий томонларининг ғалатилигини оқлайдиган бу тарздаги мулоҳазалар мен учун ягона бўлган ҳаёт ишида, яъни имонда кейин ўзим пушаймон қиладиган хатти-ҳаракатлар қилишимга йўл қўймоқлик учун ҳар ҳолда кифоя эмас эди. Мен ҳалқ имонининг маросимли жиҳатларини бажо келтирап эканман, қалбимнинг жами кучлари орқали ҳалққа сингиб кетишни истардим, аммо бундай қила олмас эдим. Агар шундай қиладиган бўлсан, ўз-ўзимни алдаган бўлиб чиқардим, ўзим учун муқаддас бўлган нарсани мазах қилган бўлардим. Шу ўринда бизнинг рус диншуносларининг янги асарлари менга ёрдамга келди.

Бу диншуносларнинг тушунтиришига кўра имоннинг асосий ақоиди гуноҳлардан ҳоли турувчи черковдир. Бу ақоидни тан олишдан муқаррар бир тарзда черков сиғинадиган ҳамма нарса ҳақиқатdir деган хулоса келиб чиқади. Бир-бирлари билан муҳаббат орқали боғланган ва шунинг учун ҳам чинакам билимга эга бўлган художўйлар мажмуи сифатида черков менинг имонимнинг негизи бўлиб қолди. Ўзимга ўзим дедимки: «Худонинг ҳақиқатига бир одам ёлғиз ўзи эриша олмайди, у бир-бирлари билан муҳаббат орқали боғланган одамлар мажмуигагина намоён бўлиши мумкин. Ҳақиқатни танимоқ учун бўлинмаслик керак; бўлинмаслик учун эса бир-бирларимизни севмоқ лозим ва ўзинг рози бўлмаган нарса билан муроса қилмоқ зарур. Ҳақиқат севги қаршисида жамоъл кўрсатади; шундоқ экан, агар сен черков маросимларига бўйсунмасанг, севгига шикаст етказган бўласан, севгига шикаст етказиш билан эса ҳақиқатни таниш имконидан маҳрум бўласан». Мен ҳали у пайтларда бу мулоҳаза замирида ётган сафсатани кўрмаган

Эдим. Мен ҳали у пайтларда севги орқали бирлашиш жуда улуг севгини келтириб чиқариши мумкинлигини, лекин зинҳор-базинҳор. Никей рамзиётида муайян сўзлар билан ифодаланган диний ҳақиқат берилиши мумкин эмаслигини билмаган эдим. Худди шунингдек, муҳаббат ҳақиқатнинг маълум ифодасини бирлаштироқ учун ҳаммага мажбурий бир нарса қилолмаслигини ҳам кўрмагандим. Мен ҳали у пайтларда бу мулоҳазалардаги хатоликларни сезмагандим ва шу сабабдан православ черкови маросимларининг кўп қисмини тушунмаган ҳолда қабул қилиш ва бажо келтириш имконига эга бўлгандим. У пайтларда мен бутун қалб кучим билан ҳар қандай мулоҳазакорликдан қочишга, зиддиятларни четлаб ўтишга интилгандим ва ўзим унчалик қониқмаган черков қоидаларини имкони борича оқилона изоҳлашга ҳаракат қилгандим.

Черков маросимларини бажо келтирас эканман, мен ақлимни тизгинлаб олиб, бутун инсоният риоя қиласиган ривоятларга ўзимни бўйсундирдим. Мен ўз аждодларим билан, севикили отам, онам, боболарим, бувиларим билан бирлашдим. Улар ва улардан аввал ўтганлар динга ишониб яшашган ва мени дунёга келтиришгән. Мен халқдан чиқсан, ўзим ҳурмат қиласиган миллионлаб одамлар билан бирлашдим. Бундан ташқари, бу ҳаракатларимнинг ҳеч қайсисида бирон ёмон жиҳат йўқ эди (ёмон деб мен нафс балосига берилишни ҳисоблардим). Эрта тонгда черков ибодатига турар эканман, бу ишим яхши эканини билардим. Негаки, фикратимдаги мураккаб бирликни жиловламоғим учун, ўтган аждодларим ва замондошларим билан яқинлашмоғим учун, ҳаёт маъносини изламоқ ниятларида жисмим фарогатидан кечмоқда эдим-да. Рўза тутганимда ҳам, ҳар кунги тоат-ибодатни бажо келтирганимда ҳам, бошқа ҳар хил расм-русларга риоя қилганимда ҳам шу бўларди. Бу қурбонлар ҳар қанча арзимас бўлмасин, улар яхшилик йўлидаги қурбонлар эди. Мен рўза тутар, уйдаги ва черковдаги кундалик тоат-ибодатларни бажо келтирадим. Черковдаги ибодатлар вақтида амри маъруфларни тинглар эканман, уларнинг ҳар бир сўзини англашга ва иложим бўлган кезларда уларга маъно беришга ҳаракат қиласидим. Ибодатдаги мен учун энг муҳим гап — «Бир-биримизни севиб ҳамфир бўлайлик...», — деган гап эди. Ундан кейин келадиган «Ота, Үғил ва Муқаддас Руҳга сифинайлик» деган иборани тушириб қолдирадим, негаки уларни тушуна олмас эдим.

Яшамоқ учун имонга эга бўлмоқ ўша кезларда менга шу қадар зарур эдики, мен диний эътиқодларнинг зиддиятлари ва ноаниқликларини ўз-ўзимдан онгсиз равишда яшириб келдим. Аммо маросимларни бундай идрок этишининг чегараси бор эди. Ибодатлар вақтида роҳиблар томонидан айтиладиган баъзи бир илтимосномаларнинг мазмуни менга борган сари равшанроқ бўлаверди. Мен улардаги айрим ибораларни бир амаллаб ўзимга ўзим тушунтириб бердим. Подшо ва унинг қариндош уруғлари ҳақида тез-тез такрорланиб турадиган ибодатларни шу билан изоҳладимки, улар йўлдан оздирадиган парчаларга кўпроқ рўпара келадилар, шунинг учун уларнинг ҳақига кўпроқ ибодат қилмоқ керак. Яна баъзи бир тушуниш қийин бўлган ибодатларни душманнинг ёвузлиги билан изоҳладим. Аммо яна бир қатор ибодатлар ва сеҳрли маросимлар бор эдики, уларни ҳарчанд тушунтирган билан тушуниб бўлмас эди. Еки мен уларни бир амаллаб тушунтиromoқчи бўлар эканман гапларим ёлгон эканини ҳис қиласадим ва бу билан ўзимнинг Худога муносабатимни яксон этаётганимни ва имонли бўлишнинг ҳар қандай имконини бутунлай йўқотиб қўяётганимни фаҳмлаб турардим.

Асосий байрамларни байрам қилишда ҳам мен худди шуларни бошдан кечирардим. Шанба кунини ёдда тутиш зарурлиги, яъни бир кунни Худога мурожаат қилишга бағишлиш кераклиги менга тушунарли эди. Аммо асосий байрам қайта тирилиш ҳодисаларини эслаш эдики, мен унинг чинлигини сира тасаввур қила олмас ва англаёлмас эдим. Ва ҳар ҳафтада байрам қилинадиган кун ана шу қайта тирилиш номи билан аталарди¹. Худди шу куни сирли Евхаристия маросими содир бўлар эдики, буни мен мутлақо тушуна олмасдим. Мавлуддан бошқа қолтаг ўн икки байрам мўъжизалар ҳақидаги хотиротлардан иборат эди. Эсласам, уларни инкор этмай деган мақсадда мен улар тўғрисида ўйламасликка ҳаракат қиласадим. Бу байрамлар Меъроҷ, Худонинг жамол кўрсатиши ва бошқалар эди. Бу байрамлар байрам қилинганда мен учун ҳаддан ташқари арзимас бўлиб кўринган нарсаларга алланечук муҳимлик берилаётганини кўриб, мен ё ўзимга таскин берадиган бирон изоҳ топишга ҳа-

¹ Православ йилномасида ҳафтанинг бу купи «Воскресенье» деб аталади (тарж).

ракат қиласардим ёки мени васвасага солаётган нарсани кўрмаслик учун кўзимни юмб олардим.

Буларнинг бари менда энг муҳим деб ҳисобланадиган, аслида менга одатдаги бир нарса бўлиб туюладиган чўқинтириш маросимида жуда кучли бир тарзда содир бўларди.

Бунда мен тушунарсиз бир нарсага рўпара келардим эмас, аксинча, жуда тушунарли ҳаракатларнинг гувоҳи бўлардим. Бу ҳаракатлар менга жуда жозибадор кўринар ва мен ёлғон гапиришимни ҳам, инкор этишимни ҳам билмай аро йўлда қолардим.

Узим иштирок этган маросим куни кечирганим бир изтиробли туйғу сира эсимдан чиқмайди. Ибодатлар, тавба-тазаррулар, қоидаларнинг ҳаммаси менга тушунарли эди ва мен ҳаётнинг маъносини кашф этаётганимни туйиб, бениҳоя хуррам бир кайфиятга берилган эдим. Маросимнинг ўзини Исони хотирлаш учун қилинётган бир ҳаракат деб ҳисобладим. Бу ҳаракат гуноҳлардан фориғ бўлишни ва Исо таълимотини тўла-тўкис қабул қилишни англатарди. Мабодо бундай изоҳ сунъий бўлганда ҳам, мен унинг сунъийлигини пайқамаган эдим. Оддийгина ҳуркаккина роҳиб қаршисида хўрланиб, мутеъгина бўлиб туриб қалбингдаги ҳамма нопокликни тўкиб солмоқ, гуноҳларинг учун тавба қилмоқ менга бафоят катта шодлик бахш этарди; қоидалар ибодатларини ёзиб кетган оталарнинг интилишлари билан фикран бирлашиб кетиш ғоят қувонч бахш этарди, жамики диндорлар ва художўйлар билан бирикиш қувончли эди. Бунинг оқибатида мен изоҳларимнинг сунъийлигини ҳис қилмас эдим. Аммо мен подшо эшигига яқинлашганимда ва роҳиб мени мен ютадиган нарса чиндан ҳам жисм ва қон эканига ишонишимни такрорлашга мажбур қилганида юрагимда бирдан санчиқ турди; бу шунчаки сохта гапгина эмас эди, бу умрида ҳеч қачон имон нималигини билмаган бир кимсанинг ўта шафқатсиз талаби эди.

Мен бу шафқатсиз талаб бўлган эди деган гапни эндигина айтяпман, у пайтда эса буни хаёлимга ҳам келтирган эмасман. У пайтда жуда қаттиқ дилим оғриган эди, холос. Мен энди ортиқ ёшлигимдаги каби ҳаётда ҳамма нарса ойдин ва равшан деб ўйлайдиган аҳволда эмас эдим. Ахир, менинг динга келганимнинг боиси ҳам шунда эдики, ҳалокатдан бошқа ҳеч нарса кўрмай, нажот фақат динда деб ўйлаган эдим, шунинг учун бу имондан юз ўгириш мумкин эмас эди. Шунда мен тас-

лим бўлдим. Ўшанда юрагимда бир туйғу пайдо бўлдики, бу туйғу менга ўша ҳолатни кечиришга ёрдам берди. Бу хўрланиш ва мутеълик туйғуси эди. Мен бўйсундим, бу қон билан жисмни ҳазар қилмай ютдим, инонмоқ истадим. Аммо зарба бериб бўлинган эди. Мени нима кутаётганини аввалдан билганим учун бундан кейин мен ўзимни боришга мажбур қилолмадим.

Мен ҳали ҳам черков маросимларини аввалгидай бажо келтиришда давом этардим ва мен ҳали ҳам ўзим сифинадиган диний эътиқодларнинг ҳақиқат эканига ишонардим. Шунда мен алланарсаларни кечирар эдим. Эндиликда нимани кечирганим менга аён, лекин у пайларда бу менга ғалати туолган эди.

Мен бир саводсиз дарвеш мужикнинг Худо ҳақидаги, имон, ҳаёт ва покланиш тўғрисидаги гапларини эшигганман. Шунда менга имон билими намоён бўлган. Мен ҳалққа яқинлашдим, унинг ҳаёт ҳақидаги, имон тўғрисидаги мулоҳазаларини эшиздим ва борган сари ҳақиқатни кўпроқ англадим. Четъя-Минеяни ва Муқаддимадарни ўқиганимда ҳам худди шундай бўлди, бу китобларни мутолаа қилиш энг севимли машғулотимга айланди. Мўъжизаларни соқит қилиб, уларга бир фабуладай қарар эканман, бу мутолаа менга ҳаётнинг маъносини намоён этди. Бу китобларда Улуғ Макарийнинг, Иоасаф — шаҳзоданинг (Будданинг тарихи) ҳаёти бор эди. Уларда Иоани Златоустнинг сўзлари, қудуқдаги йўловчи, тилла топиб олган Монах, саргардон Петр ҳақидаги ҳикоялар бор эди. У ерда ҳаммалари яқдиллик билан ўлим ҳаётни истисно қилмайди деган шаҳидларнинг тарихи бор эди. Саводсиз, телбанамо, черков таълимотидан бутунлай бехабар одамларнинг тарихи бор эди.

Аммо мен Худога ишонадиган олимларга яқинлашиб, уларнинг китобларини қўлга олишим биланоқ дилимда алланечук шубҳалар, норозиликлар, баҳслардан ғазабланиш пайдо бўларди ва мен уларнинг гапларини чуқурроқ англай борганим сари ҳақиқатдан тобора узоқлашаётганимни ва тубсиз жарлик сари бораётганимни ҳис қиласдим.

XV

Мен неча марталаб саводсизликлари ва илмсизликлари учун мужикларга ҳавас қилгандман. Имоннинг менга ўта маъносиз бўлиб кўринган қоидалари уларга сира ҳам ёлғон бўлиб туолмасди; улар бу қоидаларни қабул қилишар ва ҳақиқатга деб ишонишарди. Бу ҳақиқатга мен

ишина олмасди. Фақат мен шүрлиkkагина аён әдикі, ҳақиқат күз илғамас ришталар орқали ёлғон билан чатишиб кетген ва мен уни бу ақволда қабул қилолмайман. Шу ақволда уч йил яшадим ва дастлабки пайтларда әнди күзи очилған одамдай ҳақиқатни бир чимдим-бир чимдимдан ўзлаштира бордим. Мен фақат сезгимнинг чорлови билан менга нурлироқ туюлган томонга тусмоллаб борардим. Үнда ҳақиқат ва ёлғон ўртасидаги бу зиддиятлар мени бу қадар лол қолдирмаган әди. Бирон нарсага ақлим етмаган чоғларда ўз-ўзимга дердим: «Мен ўзим айборман, ўзим ахомоқман». Аммо мен ўзим ўрганаётган ҳақиқатлар ичига күпроқ кира боргани сари, бу ҳақиқатлар ҳаётимнинг асоси бўла боргани сари, бу зиддиятлар оғирроқ ва даҳшатлироқ бўлиб борар, мен ақлим етмагани учун англамаган нарса билан ўз-ўзимга ёлғон гапирмасдан англаш мумкин бўлмаган нарса ўртасидаги чегара кескинроқ намоён бўларди.

Ана шу шубҳалар ва изтиробларга қарамай мен ҳали ҳам православие тарафида әдим. Бироқ бир жойга келиб ҳаёт масалалари кўндаланг бўлди, уларни ҳал қилмоқ керак әди. Черков бу масалаларни мен сифинадиган имон асосларига зид тарзда ҳал қила бошлади. Бу эса мени православие билан мулоқотда бўлиш имкониятидан узил-кесил воз кечишга мажбур қилди. Бу масалалар, биринчидан, православ черковининг бошқа черковларга — католикларга ва ихтилофчиларга муносабати масаласи әди. Бу кезларда диний эътиқодларга қизиқишим оқибатида мен ҳар хил йўналишдаги, ҳар хил мазҳаблардаги диндорларга яқинлашган әдим. Улар орасида католиклар ҳам, протестантлар ҳам, қадимчилар ҳам, молоканлар ҳам бор әди. Уларнинг орасида мен виждани тоза ва чинакамига художўй одамларни кўп учратганман. Мен бу одамларга биродар бўлишни истардим. Хўш, нима бўлди? Мен билган диний таълимот менга ягона имон ва севги орқали ҳаммамизни бирлаштиришни, яктаң қилишни ваъда қилган әди. Бунинг ўрнига бу таълимот ўзининг әнг яхши вакиллари орқали менга бундай деди: бу одамларнинг ҳаммаси ёлғон ботқорига ботган, алланима уларга ҳаёт қудратини берармиш, бу — шайтон васвасасидан бошқа нарса эмас, фақат бизгина бўлиши мумкин бўлган ягона ҳақиқатга эгалик қиласиз. Шунда кўрдимки, православроҳиблар ўзлари билан бир хил диний эътиқодларга сифинмаган одамларнинг ҳаммасини кофир ҳисоблашар экан. Худди шунингдек, католиклар билан бошқалар ҳам православларни кофир

деб билишар эканлар. Кўрдимки, кимда-ким православларга ўхшаб ўз диний эътиқодларини ўша рамзлар ва ўша сўзларда ифодаламаса, православлар уларга душманлик муносабатида бўлар эканлар. Албатта, православлар буни яширишга уринишарди. Ҳолбуки, аслида ўзи шундоқ бўлиши ҳам керак. Сабабки, биринчидан, «сен ёлғонга ботгансан, мен ҳақиқатга эришган» деган гапнинг ўзи бир одам бошқа одамга айтиши мумкин бўлган энг шафқатсиз гапдир. Иккинчидан, ўзининг фарзандлари ва биродарларини яхши кўрадиган одам унинг фарзандлари ва биродарларини ёлғон имонга сифинтиришни истаган одамларга дўстлик муносабатида бўлиши мумкин эмас. Қизиги шуки, диний таълимотни қанча кўпроқ билишса, бу душманлик шунча кучая боради. «Ҳақиқат одамларнинг севги орқали бирлашувидар», — деб ҳисоблаганим учун бенхтиёр менга шундай қўринидики, диний таълимот ўзи барпо қилиши керак бўлган нарсани ўзи вайрон қиляпти.

Бизга ўхшаган маърифатли одамларга бу ҳолнинг бемаънилиги ўз-ўзидан аён; шу даражада аёнки, дастлабки паллаларда шунақа муносабатларнинг бўлиши мумкинлигига ақл бовар қилмайди. Биз аҳолиси турли динларга сифинадиган ҳар хил мамлакатларда яшаганмиз ва кўрганмиз: католик православга ва протестантга, протестант католик ва православга, православ ҳам ҳар икковига нафрат билан муомалада бўлади, бир-бирларининг эътиқодини сира иккиласмай, комил ишонч билан рад этишади. Қадимчилар, пашковчилар ва бошқа мазҳабларга муносабат ҳам худди шунинг ўзи. Уз-ўзингга дейсан: «ахир, бундай бўлиши мумкин эмас, наҳотки бу шу қадар жўн бўлса? Ахир, икки хил фикр қарама-қарши бўлиб, бир-бирини рад этса, на унисида, на бунисида имонни ташкил қилувчи ягона ҳақиқат бўлиши мумкин».

Одамлар буни кўрмасликларининг сира ҳам иложи йўқ. Бу ерда нимадир бор. Буни қандайдир изоҳи бўлиши керак. Мен шундай изоҳ бор деб ўйлаган эдим ва уни қидира бошладим, шу масалага тааллуқли адабиётларнинг имкони борича ҳаммасини ўқидим, иложи бўлган одамларнинг бари билан маслаҳатлашдим. Лекин ҳеч қанақа изоҳ топа олмадим. Фақат топганим латифанамо бир изоҳ бўлди — унга кўра Сума гусарлари бутун дунёдаги энг пешқадам полк деб Сума полкни ҳисоблашади, сариқ уланлар эса дунёдаги энг пешқадам полк деганда сариқ уланлар полкни тушунишади. Турли-тўман

диний эътиқодларга мансуб руҳоний арбоблар, уларнинг энг яхши вакиллари менга: «Биз ўзимизни ҳаққа эришган деб биламиз, қолганлар адашади, уларнинг ҳақига дуо қилишдан бошқа ҳеч нарса қўлимиздан келмайди», — деган гапни айтишди, холос. Мен архимандритлар, архиерейлар, пирлар, таркидунё қилган кексалар ҳузурига бордим, лекин уларнинг ҳеч қайсиси менга буни тушунтириб беришга уриниб ҳам кўргани йўқ. Фақат улардан биттасигина менга ҳамма нарсани тушунтириб берди, аммо шундоқ тушунтиридик, мен кейин ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамай қўйдим.

Мен деган эдимки, динга ишонмайдиган одамлар ичидан кимдан ким имонга юз ўғирса (бизнинг жамики ёш авлодимиз имонга юз ўғирмоғи керак) биринчи кўндаланг бўладиган масала «нима учун ҳақиқат лютеранликда эмас, католикликда эмас, балки православияда?» — деган масала бўлади. Католик билан протестант ҳам бирдан-бир ҳақиқат ўзларининг динларида эканини тасдиқлайди. Буни мужик билмаслиги мумкин, лекин ёшлар билади, чунки буни уларга гимназияда ўқитиша-ди. Ҳар бир художўй ўз эътиқодларини рўёбга чиқараётганда ўз томонига тортқилайдиган далиллар кифоя эмас. «Диний таълимотни энг олий юксакликда англаса бўлмасмикин? — дедим мен. — Шу даражада юксак бўлсаки, унда тафовутлар йўқ бўлиб кетса? Қадимчилар билан бирга биз бир йўлдан борамиз-ку! Шу йўлдан яна нарига кетаверсак бўлмасмикин? Улар салб, ҳамд-сано ва меҳроб теварагида айланиш бизда бошқача дейиша-ди. Биз уларга дедик: сизлар Никея рамзига, етти сирсиноатга ишонасизлар, биз ҳам ишонамиз. Қелинглар, шунда баҳамжиҳат бўлайлик, қолганида истаганингизни қилинг. Бизни улар билан бирлаштирган нарса шу бўлдики, биз имондаги энг муҳим нарсани номуҳим нарсадан юқори қўйдик. Энди католикларга ҳам «сизлар фалон ва фалон масалаларга ишонасизлар, булар энг муҳим масалалар, бошқа масалаларда истаган ишларингни қилаверинглар» десак бўлмасмикин? Худди шу гапларни протестантларга айтиб, улар билан ҳам энг асосий масалада ҳамжиҳат бўлсак бўлмайдими?

Суҳбатдошим менинг фикримга қўшилди, лекин дедики, бунақа ён беришлар диний ҳокимиятни маломатга қўяди, уни ота-боболаримизнинг динидан чекинишда ва диндорлар ўртасида ихтилоф туғдиришда айблашади, ҳолбуки диний ҳокимиятнинг асосий вазифаси бизга бобокалонларимиздан мерос бўлиб қолган юон-россия:

православ динини кўз қорачифидай покиза сақлашдир.

Шунда мен ҳамма гапга тушундим. Мен имон излайман, ҳаётнинг қудратини излайман, улар эса одамлар олдиаги муайян инсоний мажбуриятларини яхшироқ адо этиш воситаларини излашади. Бу инсоний ишларни адо этар эканлар, уларни инсоний тарзда бажарадилар. Улар адашган биродарлари учун таассуфлари ҳақида, Худонинг тахти равони олдида уларнинг ҳақига қила-диган ибодатлари тўғрисида ҳар қанча гапиришмасин, инсоний ишларни адо этмоқ учун куч ишлатмоқ керак. Куч ҳамиша ишлатилган, ҳозир ҳам ишлатиляпти, бундан кейин ҳам ишлатилади. Икки хил тариқат ҳар қайсиси ўзини ҳақиқат йўлида деб билса, бир-бирларини эса ёлғонга чўмган деб ҳисобласа, биродарларини ҳақиқатга жалб қилмоқ учун улар ўз таълимотларини тарғиб қиласдилар. Агар ёлғон таълимотни черковнинг ўзини ҳақиқатга ошно деб ҳисобловчи тажрибасиз қавми ўртасида тарғиб қилса, черков бу китобларни ёқиб юбор-маслиги, қавмини васвасга солган одамни кўздан нари қилмаслиги мумкин эмас. Православ черковининг фикрига кўра сохта олов алангасида ёнаётган ва энг муҳим масалада, имон масаласида черков қавмини йўлдан оздираётган мазҳабпарастни нима қилмоқ керак? Ўнинг калласини олмоқдан ёки ўзини зиндонга солмоқдан ўзга илож борми? Алексей Михайлович замонида гулханда ёқишган, яъни замонасининг олий жазосини қўллашган; бизнинг давримида ҳам яна ўша олий жазони қўллашади — бир кишилик ҳибсга маҳкум этишади. Мен диний эътиқод йўлида қилинаётган ана шунаقا ишларга эътиборимни қаратдим-да, даҳшатга тушдим ва православиедан деярли юз ўғирдим. Черковнинг ҳаётий масалалари га иккинчи муносабати унинг урушга ва қатлларга муносабати эди.

Шу пайтда Россияда уруш бошланиб қолди. Руслар христиан севгисини алқаб ўз биродарларини ўлдира бошлашди. Бу тўғрида ўйламасликнинг иложи йўқ эди. Қотиллик ҳар қандай диннинг бирламчи асосларига зид бўлган ёвузлик эди. Буни кўрмаслик мумкин эмас эди. Ҳолбуки, черковларда бизнинг қуролимизнинг муваффақияти учун ибодатлар қилинди ва дин пешволари қотилликни диндан келиб чиқувчи иш деб тан олишди. Нанафақат урушдаги бу қотилликни, балки урушдан кейин содир бўлган ғалаёнлар вақтидаги одам ўлдиришларни ҳам шаръий бир нарса деб эътироф этишди. Мен черков арбобларини, пирларни, монахларни кўрдим — улар

адашган noctor йигитларнинг ўлдирилишини маъқуллашди. Мен христиан динига сифинадиган одамлар томонидан қилинадиган ишларнинг ҳаммасига эътиборимни қаратдим. Қаратдим-у, даҳшатта тушдим.

XVI

Шунда шубҳаларни йиғиштириб, узил-кесил амин бўлдим — мен келиб баридан тутган имон билими ҳали тўла ҳақиқат эмас экан. Авваллари бу диний таълимот бошдан-оёқ ҳаммаси ёлғон дердим; аммо эндиликда бундай деб бўлмас эди. Бутун ҳалқ ҳақиқатни билишга эришган эди, бунга шубҳа бўлмоғи мумкин эмас эди, акс ҳолда бу ҳалқ яшамаган бўлар эди. Ҳақиқатни таний оладиган бўлиб қолганимдан ташқари мен аллақачон шу ҳақиқат билан яшамоқда ва унинг жамики чинлигини ҳис қўлмоқда эдим, бироқ ана шу билимимнинг ўзида ёлғон ҳам бор эди. Бунга ҳам менинг шубҳам йўқ эди. Шундай қилиб, авваллари мени бездирган нарсаларнинг ҳаммаси эндиликда жонли бир тарзда қаршимда гавдаланди.

Аммо ёлғон қаёқдан келиб колди-ю, ҳақиқат қаёқдан келди? Ёлғон ҳам, ҳақиқат ҳам черков деб аталган нарса томонидан тарқатилади. Ёлғон ҳам, ҳақиқат ҳам ривоятларнинг таркиби дадир. Уларни муқаддас ривоятлар ва муқаддас китоблар деб аташади.

Шу тарзда хоҳласам-хоҳламасам мен ана шу ривоятлар ва китобларни ўрганишга, тадқиқ этишга мажбур бўлдим. Ҳолбуки, ҳозиргacha айни шундан қўрқар эдим.

Мен бир вақтлар қераксиз нарса сифатида нафрат билан ўзим улоқтириб ташлаган диншуносликни ўрганишга киришдим. У пайтларда диншунослик менга бир қатор қераксиз бемаъни нарсаларнинг йиғиндинисидай туулганди, у пайтларда менинг теварагимни ҳар томондан менга аниқ-равшан ва маънога тўлиқ бўлиб туулган ҳаёт ҳодисалари қуршаб олган эди, эндиликда эса соғлом каллага сифмаётган нарсани бажону дил улоқтириб ҳам ташлар эдиму, аммо ноилож қолган эдим. Бу — диний эътиқоднинг пойдевори эди, ҳар ҳолда у менга намоён бўлган ҳаёт маъносини яхлит билиш билан чамбарчас боғлиқ эди. Менинг кекса, бақувват ақлимга у ҳар қанча ваҳшиёна кўринмасин, у халос бўлишнинг бирдан-бир омили эди. уни англамоқ учун, ҳатто мен илм қоидаларини англагандай эмас, шунчаки жўн англамоқ учун уни эҳтиёт билан синчилаб текиириб чиқмоқ керак эди. Имон билимимнинг хусусиятини билиб туриб мен

буни изламайман ва излай олмайман. Мен ҳамма нарсанинг изоҳини излаб ўтирумайман. Мен биламан — ҳамма нарсанинг изоҳи ҳамма нарсанинг ибтидоси сифатида чексизлик ичида яширинган бўлмоғи керак. Аммо мен шундай англамоқ истайманки, мен бунинг оқибатида муқаррар тарзда изоҳлаб бўлмайдиган нарсага қелай; истайманки, жамики изоҳлаб бўлмайдиган нарса ақлимнинг талаблари нотўғри бўлгани учун эмас (ақлимнинг талаблари тўғри, улардан ташқарида мен ҳеч нарсани англай олмайман), балки мен ўз ақлимнинг чегараларини кўриб турганим учун изоҳлаб бўлмайдиган бўлса. Мен шундай англамоқ истайманки, ҳар қандай изоҳлаб бўлмайдиган қоида менинг қаршимда мен ишонишим керак бўлган нарса сифатида эмас, ақлнинг зарурияти тарзida намоён бўлса...

Диний таълимотда ҳақиқат борлиги менда зарра шубҳа туғдирмайди. Аммо унда ёлғон мавжуд эканига ҳам зарра шубҳам йўқ. Мен ана шу ҳақиқат билан ёлғонни топиб, уларни бир-биридан ажратиб олмоғим керак. Мен ана шу ишга киришдим. Диний таълимотда мен қандай ёлғон нарсани топганим, қандай ҳақиқатни топганим, қандай хулосаларга келганим навбатдаги асаримнинг таркибий қисмини ташкил қиласди. Бу асар бирор нарсаға арзиса ва бирор кимсага кераги бўлса бирор вақтда ёзилар ва бирор жойда чоп этилар...

Мен буларни уч йил аввал ёзган әдим.

Эндиликда унинг чоп этилаётган қисмини қайта кўриб чиқар эканман ва ўша пайтдаги фикрларим мантиқига ҳамда кўнглимдан кечган ҳисларга қайтар эканман, яқинда бир туш кўрдим. Шу тушда жамики кечирган туйғуларим ва тилга олган ҳодисалар жуда ихчам бир тарзда ифодаланган эди. Шунинг учун ўйлайманки, тушим мени англаганларнинг ҳам хотирасини янгилайди, мен юқоридаги саҳифаларда узундан-узоқ баён қилиб берган нарсаларни бир жойга жамлаб, аниқроқ тасаввур қилишга ёрдам беради. Мана ўша туш: Мен тўшакда ётган эмишман. Үзимни яхши ҳам, ёмон ҳам ҳис қилмаётган эмишман. Чалқанча ётган эканман. Шунда яхши ётибманни дея ўйлай бошлабман. Шунда оёғимни ноқулай ҳис қилибман, калта эмишми-ей, таги нотекис эмишми-ей, билмадим, ҳар ҳолда ноқулай эмиш-дå. Мен оёғимни қимирилатиб кўрибман ва шу билан бирга нима-нинг устида қандай ётганимни ўйлай бошлабман. Шу

пайтгача бу гап хаёлимга келмаган экан. Тұшагимни күздан кечириб қарасам, арқондан түқилған түр кара-ватда ётибман. Оёғимнинг учи паст томонда ётиби, тиззам очилиб қолипти. Шундан ноқулайлик сезаётган эканман. Негадир билар эканман — тагимдаги түр түшакни у ёқ-бу ёққа сурса бўларкан. Оёғимни қимирла-тиб, түр караватнинг этак қисмини бир ёнга жиндай сурибман. Шундай қилсам, тинчроқ ётадигандай кўри-нибман. Лекин мен уни кўпроқ суриб юборибман, оёғим-га илинтирмақчи бўлибман, лекин оёғим етмапти, аксига олиб түр каравот яна жиндай силжипти-ю, оёқларим осилиб қолипти. Қулайроқ ўрнашиб олишга қомил ишонч билан, бутун гавдам билан ҳаракат қилиб түр караватни ўнглаб олмоқчи бўлибман, аммо бу ҳаракатим билан иш ўнгланиш ўрнига батамом чаппасига кетиپти. Бир маҳал қарасам, бутун гавдам ҳавода муаллақ осилиб қолган эмиш, оёғимни чўзсам, ерга тегмас эмиш. Юрагим ва-химага тўлиб, қўрқиб кетибман. Шу ерга келганда аввал миямга келмаган бир нарсани сўраймай: «Мен қаерда-ман ва нимада ётибман?» Теварак-атрофимга аланг-жа-ланг қарайман. Ҳаммадан аввал пастга — гавдам осилиб турган томонга қарайман. Ҳали замон ўша томонга қу-лашимни тұяман. Пастга қарайман-у, кўзларимга ишон-майман. Мен шунақа юксакдаман-ки, қўяверасиз. Энг баланд миноранинг ёки тоғ чўққисининг баландлиги ҳам унинг олдида ип эшолмайди. Бунақа баландлик аввал-лари етти ухлаб тушимга кирган эмас.

Мен аниқ-таниқ илғай олмайман — қуйида, тепасида муаллақ турганим ва ҳадеб мени ўз бағрига чорлаётган тубсиз ўпқонда бирор нарсани кўряпманми, йўқми? Юра-гим увишади, ўзим даҳшатга тушаман. Қуйига қараш қўрқинчли. Сезиб турибман, пастга қарасам, ётган жо-йимдан сирғаниб тушиб кетаман-у, нобуд бўламан. Мен қарамайман, лекин қарамаслик яна ҳам ёмон, чунки мен «ҳозир тушиб кетсам нима бўлади?» деб ўйлайман. Се-зиб турибман, қўрқувдан энг сўнгги кучларимни йўқо-тиб, аста-аста орқамда сирғалиб, пастга тушиб кетяп-ман. Яна бир лаҳзадан кейин тамом. Шунда бирдан хаёлимга: «Бу ҳақиқат бўлиши мумкин эмас, — деган фикр келади. — Бу—туш. Үйғон». Мен үйғонцшга ҳа-ракат қиласман, лекин үйғонолмайман. «Нима қилиш керак? Нима қилса бўлади?» — дея ўзимдан-ўзим сўрайман ва юқорига қарайман. Юқорида ҳам тубсизлик. Мен само-нинг бу тубсизлигига қарайман-у, қуйидаги тубсизликни эсдан чиқаришга тиришаман ва чиндан ҳам унута бош-

лайман. Қуйидаги чексизлик мени даҳшатга солади ва ўзидан бездиради, юқоридаги чексизлик эса ўзига тортади ва менга куч беради. Мен ҳамон тубсизлик устида түр караватда илинар-илинмас осилганча муаллақ турибман. Муаллақ турганимни биламан, лекин фақат юқорига қарайман. Қўрқув мени аста-секин тарқ эта бошлайди. Қўпинча тушда бўладиган каби аллақандай овоз дейди: «Билиб қўй, бу—ўша!»—шунда мен юқоридаги тубсизлик қаърига борган сари ютоқиб қарайман ва секин-аста хотиржам бўла бошлаганимни ҳис қиласман. Нимаики бўлиб ўтган бўлса, ҳаммаси эсимда; буларнинг бари қандай рўй берганини эслайман — мана, оёқларимни қимирлатдим, мана, муаллақ осилиб қолдим, мана, қўрқувдан даҳшатга тушдим, мана, юқорига қараб, қўрқувдан халос бўлдим ва ҳалокатдан омон қолдим. Шунда ўз-ўзимдан сўрайман: «Хўш, энди бу ёғи нима бўлади? Ҳамон муаллақ осилиб турибманми? Энди мен аланг-жаланг бўлмайман, лекин бутун вужудим билан қайси нуқтага таяниб турганимни ҳис қиласман. Кўрамки, мен ортиқ муаллақ осилиб турганим йўқ, қулаётганим ҳам йўқ, балки турган жойимда маҳкам турибман. Мен ўзимдан нечук бунчалик маҳкам турганимни сўрайман, теварагимга қарайман, пайпасланаман, қарасам, остимда, белимнинг тагида түр караватдан бир бўлаги бор экан, мен шунинг устида осмонга қараганча ётибман ва у мени аввалгидаи кўтариб турибди. Худди шу чоғда худди тушларда бўладигандек, мени кўтариб турган куч кўз ўнгимда намоён бўлади. Гарчи бу куч ўнгимда ҳеч қанақа маънога эга бўлмаса-да, тушимда ғоятда табиний, тушунарли ва ҳеч қандай шубҳа туғдирмайдиган бўлиб кўринади. Мен тушимда ҳатто таажжуб қиласман — нечук мен буни авваллари англамадим экан? Буни қарангки, менинг миямнинг ичидаги бир устун бор экан. Бу устуннинг мустаҳкамлиги ҳар қандай шубҳадан ташқари эди. Ҳолбуки, бу нозик устуннинг ҳеч қандай таянчи йўқ эди. Кейин шу устундан бир ип ўтказилган экан. У шунақа усталик билан ва айни чоғда шунақа жўн бир тарзда ўтказилган эканки, шу ипнинг устига белинг билан ётиб, юқорига қарасанг, пастга қулаш ҳақидаги фикр, ҳатто, хаёлингга ҳам келмас экан. Буларнинг бари менга аён бўлди ва мен бундан мамнун бўлиб, хотирим жам бўлди. Гўё аллаким менга: «буни кўриб эслаб қол», — дегандай бўлди.

Шу жойда уйғониб кетдим.

1879—1882

БҮЮК АДИБНИНГ ИҚРОРНОМАСИ

Бундан бир неча йил муқаддам биз бир гурӯҳ ижодкорлар Қашқадарё вилоятидаги Муборак газни қайта ишлаш заводига бордик. Бизни завод директори Нуриддин Зайнев кутиб олди. У хўжалик ходими бўлсада, қадди-бастига, шинамгина костюм-шими, бўйинбоги, шляпасига қараганда росмана зиёлига ўхшарди. Айниқса, кўзларида чақнаб турган теран маънодорлик, чеҳрасидаги нурафшонлик дафъатан одамни ўзига маҳлиёэтарди. Унинг раҳнамолигида чўли биёбоннинг қоқ ўртасида эртаклардаги паҳлавонлардек қад кўтарган улкан иншоотни айланиб чиқдик. Зайнев заводни ипидан иғнасигача билар экан — унинг тарихини, қандай ишлашини, нима маҳсулот беришини, республика иқтисолидетида қандай ўрин эгаллашини, бугун қандай муаммолари борлигини чуқур бир ифтихор билан гапириб берди. Аслини олганда ҳам ҳар қанча ифтихор қилса арзирди—заводнинг қурилиши анча аввал бошланган бўлса-да, Ўзбекистон мустақиллик касб этгандан кейингина қурилиш ниҳоясига етилти, завод тўла куч билан ишлай бошлапти. Буни қарангки, у ўзининг кўлами ва қудратига кўра бутун дунёдаги энг етук ўнта газни қайта ишлаб чиқувчи заводнинг бири бўлиб қолипти. Суҳбатимиз кечқурун дастурхон теварагида давом этди. Бу гурунгда мен Нуриддин Зайневни батамом бошқа жиҳатдан кашф этиб, лол қолдим—энди у шунчаки ўз касбини мукаммал билган замонавий инженер сифатидагина эмас, жуда кўп китоб ўқиган, оламшумул фалсафий муаммолар ҳақида ўйлайдиган мутафаккир, дошишманд одам сифатида кўринди. У, айниқса, улуғ адаб Л. Н. Толстой ҳақида ҳаяжонланиб гапиради. Унинг бир асари ички дунёсини афдар-тўнтар қилиб юборипти. Унда инсон ҳаётининг маъноси ҳақида ибратли гаплар ўртага ташланган экан:

— Ушандан бери ўйлайман, — деди Нуриддин. Ҳақиқатан ҳам инсон ҳаётининг маъноси нима? Инсон туғилади, улғаяди, берилган муддатни яшаб бўлиб, оламдан ўтиб кетади. Хўш, унинг вафоти билан ҳаётининг маъноси ҳам йўқолиб кетадими?

— Сиз Толстойнинг «Иқрорнома»сини айтяпсиз-да? —
деб луқма ташладим мен.

— Ҳа, ҳа, ўқиган экансиз, — Нуриддин тилини ва
балки дилини тушунадиган сұхбатдош топилганидан
мамнун бўлди. — Шу китобни бир замонлар ўқиган
эдим, шундан бери излайман. Топиб бўлармикин-а?

Китобни излаганча бор эди — китоб Толстой ҳаётли-
гида черковнинг тақиқига учраган ва жуда кам босил-
ган эди. Шўро замонида эса бу асар фақат бир марта
— 1928 йилда адаб таваллудининг 100 йиллиги билан
атиги минг нусхада чоп этилган. «Мукаммал асарлар
тўплами»га киритилган эди. Кейин ошкоралик замон-
лари келиб, 1991 йилда яна бир марта босилган эди.
Шу китоб менда бор эди.

— Менга шундан нусха кўчириб жўнатсангиз жуда
миннатдор бўлардим. Умуман, нега шунаقا асарларни
таржима қилиб чиқармайсизлар?

Нуриддин Зайниневдаги буюк адаб ижодига қизиқиши
ўткинчи ва тасодифий эмаслигини кўриб, бошим осмон-
га етди. Бунинг боиси бор, албатта.

Инсоният тарихида ўтган адibu шуарони санаб, ҳи-
собига етиб бўлмайди, аммо уларнинг камдан-ками
одамларнинг маънавий ривожида салмоқли из қолдир-
ган. Шундайлардан бири Лев Николаевич Толстойдир.
Унинг оламдан ўтганига салкам бир аср бўляпти. Шу
муддат мобайнида унинг оламшумул шуҳрати ортса
өртдию, сира камайгани йўқ. Бугун бутун ер юзида —
ҳамма қитъаларда, ҳамма мамлакатларда унинг асар-
лари, оташин хитоблари, ўйлари етиб бормаган жой
қолмади, десак хато бўлмайди. Ҳар хил ирқдаги, ҳар
хил ижтимоий табақага мансуб, ҳар хил эътиқодларга
эга одамлар ўз ҳаётларининг мушкул ва мураккаб дам-
ларида Толстой асарларига, унинг бой ва кўпқиррали
ижодига мурожаат қиласидилар ва ундан маънавият са-
боқларини оладилар. Замонлар айланиб ҳаётдаги жуда
кўп нарсалар эскириб кетган бўлса-да, бизни қуршаб
олган муҳит, ашёлар дунёси тубдан янгиланган бўлса-да
ҳатто, кўпгина анъанавий қадриятлар ўрнини янги қад-
риятлар, янги тушунчалар, янги эътиқодлар эгаллаётган
бўлса-да, ҳаётлигига ёқ «инсониятнинг устози» сифатида
танилган Толстойнинг маънавий сабоқлари мутлақ
эскиргани йўқ.

Ўзбеклар ҳам бу улуғ адабнинг асарлари билан асри
миз бошидаёқ танишган эдилар. Толстойнинг болалар
учун яратган масаллари, эртаклари, жажжи ҳикоялари

ўзбек тилидаги илк дарсликларга киритилган. Айрим ўзбек зиёлилари эса адаб асарларини ўқиш асносида туғилган фикр-мулоҳазаларини бевосита Толстойнинг ўзига ёзиб юборишган ва ундан жавоб ҳам олишган. Ҳозирги кунда адебнинг деярли ҳамма бадий асарлари ўзбек тилига афдарилган ва аллақачон ўзбек қитобхонининг кўнгил мулкига айланиб қолган. Лекин шунга қарамай биз бугун Толстой ҳақида, унинг бой, серқирра ва мураккаб шахсияти тўғрисида тугал тасаввурга эгамиз деб айта олмаймиз. Толстойнинг кўплаб фалсафий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий, адабий-танқидий асарлари ҳали-ҳануз ўзбек қитобхонининг назаридан четда қолиб келмоқда. Бу билан биз ўзимизни ҳазрат Толстой шахсиятининг янги қирралари билан танишувдан оладиган жуда катта маънавий бойликтан маҳрум қилиб келмоқдамиз. Шунинг учун бир замонлар «дод саси» келган Қарши чўлиннинг қоқ ўртасида қад кўтарган том маънодаги замонавий саноат корхонасининг етакчиси «Иқрорнома»дан баҳс юритар экан, демак, ўзбек зиёлиларининг бугунги тафаккурида муайян силжишлар рўй берган экан-да! Улар ҳам умумжаҳон тафаккурининг орбитасида ўз ўринларини излай бошлаптилар-да! Бутун инсониятни жавоб излашга мажбур қилиб келган, ўйлашга, баҳс юритишга, изланишга ундан «малъун саволлар» эндиликда ҳамма ўзбек зиёлиларининг бўлмаса ҳам-ки, айримларининг олдида кўндаланг бўла бошлапти-да! Ахир, бунга қувонмасдан бўладими?

«Иқрорнома» ҳасби ҳол жанрида ёзилган асар. Жаҳон адабиётида бунақа асарлар унчалик кўп эмас. Энг машҳурлари — Жан Жак Руссо, Оскар Уайлд каби ёзувчиларники. Уларнинг барида муаллифлар ўз ҳаётлари мисолида инсон фаолиятининг энг мураккаб жиҳатларини ёритадилар. Лекин улар биографик ёхуд ме-муар асар эмас. Толстой «Иқрорнома»сиning энг муҳим фазилати шундаки, у асарда қайси муаммо ҳақида баҳс юритмасин ҳамиша бу муаммоларни ўз ҳаёти мисолида таҳлил қилган ва бирор ўринда ҳам самимиятдан чекиниш мақтанчоқликка, ман-манликка, ўзини пардозлаб кўрсатишга уринган эмас. Мана, қўйидаги парчага эътибор беринг: «Мен урушда одам ўлдирганман, ўлдирмоқ ниятида дуэлга чақирганман, тасарруфимдаги мужикларни қартага бой берганман, уларни қатл этганман. Ёлғончилик, ўғирлик, ҳар хил рангдаги зинокорлик, ичкиликбозлик, зўравонлик, қотиллик... Мен қилмаган жиноят қолган эмас...»

Бу парчани ўқиган ўзбек китобхони, албатта, ёқа ушлайди: «Ё алҳазар! Шу ўзимиз билган, соясига салом бериб келган улуғ адибми? Роса бўлган экан-ку! Вой соқолинг кўксингга тўкилгур-ей!» Бундай дейишимизга сабаб шуки, биз («биз» деганда ўзим тенги авлодни на- зарда тутаяпман) юзаки фикрлашга ўрганганмиз, биз учун фақат оқ ва қора рангларгина мавжуд, биз ҳар қандай одамни баҳолагандა ҳам ё уни мақтаб, фариштага айлантириб юборамиз, ёхуд қоралаб, қарғаб, қора ерга киритиб ташлаймиз. Ўрталиқни тан олмаймиз, ҳар қандай инсон ҳам, биринчи нагбатда, банда эканини ва банда сифатида адашиш ҳуқуқига эга эканини унугиб қўямиз. Толстой улуғ эди, лекин у айни чоқда инсон ҳам эди ва айни шу жиҳати билан у бошқа инсонларга яқин туради. Кўринадики, «Иқрорнома» юксак самимияти билан, ўзи ҳақида ўта шафқатсиз қалам тебратиш била- ноқ бизга инсон тўғрисида фикр юритганда бир томон- ламаликка йўл қўймаслик зарурлигини, масаланинг ҳамма қирраларига бирдай эътибор билан қараш керак- лигини ўргатади. «Иқрорнома»нинг яна бир фазилати — муаллиф фикрларининг ғоятда ўтқирлигига. У ҳар гал бетакрор бир синчковлик билан масаланинг моҳиятигача етиб боришга ҳаракат қиласи ва натижада китобхон илгари кам эътибор берган жиҳатларни очиб, уни яна- да қизиқтириб, ўз ортидан етаклади.

«Иқрорнома»ни муаллиф 1879 йилда, яъни 51 ёшида ёза бошлаган, лекин унинг мазмуни ҳақида, асарда қўйилған ахлоқий-маънавий ва фалсафий масалалар тўғрисида камида 20 ёшидан ўйлай бошлаган. Демак, асар дафъатан туғилган, бирдан эсга тушиб қолган фикр-мулоҳазаларга асосланган эмас. Эҳтимол, шунинг учундирки, у бугунги китобхон учун ҳам ғоятда ардоқли, унинг маънавий янгиланишида ғоятда сезиларли тиргак бўладиган асардир.

Озод Шарафиддинов